

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVII
TADQIQOTLAR INSTITUTI ILMIY JURNALI

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO

TUPROQSHUNOSLIKDAGI ENG
DOLZARB MAVZULAR

ВАЖНЕЙШИЕ ТЕМЫ
ПОЧВОВЕДЕНИЯ

THE MOST IMPORTANT THEMES
IN SOIL SCIENCE

ILMIY JURNAL №1/2023

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO ILMIY JURNAL

MAZKUR JURNAL SAHIFALARIDA RESPUBLIKA VA XORIJIY MAMLAKATLARDA TUPROQSHUNOSLIK, AGROKIMYO VA AGROTUPROQSHUNOSLIK SOHALARIDA OLIB BORILGAN ILMIY TADQIQOTLAR NATIJALARI, YANGILIKLAR, ILMIY YUTUQLARGA OID MAQOLALAR CHOP ETILADI.

НА СТРАНИЦАХ ЭТОГО ЖУРНАЛА ПУБЛИКУЮТСЯ СТАТЬИ О РЕЗУЛЬТАТАХ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, НОВОСТЯХ, НАУЧНЫХ ДОСТИЖЕНИЯХ В ОБЛАСТИ ПОЧВОВЕДЕНИЯ, АГРОХИМИИ И АГРОПОЧВОВЕДЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ И ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ.

ON THE PAGES OF THIS JOURNAL ARTICLES ARE PUBLISHED ON THE RESULTS OF SCIENTIFIC RESEARCH, NEWS, SCIENTIFIC ACHIEVEMENTS IN THE FIELD OF SOIL SCIENCE, AGROCHEMISTRY AND AGRICULTURAL SOIL SCIENCE IN THE REPUBLIC AND FOREIGN COUNTRIES.

Eslatma: "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnali O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi huzuridagi Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti muassisligida 2022-yildan buyon nashr etilmoqda.

Endilikda ushbu ilmiy jurnal, O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi tomonidan 2022 yil 29-dekabr dan 03.00.00-Biologiya fanlari bo'yicha, 2023 yil 31-yanvardan 06.00.00-Qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etishga tavsiya etilgan milliy nashrlar ro'yxatiga kiritildi.

Asos: O'zbekiston Respublikasi OAK Biologik tadqiqotlar va biotexnologiyalar bo'yicha (27.12.2022 y., № 12) hamda Qishloq xo'jaligi, veterinariya va oziq-ovqat tadqiqotlari bo'yicha ekspert kengashlarining tavsiyasi (27.01.2023 y., № 1); O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining qarorlari (29.12.2022 y. № 330/5 va 31.01.2023 y. № 332/5).

Ushbu "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnalida nashr etilgan maqolalarda keltirilgan ma'lumotlarining haqqoniyligiga mualliflar mas'uldir.

Jurnaldan ma'lumotlar ko'chirib olinganda "Tuproqshunoslik va agrokimyo" ilmiy jurnalidan olindi, deb ko'rsatilishi shart.

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI AXBOROT VA OMMAVIY KOMMUNIKATSIYALAR
AGENTLIGIDA 2020 YIL 9 MARTDA 1056 SON BILAN
RO'YXATGA OLINGAN.

MUASSIS:

QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI
TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

BOSH MUHARRIR:

SHUHRAT BOBOMURODOV

MUHARRIRLAR:

ZAFAR BAHODIROV
AKBAR XUDOYQULOV
RAVSHAN NURMATOV

ADABIY MUHARRIR:

JALOLIDDIN JO'RAYEV FIL.F.D

MA'SUL KOTIB:

MIRAZIZ MIRSODIQOV

1. J.S. Sattarov, q.x.f.d., akademik
2. Sh.S. Namozov, t.f.d., akademik
3. M.I. Ruzimetov, q.x.f.d.
4. Sh.J. Teshaev, q.x.f.d., professor
5. A.M. To'raev, b.f.d., professor
6. M.A. Mazirov, b.f.d., professor (Rossiya)
7. A.N. Chervan, q.x.f.n. (Belorusiya)
8. Georg Guggunberger, professor (Germaniya)
9. Raushan Ramazanova, q.x.f.n. (Qozog'iston)
10. A.X. Hamzaev, q.x.f.d., professor
11. Sh.N. Nurmatov, q.x.f.d., professor
12. A.X. Abdullaev, t.f.d.
13. R.A. To'raev, t.f.d., professor
14. N.Yu. Abduraxmonov, b.f.d., professor
15. L.A. Gafurova, b.f.d., professor
16. H.T. Artigova, b.f.d., professor
17. T.A. Abdraxmonov, q.x.f.n., professor
18. M.M. Toshqo'ziev, b.f.d., professor
19. R. Kurvantoev, q.x.f.d., professor
20. N.X. Usanboev, t.f.d., professor
21. A.J. Boirov, q.x.f.n., k.i.x.
22. A.U. Axmedov, q.x.f.n., k.i.x.
23. A.A. Karimberdieva, q.x.f.n., k.i.x.
24. A.J. Ismonov, b.f.n., k.i.x.

JURNAL 2022 YILDAN CHIQA BOSHLAGAN. BIR YILDA TO'RT MARTA CHOP ETILADI.

BICHIMI 60X84 1/8 «TIMES NEW ROMAN» GARNITURASIDA OFSET USULDA CHOP ETILDI.
SHARTLI BOSMA TABOG'I 1,16 ADADI 80 DONA. BUYURTMA №32 "AGRAR FANI XABARNOMASI"
MCHJ BOSMAXONASIDA CHOP ETILDI.

TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYO» ILMIY JURNALINING 1-SONI
QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI
MULTI MEDIA MARKAZI BILAN HAMKORLIKDA TAYORLANDI

BOSISHGA RUXSAT ETILDI: 30.03.2023 YIL

TAHRIRIYAT MANZILI:

TOSHKENT VILOYATI QIBRAY TUMANI
BOBUR KO'CHASI 4-A.

E-MAIL: JURNAL@SOIL.UZ
SOILJURNAL@UMAIL.UZ



BOSMAXONA MANZILI:

QIBRAY TUMANI UNIVERSITET
KO'CHASI №2

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ш. БОБОМУРДОВ, А. ИСМОНОВ. ОРОЛ БЎЙИ ТУПРОҚЛАРИ ҲОЛАТИ, ХОССА-ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ	6-11
Н. АБДУРАХМОНОВ, Ш. МАНСУРОВ, М.МИРСОДИҚОВ. ҚОРАДАРЁ ЁЙИЛМАСИДА ШАКЛЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ	12-16
Б.ЭРГАШЕВ. ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ ЁНБАҒИРЛАРИДАГИ ТОҒ ЖИГАРАНГ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УМУМий МОРФОГЕНЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ	16-19
N. ABDURAXMONOV, G. YERDASHOVA. SUG'ORILADIGAN O'TLOQI ALLYUVIAL TUPROQLARNING XOSSA-XUSUSIYATLARI	19-22

ТУПРОҚ МЕЛИОРАЦИЯСИ

Ж. ТУРДАЛИЕВ, А. АХМЕДОВ, С. САНАҚУЛОВ, Д. ТУРДИМУРАДОВ. СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА МАВСУМИЙ, ДОИМИЙ ДОҒЛИ ВА ЁППАСИГА ШЎРЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАР МЕЛИОРАЦИЯСИ	23-28
Н. АБДУРАХМОНОВ, Ж. ЭҒАМБЕРДИЕВ, Ш. МАНСУРОВ. ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИГАН ҚИСМИ ТУПРОҚ-ГУРУНТЛАРИДА ШЎРЛАНИШ ВА ШЎРСИЗЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ, СУВДА ОСОН ЭРУВЧИ ТУЗЛАР МИҚДОРИ ВА ЗАҲИРАЛАРИ	28-34
Ў. МАМАЖАНОВА, А. ИСМОНОВ, Н. ҚАЛАНДАРОВ. СУҲ ДАРЁСИ ЁЙИЛМАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТУЗ ЗАҲИРАЛАРИ	34-39
Х. БОЗОРОВ, Б. ХАЛИКОВ. АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ ҒАЛЛА: ҒЎЗА ТИЗИМИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯ ҲАМДА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР ПАРВАРИШЛАШНИ ТУПРОҚНИНГ ҲАЖМ МАССАСИ ВА ҒОВАКЛИГИГА ТАЪСИРИ	39-43

ТУПРОҚ ЭКОЛОГИЯСИ ВА МЕЛИОРАЦИЯСИ

G. MIRXAYDAROVA, M. RUZMETOV, Z. BAXODIROV. SURXONDARYO VILOYATI DENOV TUMANI TUPROQLARINING SIFAT INDIKATORLARI TAVSIFI	44-49
--	-------

АГРОТУПРОҚШУНОСЛИК

Р. КУРВАНТАЕВ, С. НАЗАРОВА, Н.СОЛИЕВА, М. ИСТАМОВА. ҚОРАҚЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕХАНИК ВА МИКРОАГРЕГАТ ТАРКИБИНИ АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ	50-56
О. КАРАБЕКОВ, М. ТОШҚЎЗИЕВ. МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРНИ МЕХАНИК ТАРКИБИ, УНИ ГУМУС МИҚДОРИГА КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИГИ	56-61

АГРОКИМЁ

Ж. КЎЗИЕВ, А. КАРИМБЕРДИЕВА, С. НИЗАМОВ, Ш. ЖУМАЕВ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КОМПЛЕКС ЎҒИТ ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ	62-67
I. ROZIEV, A. YUNUSOV. EFFECT OF AMARANTH PLANTING TIMES AND PLANT THICKNESS ON THE VOLUME WEIGHT OF SOIL	67-72
Н. РАУПОВА, З. ГУЛАМОВА. АКТИВНОСТЬ ФОСФАТМОБИЛИЗУЮЩИХ БАКТЕРИЙ В ОРОШАЕМЫХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВАХ ПО ВИДАМ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР	72-77
M. BOTIROV, SH.AKRAMOV. THE INFLUENCE OF AGROTECHNICAL FACTORS ON SOIL PROPERTIES CARRIED OUT IN THE 2:2 SYSTEM OF ROTATION CROPPING	78-83
Б. АТОЕВ, Ж. ҚАЙПНАЗАРОВ. ТУПРОҚ ТАРКИБИДАГИ ОЗИҚА ЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИНИ ДОН ҲОСИЛИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ	83-87
A. KHABIBULLAEV. AMARANT'S MOBILE PHOSPHORUS DYNAMICS ARE AFFECTED BY THE RATE OF MINERAL FERTILIZER APPLIED TO THE SOIL	88-93
С. БОЛТАЕВ, О. НОРМУРАТОВ, Ж. ХАЙИТАЛИЕВ. ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНЫХ НОРМ АЗОТНЫХ УДОБРЕНИЙ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ	94-99

ОРОЛ БЎЙИ ТУПРОҚЛАРИ ҲОЛАТИ, ХОССА-ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

Бобомуродов Шухрат Меҳрибонович,

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар
институти, директор,
e-mail: shuhrat_bm@inbox.ru

Исмонов Абдуваҳоб Жўраевич,

бўлим мудири, к.и.х., б.ф.н. e-mail- abduvahob60@mail.ru
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада қуйи Амударё минтақаси суғориладиган тупроқларида узоқ йиллар давомида ўтказилган тупроқ мониторинг тадқиқотлари натижалари баён этилган. 2010 йилда тупроқларда деградация жараёнлари Қўнғирот туманида 88,4% ни, Беруний туманида 84,7% ни, 2022 йилда Эллиққалла 85,16%, Нукус ва Кегайли туманларида 100% ер майдонларида қайд қилинган. Ҳозирда дегумификация жараёнларига Амударё тумани суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларининг 51,78%, Тўрткўл тумани 51,57% ва Тахтакўпир туманида 67,48% учраганлиги мониторинг тадқиқот изланишларимизда қайд этилди.

Калит сўзлар: гумус, шўрланиш, механик таркиб, сизот сувлари, деградация, антропоген омиллар.

Аннотация. В статье описаны результаты мониторинговых исследований, проводимых в течение многих лет на орошаемых почвах низовьев Амударьи. В 2010 году в Кунградском районе процессы деградации почв зафиксированы на 88,4% площади, в Берунийском районе – 84,7%, в 2022 году – в Элликкалинском районе – 85,16%, в Нукусском и Кегейлийском районах – 100%. В наших мониторинговых исследованиях отмечено, что 51,78% орошаемых лугово-аллювиальных почв Амударьинского района, 51,57% Турткульского района и 67,48% Тахтакупирского района в настоящее время подвержены процессам дегумификации.

Ключевые слова: гумус, засоленность, механический состав, грунтовые воды, деградация, антропогенные факторы.

Annotation. The article describes the results of monitoring studies carried out for many years on irrigated soils in the lower reaches of the Amudarya. In 2010, 88.4% of soil degradation processes were recorded in the Kungrad region, 84.7% in the Beruniy region, 85.16% in the Ellikkala region in 2022, and 100% in the Nukus and Kegeili regions. In our monitoring studies, it was noted that 51.78% of alluvial soils of irrigated meadows in the Amudarya region, 51.57% of the Turtkul region and 67.48% of the Takhtakupyr region are currently subject to dehumification processes.

Key words: humus, salinity, mechanical composition, ground water, degradation, anthropogenic factors.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши шароитларида инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсири натижасида атроф-муҳитда сезиларли ўзгаришлар кечмоқда. Оқибатда табиий ўрмон билан қопланган майдонлар қисқармоқда, саҳроланишлар ва ботқоқликлар вужудга келмоқда, атмосфера, сув ва литосфера ифлосланмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти

маълумотларига кўра, дунё бўйича 33% тупроқлар деградацияга учраган бўлиб, деградациянинг шу зайдда давом этиши 2050 йилга келиб 90% ни ташкил этиши мумкин. Юздан ортиқ мамлакатларда 2,6 миллиард одам тупроқлар деградацияга учраши ва чўлланиш таъсиридан азият чекаётганлиги ва бу ер юзи аҳолисининг 33% дан кўпроғига таъсир қилади. Яйловларнинг

тахминан 73 фоизи деградацияга учраган, лалми ерларнинг 47 фоизи ва суғориладиган экин майдонларининг салмоқли қисми деградацияга учраган. Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 7-8 млн. га ер майдонлари қишлоқ хўжалик фойдаланишидан чиқиб кетмоқда [1]. Табиий муҳит ҳолатининг инсон таъсирида ўзгариши, жонли ва жонсиз компонентларга кучли таъсири маҳаллий, минтақавий ва умумжаҳон экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Жумладан, қуйи Амударё минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ва яйлов ерлари тупроқларида мелиоратив ҳолатининг мураккаблашуви, тупроқлар деградацияси натижасида гумус ва озиқа моддаларини камайиб кетганлиги каби вазиятлар вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш кўзда тутилган [2]. Шу боис, мураккаб иқлим ўзгаришлари ва сув танқислиги шароитларида ривожланаётган қуйи Амударё минтақаси суғориладиган гидроморф тупроқларнинг табиий ва антропоген омиллар таъсирида хосса-хусусиятларини, ўзгаришларини таҳлил этиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Қуйи Амударё минтақаси тупроқ қопламларида кейинги йилларда Р.Қўзиёев, М.Тошқўзиёев, С.Абдуллаев, В.Сектименко, В.Попов, А.Каримбердиева, Д.Исоқова, Б.Файзуллаев, А.Аҳмедов, Ф.Ҳаққулов, М.Норқулов, А.Исмонов, М.Рузметов ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Ишнинг мақсади. Мониторинг тадқиқотларида Оролбўйи ҳудудлари суғориладиган тупроқларида табиий ва антропоген омиллар таъсирида содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш.

Тадқиқот жойи ва амалга ошириш услублари. Тадқиқот жойи қуйи Амударё минтақаси суғориладиган тупроқлари ҳисобланади (1-расм). Тадқиқот услублари республикамызда нашр этилган «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» [3], «Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш услублари» [4] ташкил этади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Қорақалпоғистон


Республикасининг қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларидан танланган 15 та мониторинг калит майдонларидан ажратилган бир гектарли жами 45 та асосий стационар экологик майдон (СЭМ) ва ярим стационар экологик майдон (ЯСЭМ) лар, республика ҳудудларидаги барча геоморфологик районларни ва уларда тарқалган барча тупроқ гуруҳларини қамраб олган [5]. Шу нуқтаи назардан, Амударёнинг ўнг ва чап қирғоқларида тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқлардан СЭМ ва ЯСЭМ лар танланган. Урганилган тупроқ гуруҳларида олинган маълумотлар аввалги йилларда ўрганилган натижалар билан қиёсий таққосланган.

Мониторинг тадқиқотларида ўрганилган туманлардаги ажратилган СЭМ ва ЯСЭМ тупроқлари тарқалган ҳудудларни ер ости сувлари сатҳи таҳлил этилганда, Амударё ёйилмасининг ўнг ва чап қирғоқларида (Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой, Қонликўл, Кўнғирот, Шуманай, Хўжайли, Мўйноқ ва Нукус туманлари) ер ости сизот сувлари сатҳи 2010 йилда 1,35-2,00 м, 2016 йилда сизот сувлари сатҳи юзага яқин 1,15-1,40 мда, ҳозирги тадқиқотларда уларнинг сатҳи ўртача 1,15-1,30 м да жойлашган. Шунингдек, Мўйноқ туманидаги қолдиқ ботқоқ, қолдиқ ўтлоқи шўрхок, мўътадил гидроморф шўрхок ва ярим гидроморф денгиз бўйи шўрхоклари ер ости сувлари сатҳи 1,10-1,20 м гача кўтарилганлиги, уларнинг минераллашганлик даражасини ошганлиги аниқланди.

Эскидан ва янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларни ҳайдов ости қатламларининг ҳажм оғирлиги 2010 йилда 1,33-1,42 г/см³ ва ҳозирги тадқиқотларида 1,40-1,55 г/см³ ҳажм оғирлиги даражасида зичлашганлиги аниқланди. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларининг зичлашганлиги Кўнғирот, Қонликўл, Нукус, Хўжайли, Шуманай, Амударё, Тўрткўл, Чимбой ва Тахтақўпир туманларида тарқалган ўрта ва оғир қумоқли тупроқларда қайд этилди.

Мониторинг тадқиқотлари ўтказилган суғориладиган аллювиал тупроқларнинг механик таркибини шаклланишида Амударё сувлари орқали келтирилган жинсларнинг ётқизилиши, жойнинг геологик жинслардан ва литологик тузилиши катта аҳамиятга эга бўлган [6; 7; 8].


2016 йилги мониторинг тадқиқотлари учун танланган калит майдонларнинг карта схемаси



1-расм. Қорақалпоғистон Республикасидан танланган мониторинг калит майдонларини жойлашув схемаси

Тўртламчи даврда шаклланган жинсларни, инсонлар томонидан суғориш ва ишлов беришлар таъсирида, суғориладиган аллювиал тупроқларнинг механик таркиби тубдан ўзгаришларга учраганлиги ҳамда турли механик таркибдаги тупроқларни

шаклланишига олиб келган (2-расм) [9; 10]. Лекин, умумий жиҳатдан суғориладиган тупроқлар қоплами таҳлил этилганда ўрта, енгил қумоқли ва қумлоқлар устувор тарқалганлиги аниқланди [11; 12].




2-расм. Гидроморф тупроқларнинг механик таркибида йирик чанг заррачалари микдори, % ҳисобида

2010 йилги мониторинг тадқиқотларида суғориладиган тупроқларни қуйи қатламларида сувда осон эрувчан тузларни шаклланиши ва доғларни пайдо бўлганлиги аниқланган бўлса, кейинги (2022) тадқиқотларида суғориладиган тупроқларни ҳайдов ости қатламларидан бошлаб тупроқнинг қуйи профилларида тузларни кристаллар ёки томирларда тўпланиши аниқланди. Шунингдек, Мўйноқ туманидаги гидроморф шўрхоқларда тузларни ер юзасида қатқалоқлар шаклида учраши натижасида, жуда кучли ва кучли даражада шўрланишга учраганлиги қайд этилди. Ўрганилган СЭМ ва ЯСЭМ ларни суғориладиган тупроқларида шўрланиш, чўлланиш ва деградацияга учраганлиги Тахтакўпир туманидаги Ўзбекистон ва

Маржонкўл, Қўнғирот тумани Равшан ва Охунбобоев номли, Шуманай туманидаги Шуманай ва Амударё, Чимбой туманидаги Майяб ва Бўзатов, Нукус туманидаги Ақманғит ва Нукус, Элликқалъа туманидаги Янгиер массивлари суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида аниқланди.

2010 йилда суғориладиган ер майдонларининг СЭМ ва ЯСЭМларни тупроқ-мелиоратив шароитлари оғир ҳудудларига Мўйноқ, Қўнғирот, Бўзатов туманларида, кейинги (2022) йилда Қонлиқўл, Қораўзак, Амударё, Элликқалъа туманлари суғориладиган тупроқлари сув танқислиги шароитларида дегумификацияга учраган ер майдонлари ҳажмини кенгайганлиги ўтказилган мониторинг тадқиқотларида аниқланди (3-расм).



3-расм. Қорақалпоғистон Республикаси туманларида гумус миқдорини ўзгариши кўрсаткичлари, фоиз ҳисобида


2010 йилда тупроқларда дегумификация жараёнлари Қўнғирот туманида 88,4% ни, Қонликўл туманида 61,2% ни, Хўжайли туманида 59,2%, 2016 йилда Қўнғирот туманида 84,7% ни, Қонликўл туманида 50,5% ни, Хўжайли туманида 56,7%, Амударё туманида 69,7% ни, Элликқалъа туманида 70,9% ни, Тўрткўл туманида 74,2% ва Беруний туманида 81,8% ларни ташкил этган.

Ҳозирда (2022) дегумификация жараёнлари Элликқалъа туманида 85,1% ни, Нукус туманида 100,0% ни, Амударё туманида 51,8% ни, Кегейли туманида 100,0%, Тўрткўл туманида 51,5% ва Тахтақўпир туманида 67,48% ни ташкил этган.

Қўнғирот туманидаги Й.Охунбобоев номли массивнинг янгидан суғориладиган

ўтлоқи аллювиал тупроқлари ҳаракатчан фосфор билан жуда кам ва кам даражада таъминланганлиги қайд этилди (4-расм). Бу суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларига минерал ва маҳаллий ўғитлар ушбу тупроқларга кам даражада киритилганлиги ҳамда ўғитларни табақалаган ҳолда фойдаланилмаганлиги натижаси бўлиб ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўринадики, кейинги ўтказилган тадқиқотларда Амударё, Тўрткўл, Тахтақўпир туманларининг 50% дан ортиқ ерлари, Элликқалъа туманининг 85,16%, Нукус ва Кегейли туманлари суғориладиган ерларини 100% деградацияга учраганлиги аниқланди.



4-расм. Суғориладиган тупроқларнинг қатламларида ҳаракатчан фосфор миқдори, мг/кг ҳисобида

Массивлар бўйича таҳлил этилганда Қўнғирот туманидаги Й.Охунбобоев номли массивни эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари (49,62%), Элликқалъа тумани Янгиер массиви (85,16%), Нукус туманидаги Ақманғит массиви (100%), Чимбой туманидаги Бўзатов массиви (100%), Амударё туманидаги Тўлқин массиви (51,78%), Кегейли туманидаги Абибуллаев

номли массиви (100%), Тўрткўл туманидаги Шўроҳон массиви (51,57%) ва Тахтақўпир туманидаги Ўзбекистон ва Маржанқўл массивларининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари (67,48%) деградация жараёнларига учраганлиги ўтказилган мониторинг тадқиқот изланишларимизда қайд этилди.

Хулоса

2022 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган тупроқларида ўтказилган мониторинг изланишларида Қўнғирот, Хўжайли, Беруний, Кегайли, Чимбой, Тахтақўпир ва Қонликўл туманларининг суғориладиган гидроморф тупроқлари ўртача 51,5% деградацияга учраганлиги қайд этилди.

Ўрганилган суғориладиган гидроморф тупроқларнинг 83,8% ҳаракатчан фосфор билан; 71,8% алмашинувчи калий билан кам таъминланганлиги аниқланди.

Қўнғирот, Шуманай, Чимбой, Кегейли, Нукус ва Хўжайли туманлари суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларини ҳайдов ости қатламларида сувда осон эрувчан тузларни майда кристаллар шаклида тўпланганлиги 2010 йилда 30% ни, 2022 йилда 32,8% ташкил этган.

Қуйи Амударё минтақасида тарқалган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 90% гидроморф тупроқлар бўлиб, ўрганилган СЭМ ва ЯСЭМ

суғориладиган тупроқларини 98,5% турли даражада шўрланган ва шундан 40,5% тупроқлар кучли ва жуда кучли даражада шўрланган. Хусусан, экологик-мелиоратив ҳолати оғир бўлган Бўзатов, Қонликўл, Қўнғирот, Чимбой, Тахтақўпир, Мўйноқ ва Нукус туманлари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати жуда оғир бўлиб, бундай ерлар туманлар ер фондини салмоқли қисми (65-75%) ни ташкил этади.

2010 йилда СЭМ ва ЯСЭМ ларда ўтказилган тадқиқотларда суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус ўртача 1,22% ни, 2022 йилда 1,01% ташкил этган. Бу суғориладиган гидроморф тупроқларда дегумификация жараёнларини жадал кечаётганлигини кўрсатади ва бундай ҳудудлар Қўнғирот туманидаги Равшан ва Охунбобоев номли, Чимбой туманидаги Майяб ва Бўзатов, Тахтақўпир туманидаги Ўзбекистон ва Маржанқўл, Нукус туманидаги Нукус ва Ақманғит массивларининг суғориладиган ер майдонларида қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Интернет маълумотлари: 2022. <https://www.fao.org/documents/card/ru/c/cb7654ru>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277 сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори.
3. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома // Меъёрий ҳужжат, –Тошкент, 2013.
4. Ўзбекистон Республикасида ер мониторингини юритиш услуги // ИХН-25-015-11. –Тошкент, 2011. – 62 б.
5. А.Ж.Исмонов, Н.Н.Қаландаров, Ў.Х.Мамажанова. Қуйи Амударё суғориладиган тупроқларининг ҳолати ва унумдорлиги // "Ер ресурсларини интеграциялашган бошқаришда фан ва инновацион технологиялар" республика илмий-амалий семинар маърузалар тўплами. «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети. –Тошкент, 2015. – Б. 175-180.
6. Б.Жоллибеков. Изменение почвенного покрова и ландшафтов южного Приаралья в связи с антропогенным воздействием / – Нукус, 1995. – С. 244.
7. А.Ж.Исмонов Амударёнинг замонавий ётқизиклари шаклланган суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда гумус ва озик моддалар // ЎЗР ҚСХВ, ЎИИЧ Маркази, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ. «Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва агротехнологияларининг долзарб йўналишлари» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция. (2016 йил 15-16 декабрь). – Тошкент, 2-қисм. – Б. 14-16.
8. А.Ж.Исмонов. Характеристика засоленных почв низовий р. Амударья // Сборник научных статей Международной научно-практической конференции, посвященной 25-летию Прикаспийского НИИ аридного земледелия «Современные тенденции развития аграрного комплекса». ФГБНУ «Прикаспийского НИИ аридного земледелия». – Россия, –Астрахань, 11-13 май. 2016. – С. 344-348.
9. В.А.Рафиқов Процессы опустынивания южного Приаралья. –Ташкент. изд: АН РУз. 2013. – С. 140.
10. Н.Н.Қаландаров, Ў.Мамажанова, С.Авазов, А.Ж.Исмонов. Қуйи Амударё қадимги ёйилмасида тарқалган ва турли даражада маданийлашган гидроморф тупроқларнинг ҳолати // «Атроф муҳит ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий семинар. ЎЗМУ конф. –Тошкент, 2016. – Б. 280-284.
11. В.Е.Сектименко., А.Ж.Исмонов Особенности опустынивания почв Приаралья // «Теоретические и прикладные проблемы географии на рубеже столетий». Материалы Международной научно-практической конференции. – Алматы: Казахский Национальный Университет, 2004. – С. 164-166.
12. А.У.Ахмедов., М.И.Рузметов., Ғ.Т.Парпиев. Оценка современного мелиоративного состояния орошаемых почв по запасам токсичных солей // «Орол денгизи ҳавзасининг саҳроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами. – Тошкент: ТАИТДИ, 2002. – Б. 65-69.

ҚОРАДАРЁ ЁЙИЛМАСИДА ШАКЛЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ САЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич,

б.ф.д., профессор, илмий ишлар ва инновациялар бўйича
директор ўринбосари, nodirjon_1976@mail.ru

Мансуров Шерали Сиддиқович,

б.ф.ф.д., (Phd), бўлим бошлиғи,
sheralimansurov_1981@gmail.ru

Мирсодиқов Миразиз Мирвоҳидович,

кичик илмий ходим, mirazizmm1977@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада Қорадарё ёйилмасида шаклланган суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг ҳозирги ҳолати, уларнинг агрохимёвий хосса-хусусиятларини антропоген омиллар таъсирида ўзгариши ёритилган. Суғориладиган тупроқларнинг гумус ва озик элементлари билан таъминланганлик даражаси ва шўрланиш жараёнлари ўрганилган, тупроқлар унумдорлиги, маҳсулдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган таклифлар берилган.

Калит сўзлар: ўтлоқи саз, шўрланиш, гумус, азот, калий, аллювиал жинслар, суғориш, дарё конус ёйилмалари, озик элементлар.

Аннотация. В статье приводятся данные по современному состоянию орошаемых почв надпойменных террас реки Карадарья, также излагаются изменения агрохимических свойств орошаемых почв под влиянием антропогенных факторов. Изучены обеспеченность орошаемых почв гумусом и питательными элементами и процессы засоления. Приведены рекомендации по повышению плодородия изученных почв и продуктивности сельскохозяйственных культур.

Ключевые слова: лугово-сазовые почвы, засоление, гумус, азот, калий, аллювиальные породы, орошение, конус-выноса реки, питательные элементы.

Annotation. The article provides data on the current status of irrigated soils river floodplain terraces Karadarya, also outlines changes in agrochemical properties of irrigated soils under the influence of anthropogenic factors. Studied the supply of irrigated soils with humus and nutrients and salinization processes. Recommendations to improve the fertility of the studied soils and productivity of crops are given.

Key words: meadow soils, salinity, humus, nitrogen, potassium, alluvial rocks, irrigation, river nutrients.

КИРИШ

Суғориладиган тупроқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, деҳқончилик таъсирида ўзгариши, уларнинг ҳозирги ҳолати ва хосса-хусусиятлари, морфогенетик тузилиши, тупроқларнинг сифат жиҳатдан баҳолаш ва унумдорлигини белгилаш, унинг унумдорлигига таъсир этувчи салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш босқичларига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Фарғона водийсини шарқий қисми ҳудудларида гидроморф шароитларда шаклланган ва ривожланган суғориладиган

тупроқларнинг хосса-хусусиятларини аниқлаш, уларда содир бўлаётган ўзгаришларни таҳлил этиш, тупроқ унумдорлигини чегараловчи омиллар таъсирида юзага келаётган деградация жараёнларини олдини олиш, тупроқ унумдорлик даражасини белгилаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сонли «Ерлар деградациясига қариши курашишнинг самарали тизимини

яротиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда шу каби илмий-тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қилади.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Илмий тадқиқот ишлари Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган, шимолий-шарқда Фарғона тоғ тизмалари билан чегараланган, Андижон вилоятининг суғориладиган тупроқларида олиб борилди. Ўрганилган ҳудуд Қўрғонтепа тумани «Деҳқончек» массиви денгиз сатҳидан 701 метр баландликда, географик жиҳатдан 40° 45' 03" шимолий кенлик, 72° 51' 00" шарқий узокликда жойлашган. Қорадарё дарёси конус ёйилмасининг ташқи қисми аллювиал ётқизикларидан ташкил топган суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлардан иборат бўлиб, ўрта қумоқли, шўрланмаган, баъзан кучсиз ва ўртача шўрланган, ўртача маданийлашган тупроқлардир. Бу тупроқларда агроирригацион қатлам қалинлиги 60-80 см ни ташкил этади.

Олиб борилган илмий изланишлар «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома», лаборатория-аналитик ишлари Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти томонидан ишлаб чиқилган ва умумқабул қилинган услубиётлар асосида бажарилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўрганилган ҳудуд типик бўз тупроқлар минтақасида, Қорадарё ёйилмасининг ташқи қисмидаги аллювиал ётқизикларда шаклланган бўлиб, ҳудудда суғориладиган

ўтлоқи саз тупроқлар кенг тарқалган. Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг шимолий қисмидан лёсслар билан қопланган баланд адирлар занжири ўтган бўлиб, бу ер ости сувлари оқимида бузилишни келтириб чиқарган. Натижада Қорадарё ёйилмасининг ташқи қисмларида грунт сувларини ҳаракати секинлашиб ер юзасига яқинлашувига олиб келган. Шу билан ҳудуд суғориладиган тупроқлари ер ости сувлари таъсирида ривожланиб саз режимга ўтган. Ҳудуднинг катта ер майдонларида сизот сувларининг сатҳи 2-3 метр, чўкмаларда 1,5-2,0 метр чуқурликда бўлиши, ер юзасига грунт сувларининг яқинлашиши натижасида жойларда булоқлар шаклида ер ости сувларини оқиб чиқганлиги тадқиқотларда кузатилди. Чучук ва кучсиз минераллашган ер ости сувларини саз режими ўз навбатида ўтлоқи саз тупроқларни шаклланишига олиб келган. Саз режимида шаклланган тупроқлар магнийли шўрланишга мойил бўлиб, бу тупроқларда шохли қатламларни шаклланганлиги аниқланди.

Тадқиқот олиб борилган суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар механик таркибига кўра асосан ўрта қумоқли бўлиб, физик лой (<0,01 мм) заррачаларининг миқдори 37,6-44,9 % ни ташкил этади. Йирик чанг (0,05-0,01мм) ва майда қум (0,1-0,05) заррачаларининг яққол устунлик қилиб, тупроқ қатламларида 18,5-35,7 % ва 25,3-33,2 % ни ташкил этгани ҳолда, ўрта чанг (0,01-0,005мм) заррачалари 14,9-16,5 % ни, қуйи қатламларда 23,4% ни, майда чанг (0,005-0,001 мм) заррачалари эса 12,5-16,1% миқдорида кузатилади. Ил заррачалари устки қатламларда 12,8-13,2 % ни, қуйи қатламларида эса 14,6-18,7 % ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг механик таркиби, % ҳисобида

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см.	Заррачалар ўлчами, мм, микродори % да.							Физик лой	Тупроқ механика таркиби
		қум			Чанг			ил		
		>0,25	0,25- 0,1	0,1- 0,05	0,05- 0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001			
10	0-38	12,0	3,0	25,3	18,5	11,9	16,5	12,8	41,2	ўрта қумоқ
	38-57	2,4	0,6	9,4	29,0	17,5	23,4	17,7	58,6	оғир қумоқ
	57-76	0,8	0,2	15,1	34,0	19,8	19,4	10,7	49,9	оғир қумоқ
	76-110	1,2	0,3	11,2	19,6	20,9	28,1	18,7	67,7	лойли
	110-153	0,8	0,2	16,1	20,5	23,6	23,4	15,4	62,4	лойли
11	0-30	10,8	2,7	33,2	15,7	-	-	-	37,6	ўрта қумоқ
	30-56	12,4	3,1	23,8	15,0	-	-	-	36,7	ўрта қумоқ
	56-87	4,0	1,0	20,6	29,7	-	-	-	44,7	ўрта қумоқ
	87-123	5,6	1,4	23,6	27,1	-	-	-	42,3	ўрта қумоқ
	123-156	25,6	25,6	19,4	24,1	-	-	-	24,5	енгил қумоқ
12	0-31	3,6	0,9	14,5	35,7	17,2	14,7	13,0	44,9	ўрта қумоқ
	31-56	0,4	0,1	30,2	31,1	14,3	14,6	9,3	38,2	ўрта қумоқ
	56-87	1,2	0,3	17,7	31,0	14,4	20,8	14,6	49,8	оғир қумоқ
	87-124	0,4	0,1	22,7	25,0	18,5	18,9	14,4	51,8	оғир қумоқ
	124-154	2,0	0,5	16,1	28,7	18,1	18,3	16,3	52,7	оғир қумоқ

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларидаги гумус ва озиқа элементларининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Ўрганилган ҳудуд тупроқларининг ҳайдов қатламида гумус миқдори 1,23-1,31 % атрофида бўлиб, пастки қатламларга томон камайиб боради, умумий азот миқдори тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,094-0,098 % атрофида тебраниб тургани ҳолда, ҳаракатчан миқдори 15,3-42,0 % ни ташкил этади. Унинг миқдори гумус миқдорига боғлиқ эканлиги аниқланди. Фосфорнинг умумий миқдори тупроқларнинг ҳайдов

қатламида 0,320-0,420% ва ҳаракатчан миқдори эса 19,0-35,0 мг/кг атрофида тебраниб туради. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг ҳайдов қатламида умумий калий 1,87-2,02 % ни, алмашинувчи калийнинг миқдори эса 160,7-265,1 мг/кг атрофида бўлиб, барча кесмаларда пастки қатламлар томон ҳаракатчан калийнинг камайиши кузатилади. Бу тупроқлар ҳаракатчан азот, фосфор ва алмашинувчи калий билан асосан кам ва ўрта таъминланган тупроқлар гуруҳни ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларда гумус ва озиқа моддаларининг миқдори, %, мг/кг

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, %	C:N	Ялли, %			Ҳаракатчан, мг/кг			Карбонатлар, %
				Азот	Фосфор	Калий	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O	
10	0-38	1,48	8,8	0,098	0,320	1,87	42,0	14,3	267,8	5,12
	38-57	0,94	7,4	0,074	0,380	1,74	15,0	12,1	200,8	5,35
	57-76	0,82	7,7	0,062	0,340	1,78	10,0	8,7	132,6	5,64
	76-110	0,63	7,6	0,048	0,320	1,62	5,90	7,4	132,6	4,98
	110-153	0,46	7,0	0,038	0,300	1,56	5,80	6,5	132,6	6,41
11	0-30	1,31	8,1	0,094	0,420	1,97	17,25	35,0	160,7	5,28
	30-56	0,91	7,1	0,074	0,380	1,85	10,0	12,0	96,40	5,28
	56-87	0,57	7,3	0,045	0,350	1,54	6,25	11,0	74,30	5,06
	87-123	0,33	6,4	0,030	0,400	1,62	7,5	5,80	60,30	3,38
	123-156	0,30	6,2	0,028	0,320	1,74	6,5	5,80	58,30	5,54
12	0-31	1,23	7,4	0,096	0,390	2,02	15,25	19,0	265,1	6,92
	31-56	1,11	7,6	0,085	0,370	1,85	11,5	17,0	216,9	4,96
	56-87	0,89	6,5	0,080	0,280	1,74	11,0	16,0	144,6	6,02
	87-124	0,47	7,8	0,035	0,230	1,70	4,5	14,0	168,7	6,55
	124-154	0,36	7,0	0,030	0,170	1,55	2,5	10,0	168,7	6,64

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг ҳажм оғирлиги бу органик ва орғано-минерал моддалар миқдори, структуралиги, суғорма деҳқончилик, гидроморфизм ва бошқа жараёнларга боғлиқ бўлиб, натижада тупроқларнинг ҳажм оғирлигини ўзгаришига олиб келади. Ўрганилган тупроқлар ҳажм оғирлиги турли геоморфологик районда турлича бўлиб, улар ўртасида кескин фарқ сезилмайди. Тупроқларнинг ҳайдов ости қатламида кучли зичлашган (1,48-1,58 г/см³) қатлам ҳосил бўлганлигини кузатиш мумкин.

Суғориладиган тупроқларнинг зичлиги уни асосий ва муҳим физик хоссаларини белгилаб, жумладан сув, ҳаво, иссиқлик тартиботида ўсимликларни биологик фаоллигида, тупроқдаги микроорғанизмлар ва ҳайвонлар фаолиятида жуда катта

аҳамият касб этади.

Олинган маълумотларни кўриниб турибдики, ўтлоқи саз тупроқларининг ҳайдов қатламида ҳажм оғирлик кўрсаткичлари 1,42 дан 1,44 г/см³ гача катталикларда эканлиги қайд қилинди (3-жадвал). Тупроқлар юза қатламларини зичлигига тупроққа ишлов бериш ва бошқа агротехник тадбирлар сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бу тупроқларнинг ҳайдов ости қатлами бир мунча зичлиги билан (1,48 дан 1,58 г/см³) характерланади.

Маълумки, тупроқда суғорма деҳқончилик узоқ йиллардан бери олиб борилиши натижасида тупроқ қатламларининг зичлиги ҳам аста секин ортиб боради. Бу жараён асосан тупроққа ишлов берувчи механизмлар босими, тракторлар филдирак тизими, ишлов бериш усуллари

ва қишлоқ хўжалик экинларини вегетация даврида суғориш билан бевосита боғлиқдир. Ўрганилган тупроқлар ҳайдов қатламининг

солиштира оғирлиги 2,70-2,79 г/см³, умумий ғоваклик эса 47-49 % оралиғида тебранади.

3-жадвал

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг умумий физик хоссалари

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Ҳажм оғирлиги, г/см ³	Солиштира оғирлик, г/см ³	Умумий ғоваклик, %
11	0-30	1,44	2,70	47
	30-56	1,58	2,67	41
	56-87	1,51	2,70	44
	87-123	1,45	2,72	47
	123-156	1,54	2,68	43
12	0-31	1,42	2,79	49
	31-56	1,48	2,70	45
	56-87	1,52	2,68	43
	87-124	1,61	2,69	40
	124-154	1,58	2,73	42

Маълумки, суғориладиган тупроқларда сувда осон эрувчи тузлар ва улар захираларининг тўпланиши ва иккиламчи шўрланиш жараёнларининг интенсивлик даражаси грунт сувларининг чуқурлиги ва минераллашганлик даражаси, тупроқ эритмаси концентрацияси ва суғориш сувлари сифатига узвий боғлиқ бўлиб, бу борада грунт сувларининг ҳолати етакчи омил ҳисобланади. Грунт сувлари ер юзасига қанча яқин жойлашса, минераллашганлик даражаси юқори бўлса ва кўп буғланса, тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари шунчалик жадал содир бўлади. Грунт сувларининг ҳолати эса ҳудуднинг (жойнинг) рельефи, литологик-геоморфологик тузилиши, гидрогеологик шароитлари ҳамда суғориш режими ва меъёрлари, жойнинг зовурлаштирилганлик даражаси, суғориладиган экинлар турига

қараб йил давомида, айниқса вегетация даврида сезиларли ўзгариб туради.

Тадқиқот олибборилган суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг шўрланиш химизми тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган бўлиб, бунга кўра ҳудуд тупроқлари кучсиз шўрланган, айрим кесма тупроқларининг паски қатламларида ўртача шўрланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади, шўрланиш типи сульфатли ва хлорид-сульфатлидир. Куруқ қолдиқнинг миқдори кучсиз шўланган сульфатли шўрланиш типидagi тупроқларнинг ҳайдов қатламида 0,374 %, хлор иони 0,014 % ва сульфат иони 0,097 % ни ташкил этади. Хлорид-сульфатли шўрланиш типидagi кучсиз шўрланган тупроқларнинг ҳайдов қатламида куруқ қолдиқнинг миқдори 0,130-0,140 % ни, хлор иони 0,018-0,021 % ва сульфат 0,043-0,060 % ни ташкил этиши кузатилди.

3-жадвал

Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларнинг сувли сўрим таркиби, миқдори (абс. куруқ тупроқ вазнига нисбатан) % ҳисобида

Кесма №	Чуқурлик, см	Куруқ қолдиқ	HCO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺	Шўрланиш даражаси
Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқ (2014 йил Ш.С.Мансуров маълумотлари)									
10	0-38	0,374	0,040	0,014	0,097	0,025	0,003	0,036	кучсиз шўрланган
	38-57	0,385	0,027	0,015	0,147	0,035	-	0,090	кучсиз шўрланган
	57-76	0,295	0,027	0,035	0,076	0,025	0,015	0,018	кучсиз шўрланган
	76-110	0,190	0,040	0,018	0,047	0,025	-	0,021	кучсиз шўрланган
	110-153	0,215	0,024	0,022	0,043	0,025	-	0,035	кучсиз шўрланган
11	0-30	0,140	0,027	0,018	0,060	-	-	-	кучсиз шўрланган
	30-56	0,105	0,027	0,014	0,041	-	-	-	кучсиз шўрланган
	56-87	0,210	0,024	0,060	0,053	-	-	-	ўртача шўрланган
	87-123	0,120	0,027	0,025	0,039	-	-	-	кучсиз шўрланган
	123-156	0,135	0,027	0,011	0,064	-	-	-	кучсиз шўрланган
12	0-31	0,130	0,024	0,021	0,043	0,025	0,006	0,003	кучсиз шўрланган
	31-56	0,115	0,027	0,007	0,047	0,020	0,003	0,008	кучсиз шўрланган
	56-87	0,387	0,027	0,010	0,078	0,020	0,006	0,019	кучсиз шўрланган
	87-124	0,105	0,027	0,007	0,043	0,020	0,003	0,006	кучсиз шўрланган
	124-154	0,364	0,027	0,010	0,080	0,020	0,006	0,020	кучсиз шўрланган

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, узоқ йиллик суғорма деҳқончилик олиб борилиши натижасида ўтлоқи саз тупроқлар устки 0-50 см ли қатламида гумус ва азот захиралари аввалги йиллар тадқиқот натижаларига нисбатан биров юқори кўрсаткичларда қайд қилинди. Яъни уларнинг миқдори 0-50 см ли тупроқ қатламида гумус 85,4 т/га, азот 6,4-6,6 т/га ни ташкил этганлиги кузатилди. Лекин, бир метрлик қатламида туз захиралари кейинги йилларда ортиб бораётганлиги аниқланди.

Бунинг асосий сабаблари суғориш сувлари билан сувда осон эрувчи тузларнинг кириб келиши, сизот сувлари сатҳини йилдан йилга кўтарилиб бориши, агротехник ва агрономелоратив тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилмаслиги, коллектор ва зовурларнинг тозаланмаслиги, уларни ишчи ҳолатда эмаслиги каби антропоген омиллар таъсири натижасида суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ва унумдорлигида салбий ҳолатлар ҳам рўй бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўзиёв Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ қарталарини тузиш бўйича йўриқнома. – Тошкент: 2013. – 18 б.
2. Қўзиёв Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. ва бошқалар «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма» (муаллифлар жамоаси). Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. – Тошкент: 2005. – 24 б.
3. Қўзиёв Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю., Юлдашев А. Тупроқ унумдорлиги даражасини баҳолаш ва ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: 2009. – 30 б.
4. Қўзиёв Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш бўйича услубий қўлланма – Тошкент: 2005. – 25 б.
5. Исмонов А.Ж. Абдурахмонов Н.Ю., Қаландаров Н.Н., Мамажонова Ў.Х. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқлари унумдорлиги. ЎЗМУ хабарлари, – Тошкент: 2013. № 4. – Б. 55-57.
6. Исмонов А.Ж. Наманган вилояти тупроқлари эволюцияси., –Тошкент: ЎЗМУ хабарлари. 2012. №3. – Б. 137-140.
7. Исмонов А.Ж. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқлари эволюцияси ва трансформацияси // «O'zbekiston biologiya» jurnali. – Toshkent, 2011. №5. – Б. 51-53.
8. Исмонов А.Ж. Фарғона водийси тупроқ қопламалари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2011. №1/1. – Б. 148-151.
9. Кузиев Р.Қ., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана. – Ташкент: 2009. – 352 с.
10. Қўзиёв Р.Қ., Сектименко В., Исмонов А. Ўзбекистон тупроқлари қопламлари Атласи. –Тошкент, 2010. – 41 б.

УДК:631.4

ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ ЁНБАҒИРЛАРИДАГИ ТОҒ ЖИГАРРАНГ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОРФОГЕНЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Эргашев БахтиёрТайирович,

кичик илмий ходим,

E-mail: ergashevbahtiyor@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мазкур мақолада Туркистон тоғ тизмасининг ёнбағирларида тарқалган тоғ жигарранг тупроқларининг морфогенетик кўрсаткичларига доир маълумотлари келтирилган. Мақолада тоғ жигарранг тупроқлари шаклланишида иштирок этган тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг тупроқлар хоссаларига таъсири, шунингдек, ушбу тупроқларнинг ўзига хос регионал хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: тоғ жигарранг тупроқ, морфогенетик хоссалари, гумус, рельеф, иқлим, регионал хусусиятлар.

Аннотация. В данной статье представлены сведения о морфогенетических показателях горных коричневых почв, распространенных на склонах Туркестанского хребта. В статье описано влияние почвообразующих факторов на формирование, свойства и региональные особенности горных коричневых почв.

Ключевые слова: горная коричневая почва, морфогенетические свойства, гумус, рельеф, климат, региональные особенности.

Annotation. This article presents information about the morphogenetic parameters of mountain brown soils, common on the slopes of the Turkestan Range. The article describes the influence of soil-forming factors involved in the formation of mountain burozems on soil properties, as well as the regional features of these soils.

Key words: mountain brown soil, morphogenetic properties, humus, relief, climate, regional features.

Кириш. Тупроқ умумхалқ бойлиги, у доимо инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат хомашёси ва маҳсулотларини етиштириш учун асосий манба, макон ҳисобланади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, унинг шаклланишида табиий омиллар – она жинс, рельеф, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда вақт каби омиллар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлади. Генетик тупроқшунослик фанининг асосчиси В.В.Докучаев [1] бу табиий омилларнинг ўзаро муваққиллик, яъни бири билан бири омилининг ўрнини алмаштирмаслик ҳамда шу билан уларнинг ўзаро боғлиқлик тамойилида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этишини алоҳида кўрсатиб ўтган. Қолаверса, бу ўзаро боғлиқлик ва улар ўртасидаги нисбатнинг барқарорлиги (ўзгармаслиги) тупроқ ҳосил бўлишининг асосий қонуниятларидан бири ҳисобланади. Бу табиий омиллар ўз барқарорлигини сақлагани ҳолда айрим географик ҳудудларда ўзига хос устуворлик қилиши мумкин. Жумладан, тоғли ўлкаларда ҳудуднинг рельеф шароити, тоғ қияликлари, нишаблиги, қуёшга нисбатан жойлашиши, нуралган жинсларнинг тарқалиши, талқон тупроқли қатламнинг қалинлиги, намлик захираси, ўсимлик қопламнинг ҳолати ва бошқаларда ўзининг бевосита таъсирини ўтказади. Иқлим ҳам рельеф шароитлар маълум ҳудудларда ўз устуворлигини намоён қилиши мумкин.

Г.Т.Жалилова (2009), тоғ қияликлари ва нишаблиги генетик қатламларни, уларни морфологик белгиларини табақалаштиришда муҳим ўрин тутишини ўз изланишларида таъкидлаб ўтган.

Муаллифнинг фикрича, шимолий қияликда, яъни қуёш нури кам тушадиган

томонда, ўсимлик қоплами қалин, тупроқ юзаси кучли чимланган, тупроқ ранги қорамтир ҳамда донатор-ёнғоқсимон агрегатлар мавжуд бўлса, жанубий доимо қуёшга қараган қияликда эса бунинг акси, яъни ўсимлик қоплами сийрак ҳолда бўлгани учун тупроқ юзаси кам чимланган, тупроқ массаси тўқ бўз рангда, кесакчали-ёнғоқсимон агрегатлардан ташкил топган. Г.Т. Жалилова [2] ўз тадқиқотларида қияликда эрозия жараёни турлича бўлишини кўрсатиб ўтган.

Тадқиқот объекти. Изланишлар олиб борилган Туркистон тоғ тизмаси ёнбағир ҳудудларида тарқалган карбонатли, типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларнинг аналитик маълумотларига кўра, ҳар бир тупроқ типчаси ўзига хос морфогенетик кўрсаткичларга эга, чунки тоғ жигарранг тупроқ типини республикамизнинг барча тоғли ўлкаларининг типик вакили бўлиб, бу тупроқлар генезиси, эволюцияси ва морфологиясининг ўзгаришида рельеф, иқлим ва ўсимлик қопламининг ролини айнан мана шу тупроқ типчаларининг шаклланишида яққол кузатиш имконини беради. Шунини таъкидлаш лозимки, рельеф табиий тупроқ ҳосил қилувчи омил сифатида тупроқ қопламининг шаклланишида билвосита иштирок этсада, унинг тоғли ўлкаларда, айниқса нишаблиги турлича бўлган ҳамда унинг қуёш нурига нисбатан тутган ўрнига қараб майин талқон тупроқли, қолаверса гумусли қатламнинг қалинлиги, механик заррачаларнинг скелетлилиги катта-кичиклиги ҳамда уларнинг карбонатли қатламнинг жойлашиш чуқурлиги ва бошқаларнинг табақаланишида асосий омил сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди. Изланишларда генетик-географик, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профиль усулларидадан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Шундай қилиб, тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда гумусли қатлам (A+B1+B2)

қалинлиги 47-95 см ни ташкил этса, типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда 54-67-49-58 см ни ташкил этади. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда CO₂ карбонатлар тупроқни юқори қатламлариданоқ кўринади, бу типда карбонатларнинг бошланиш чегараси 16-82 см да кузатилди. Типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда 20-105-20-91 см ни ташкил этади.

1-жадвал

Тоғ жигарранг карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқларининг морфогенетик кўрсаткичлари.

Т/р	Тупроқ номи ва тавсифи	Рельеф бўйича жойлашуви ва экспозицияси	Қиялик даражаси, ⁰	Гумусли қатлам қалинлиги, см.	Ҳайдалма қатлам ранги	Карбонатларни юқори чегараси, см		«А» чимли ва ҳайдалма қатламни механик таркиби	«А» чимли ва ҳайдалма қатламни структураси
				A+B1+B2		моғорсимон	конкреция		
8	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5 ⁰	47	жигарранг	16	115	ўрта кумок	майда донатор
9	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	5,0 ⁰	50	жигарранг	20	90	ўрта кумок	донадор
10	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4,0 ⁰	54	жигарранг	24	82	ўрта кумок	донадор
11	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, лалми	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	4-6 ⁰	85	жигарранг тусли	20	95	ўрта кумок	донадор кесакчали
12	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, лалми	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	3-5 ⁰	95	жигарранг	40	120	ўрта кумок	донадор кесакчали
13	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5 ⁰	54	оч жигарранг	54	140	ўрта кумок	донадор
14	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	3-4 ⁰	63	тўқ жигарранг	22	120	ўрта кумок	майда донсимон
15	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4,0 ⁰	67	тўқ жигарранг тусли	20	105	ўрта кумок	донсимон донатор
16	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5 ⁰	49	тўқ жигарранг	23	91	ўрта кумок	донадор
17	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	6,0 ⁰	58	тўқ жигарранг	20	120	ўрта кумок	майда донатор
18	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4-5 ⁰	50	тўқ жигарранг кўнгир тусли	25	128	ўрта кумок	донсимон донатор

Чимли ва ҳайдалма қатламнинг ранги тупроқ типчаси ва қайси экспозицияда жойлашувига қараб, ўзгариб боради. Чимли ва ҳайдалма қатлам механик таркиби ва структураси барча тупроқ типларида бир-биридан сезиларли катта фарқланмайди. Юқоридаги кесмалар ёзилмасидан кўриниб турибдики, жигарранг карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқларда қатор генетик табақалашган қатламлар морфологик жиҳатдан яхши ифодаланган ва кузатишларда яққол кўзга ташланиб туради. Бу тупроқларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган ҳолат гумусли, карбонатли, тупроқ ости қатламларга бўлинишидир (1- жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли шароитларда ривожланган тоғ жигарранг тупроқларининг морфогенетик кўрсаткичлари бир-биридан бир мунча фарқ қилади. Гумусли қатлам қалинлиги турли тоғ

жигарранг тупроқларида 47-95 см оралиғида бўлиб, тоғ тизмасининг юқориги текис қисми (сув айиргич)да жойлашган кўрик карбонатли тоғ жигарранг тупроқларда энг кам миқдорда қайд қилинган. 95 смли гумус қатлами қалинлиги қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)да тарқалган лалми карбонатли тоғ жигарранг тупроқларда кузатилган.

Ўрганилган тупроқлар «А» чимли ва ҳайдалма қатламни механик таркиби барча ҳолларда ўрта кумокли бўлсада, ушбу қатламнинг структурасида сезиларли фарқни кўршимиз мумкин. Жумладан, ушбу қатлам структурасида майда донатор, донатор, донатор-кесакчали, майда донсимон структура турлари учрайди. Карбонатларни юқори чегараси моғорсимон типи учун 16-54 см оралиғида, конкреция шаклида эса 82-140 см чуқурлик оралиқларида учраганини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тоғ жигарранг тупроқлар морфологияси ва хоссаларини чуқур таҳлил қилиш орқали, бу тупроқлардаги гумус миқдорини қиёсий солиштириш – бу тупроқ ҳосил қилувчи табиий омилларнинг тупроқ қоплами шаклланишида турли экпозиция нуқталарда бир хил ифодаданмаганлигини кўрсатади. Айниқса

бу ерда иқлим ва тоғ қияликларининг қуёшга нисбатан тутган ўрни катта рол ўйнайди. Тоғ жигарранг тупроқларининг гумусли қатлами қалинлиги, А қатлам структуриси ва карбонатли қатлам чегаралари ўзаро фарқланиши қиялик экпозициясига боғлиқ эканлигини хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Докучаев В.В. «К учения о зонах природы» Соч. – М.: –Л.: Издательство АН СССР, 1951. –Т6. – С. 35-102.
2. Джалилова Г.Т. Ўзбекистон ўрта ва паст тоғларидаги эрозия жараёнларини геоахборот таҳлили (Чотқол ва Туркистон тоғлари тупроқлари мисолида) Автореф. дисс. ...б.ф.д. –Тошкент, 2018.

SUG'ORILADIGAN O'TLOQI ALLYUVIAL TUPROQLARNING XOSSA-XUSUSIYATLARI

Abduraxmonov Nodirjon Yulchiyevich,*

*b.f.d., professor, ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha
direktor o'rinbosari nodirjon_1976@mail.ru*

Yerdashova Gulzar Bahrom qizi,**

II-kurs magistrant

**Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti*

***O'zMU Biologiya fakulteti Tuproqshunoslik kafedasi*

Annatotsiya. Maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasi, Amudaryo tumanining «To'lqin» massivi sug'oriladigan o'tloqi-allyuvial tuproqlarida olib borilgan tadqiqot natijalari asosida aniqlangan tuproqning mexanik tarkibi, gumus va oziqa elementlarning miqdorlari va ularning ta'minlanganlik darajalari to'g'risidagi ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlar, mexanik tarkibi, gumus, harakatchan fosfor, almashinuvchi kaliy va ta'minlanganlik darajalari.

Аннотация: В статье представлены сведения о механическом составе почвы, количестве гумуса и элементов питания и степени их обеспеченности, определенных на основе результатов исследований, проведенных на орошаемых лугово-аллювиальных почвах массива «Тулкин» Амударьинского района Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: Орошаемые лугово-аллювиальные почвы, механический состав, гумус, подвижный фосфор, обменный калий и степен обеспеченности.

Annotation: The article presents information about the mechanical composition of the soil, the amounts of humus and nutrients and their levels of availability, determined based on the results of research conducted in the irrigated meadow-alluvial soils of the «Tolkin» massif of Amudarya district, Republic of Karakalpakstan.

Key words: Irrigated grassland alluvial soils, mechanical composition, humus, mobile phosphorus, exchangeable potassium and availability levels.

Kirish. Sug'oriladigan qishloq xo'jaligi yer maydonlarida, tuproq unumdorligini pasaytiruvchi omillar sabab ya'ni, qishloq xo'jaligi ekinlari tomonidan faol organik moddalarni doimiy olib chiqib ketilishi va ularni

o'rnini to'ldirib borilmaganligi, tuproqni yuza qismini jadal namlanishi va tuproqqa ishlov beruvchi texnikalarni ko'p marta yurib o'tishi oqibatida sug'oriladigan tuproqlarni agrofizik va biologik xossalari holati keskin yomonlashgan.

Bunday holatlarni oldini olish uchun hozirgi kunda tuproqlar ball boniteti baholanadi. Bundan tashqari, sug'oriladigan tuproqlar profilida tuz kristallarining to'planish jarayonini jadallashganligi va tuzlar tarkibida ekinlar uchun zaharli tuz miqdorini ayrim hududlarda me'yordan ortib borayotganligi qayd etilgan. Shu nuqtai nazardan, sug'oriladigan yer maydonlarida kompleks monitoring tadqiqotlarini o'tkazish orqali o'rganish, tuproqlar qoplamida va tuproqlar profilida kechayotgan o'zgarishlarni chuqur tahlil etish orqali, ularni genezisini ochib berish va aniqlangan salbiy holatlarni bartaraf etish chora-tadbirlarini, yechimlarini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish monitoring izlanishlarining asosiy maqsadlaridan biri bo'lgan. Shularni inobatga olgan holda, Qoraqalpog'iston Respublikasi Amudaryo tumani sug'oriladigan tuproqlari o'rganildi.


Tadqiqot ob'ekti. Tadqiqotlar Qoraqalpog'iston Respublikasi, Amudaryo tumanining «To'lqin» massividagi sug'oriladigan o'tloqi-allyuvial tuproqlarida olib borildi. Tadqiqotlar uslubiyoti asosini o'rganilgan hududlar tuproq xaritalari ma'lumotlarini tahlil qilish, qiyosiy-geografik, tuproq-kartografik, laboratoriya-kameral-analitik tadqiqotlar natijalarini umumiyashtirish hamda massiv sug'oriladigan yerlari sifatini baholash uslublari tashkil etadi. Tadqiqotlarning tayyorgarlik, dala, kameral va kartografik ishlari qabul qilingan yo'riqnoma [1] asosida, laboratoriya-analitik ishlari umumqabul qilingan uslubiyotlar asosida bajarildi.

Tadqiqot natijalarining muhokamasi. Tuproq sifati tuproqning xususiyatlari va dinamik o'zgaruvchanligi bilan belgilanadi. Bu o'zgarishlar agroiqlim omillar, gidrogeologiya va ishlab chiqarish texnikasi natijasidir. Tuproq sifatiga tuproq chuqurligi, suvni ushlab turish qobiliyati, hajm og'irligi, mavjud bo'lgan oziqalar miqdori, organik moddalar miqdori, uglerod va azot miqdori va infiltratsiya tezligi kabi ko'plab omillar ta'sir qiladi [3].

Tuproqlar muhim resurs bo'lib, o'simliklar uchun ildiz substrati va oziqa manbai, tuproq profilidan o'tadigan suvni saqlash va tozalash muhiti, o'simlik va hayvonot mahsulotlarini parchalash va qayta ishlash joyi sifatida xizmat qiladi. Tuproqlar atmosfera bilan o'zaro ta'sir qilish orqali ham havo sifatiga ta'sir qiladi. Tuproqning bu funksiyalarini saqlab qolish o'sib borayotgan aholining oziq-ovqat va tolaga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish, havo va suv sifati uchun zarurdir. Afsuski, tuproq degradatsiyasi dunyoning ko'plab hududlarida sodir bo'lgan va bu tuproqlarning mahsuldorligi pastdir.

Tuproqning unumdorligini tavsiflashda, uning mexanik tarkibi zaruriy ko'rsatkichlardan biri hisoblanadi. Ko'p sonli izlanishlar ko'rsatadiki, mexanik tarkibi og'ir bo'lgan tuproqlarda oziqa moddalar va suv nisbatan ko'p bo'lib, eng muhimi ularni o'zida uzoq vaqt saqlab turish qobiliyatiga ega ekanligidir. Shu bilan birga bunday tuproqlarda suv-havo o'tkazuvchanligi yomon. Aksincha, yengil tuproqlar oziqa moddalar va suv zahirasining kamligi, filtratsiya qobiliyati va aeratsiya jarayonining yuqoriligi bilan tavsiflanadi [2].

Qoraqalpog'iston Respublikasi Amudaryo tumanida o'rganilgan massivni sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlari mexanik tarkibiga ko'ra, og'ir, o'rta va yengil qumoslardan iborat. Mexanik tarkibi o'rta qumoslardan iborat bo'lgan maydonlar, tuproq profilining o'rta qismlarida og'ir va yengil qumoslar o'rta qumoslar bilan almashadi, ba'zan qumoslarni kichik qatlamlari kuzatiladi. Chang zarrachalarning umumiy yig'indisi haydov qatlamida o'rta 22,6-31,0%, fizik loy miqdori o'rta mexanik tarkibli tuproqlarda 32,6-41,5% atrofida (2 va 3-kesmalar), og'ir qumosli tuproqlarda chang zarrachalar miqdori 24,2-25,7%, yirik qumlar miqdori 23,8-29,2%, fizik loy miqdori o'rta 45,0-50,6% tashkil etishi aniqlandi. Xususan, bu tuproqlarni mexanik tarkibida yirik chang zarrachalarning miqdorini boshqa zarrachalarga nisbatan ustunlik qilishi kuzatildi (1-rasm).




1-rasm. Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlar mexanik tarkibi

O'rganilgan hududning sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarida dehqonchilikni qadimdan yuritilishi, ishlov berishlar va sug'orish suvlari keltirilmalarni ko'plab yotqizilishi, o'simlik qoldiqlarin uzluksiz tushishi hamda qo'shimcha mahalliy o'g'itlarni berilishi natijasida, tuproqlarni madaniylashgan qatlamini o'sishiga, tuproqlarni mexanik tarkibini og'irlashishiga, biologik jarayonlarni faollashuviga, natijada qulay (o'rta qumog'lar- 67,1%) unumdor tuproqlarga

aylanishiga olib kelgan.


Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlar tarkibida umumiy fosforning miqdori o'rtacha 0,26% atrofida tebranadi. O'simlik o'zlashtira oladigan harakatchan fosforning miqdori asosiy kesmalardan olingan tuproq namunalarning tahlil natijalariga ko'ra, haydov qatlamida (0-35 smli) o'rtacha 12,0-22,9 mg/kg tashkil etib, juda kam va kam darajada ta'minlangan hisoblanadi.



2-rasm. Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarning harakatchan fosfor bilan taminlanganlik darajasi

Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarida almashinuvchi kaliy miqdori asosan ikki xil guruhdan iborat bo'lib, yetakchi o'rinni juda kam va kam (136,5 mg/kg) 3-kesma, hamda o'rtacha


(221,7 mg/kg) ta'minlangan (3; 2-kesma), ayrim holatlarda yetarli va yuqori darajada ta'minlangan (580,3 mg/kg) 2-kesma tuproqlari qayd qilindi.



3-rasm. Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarining almashinuvchi kaliy bilan taminlanganlik darajasi

O'rganilgan tayanch massiv sug'oriladigan tuproqlarida gumus miqdori turlicha bo'lib, u tuproqlarning kelib chiqishi, tuproq-iqlim sharoiti, sug'orma dehqonchilikda foydalanish darajasi

hamda qo'llaniladigan agrotexnologik usullar, dehqonchilik madaniyati kabi bir qator omillarga bog'liqdir [5].



4-rasm. Amudaryo tumani To'liqin massivi sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarning gumus bilan taminlanganlik darajasi

Tadqiqot hududining tuproqlarida gumus miqdori yuqoridan pastga qarab pasayishi kuzatildi. Haydov qatlamida gumus miqdori 1,04-1,20% oralig'ida, pastki qatlamda 90-130 sm oraliqda 0,30% ekanligi, tahlil natijalariga asosan, hudud tuproqlari gumus bilan kam darajada taminlangan tuproqlar guruhini tashkil etadi.

Xulosalar

1. Sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlardagi oziqa elementlar miqdorlari tuproqning mexanik tarkibiga bog'liq ravishda o'zgaradi, ya'ni - og'ir mexanik tarkibli tuproqlar tarkibidagi oziqa elementlari yengil mexanik tarkibli tuproqlar bilan qiyosiy taqqoslanganda, oziqa moddalar miqdorining nisbatan mexanik tarkibi og'ir tuproqlarda ko'pligi kuzatiladi.
2. Tayanch massiv o'tloqi allyuvial tuproqlari harakatchan fosfor bilan kam va juda kam ta'minlangan, almashinuvchi kaliy bilan esa

kam va o'rta va ayrim maydonchalarda yuqori darajada taminlangan.

3. O'rganilgan sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlardagi gumus miqdori va ma'lum qatlamlaridagi zahirasi massivda yerdan qay darajada foydalanganiga bog'liq holda kamayishi, ko'payishi yoki o'zgarmay turishi mumkin. Bu esa massivda dehqonchilik tizimini tashkil qilinishiga, organik va mineral o'g'itlar qo'llanilishiga, ekinlarni joylashtirish va almashlab ekishga amal qilish kabi bir qator omillarga bog'liqdir.

Tavsiya o'rni shuni aytish kerakki, bu tuproqlarni mexanik tarkibini yaxshilash va gumus va oziqa elementlari bilan boyitish uchun organik o'g'itlar va sideratlardan foydalanishga yaxshi natija beradi. Hosil yig'ib olingach, o'simlik qoldiqlarini dalada qoldirish ham tuproqlarning xossa-xususiyatlarini yaxshilanishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Qo'ziyev R.Q., N.Yu.Abdurahmonov va boshqalar. «Davlat yer kadastrini yuritish uchun tuproq tadqiqotlarini bajarish va tuproq kartalarini tuzish bo'yicha yo'riqnoma». Yerdan foydalanish, yer tuzish va yer kadastrini bo'yicha me'yoriy hujjatlar – Toshkent: 2013. – 52 b.
2. Qo'ziyev R.Q., N.Yu.Abduraxmonov va boshqalar. «O'zbekiston Respublikasi sug'oriladigan tuproqlarini bonitirovkalash bo'yicha uslubiy ko'rsatma». Yerdan foydalanish, yer tuzish va yer kadastrini bo'yicha me'yoriy hujjatlar – Toshkent: 2005. – 24 b.
3. Pacci S., Kaya N.S., Dengiz O., Turan I. D. 2021. Soil Management Assessment Framework (SMAF) in Assessment Soil Quality. Anadolu Tarim Bilimleri Dergisi. -36(2): 301-316.
4. Qo'ziyev R.Q., Ismonov A.J., Abduraxmonov N.Yu. Amudaryoning qadimgi deltasida shakllangan eskidan sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlar va ularning unumdorligi oshirishga doir tavsiyalar. / O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis senati Agrar, suv xo'jaligi masalalari va ekologiya qo'mitasi. O'zbekiston Respublikasi Qishloq va Suv xo'jaligi vazirligi. Toshkent Davlat Agrar Universiteti. «O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligi sohasi samaradorligini oshirishda ilmiy tadqiqot institutlari va oliy ta'lim muassasalarining rolini oshirishning dolzarb masalalari» mavzuidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. 1-kitob. – Toshkent, 2018. – 45-47 b.
5. Qo'ziyev R.Q., Abduraxmonov N.Yu., Ismonov A.J., Ramazonov B.R., Xalilova N.J. Orolbo'yi sug'oriladigan tuproqlarida tuproq monitoring tadqiqotlari // «Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini» ilmiy-amaliy jurnali. – Toshkent, 2018. -№ 5. -9-10 b. -ISSN 2181-8150.
6. Qo'ziyev R.Q., Abduraxmonov N.Yu., Ramazonov B.R. Orol bo'yi hududlarining tuproq resurslari va ulardan foydalanishning ilmiy asoslari // Monografiya. – Toshkent: «Zilol buloq» nashriyoti, 2020. -204 bet.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА МАВСУМИЙ, ДОИМИЙ ДОҒЛИ ВА ЁППАСИГА ШЎРЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАР МЕЛИОРАЦИЯСИ

Турдалиев Жамолбек Мўминалиевич,*
бўлими мудири, б.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Ахмедов Алмон Усмонович,*
қ.х.ф.н., катта илмий ходим,
Санақулов Сухроб Фармонқулович,*
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,
Турдимуратов Достонжон Мухитдинович,**
ТДАУСФ II-босқич магистранти

*Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

**Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали

Аннотация: Ушбу мақолада тупроқ шўрланишини келтириб чиқарувчи табиий ва антропоген омиллар, суғориладиган тупроқларда шўрланишнинг пайдо бўлишини айрим ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари кўриб чиқилган. Кучсиз ва кучли минераллашган грунт сувларида ҳосил бўлган мавсумий доғли, доимий доғли ва ёппасига шўрланишнинг хавфлилик даражалари кўрсатилган. Иккиламчи шўрланишнинг турли шакллари олдидан олиш ва уларга барҳам бериш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бирламчи ва иккиламчи шўрланиш, суғориш, грунт сувлари, мавсумий доғли, доимий доғли ва ёппасига шўрланиш, шўрхоқлар, сувли сўрим таркиби, сувда эрувчи тузлар, ёғинлар, буғланиш, зовур, планировка, шўр ювиш.

Аннотация: В статье рассматриваются природные и антропогенные факторы, вызывающие засоление почв, некоторые особенности и закономерности возникновения засоления на орошаемых почвах. Указаны опасность сезонно-пятнистого, постоянно-пятнистого и сплошного засоления при слабо и сильноминерализованных грунтовых водах. Даны рекомендации по предотвращению и ликвидации различных форм вторичного засоления.

Ключевые слова: Первичное и вторичное засоление, орошение, грунтовая вода, сезонное пятнистое, постоянно пятнистое и сплошное засоление, солончаки, состав водной вытяжки, водорастворимые соли, осадки, испарение, дренаж, планировка, промывка.

Annotation: This article examines the tabious and anthropogenic factors that cause soil salinity, some of the peculiarities and laws of the occurrence of salinity in irrigated soils. Seasonally spotted, permanently spotted, and yappasi, formed in weak and strongly mineralized grunt waters, show salinity levels. Recommendations have been made to prevent and eliminate various forms of secondary salinity.

Key words: Primary and secondary salinity, irrigation, grunt water, seasonal speckled, persistent speckled and sticky salinity, salinity, aqueous surim content, water-soluble salts, fats, choking, ditch, planing, saline wash.

Шўрланиш арид (қурғоқчил) зоналар тупроқлари унумдорлиги ва ишлаб чиқариш қобилиятини белгилловчи ҳамда арид ва семиарид минтақалардаги асосий тупроқ жараёнларидан бири ҳисобланиб, келиб чиқиш генезисига кўра, бирламчи (табиий) ва иккиламчи (антропоген) шўрланиш бўлиши мумкин. Бирламчи шўрланишни келтириб

чиқарувчи бош омил бу ер ости сувларининг кучсиз (кам) зовурлашганлиги шароитида улар асосий қисмининг буғланишга сарфланишидир.

Иккиламчи шўрланиш эса тупроқларни табиий ривожланиши ва ландшафтларнинг бир бутунлигича бузилиши билан боғлиқ бўлиб, бу типдаги шўрланиш суғоришлар

ҳисобига сувда эриган тузларнинг тупроқ қатламларига қўшимча кириб келиши, техноген ва агроген ифлосланиши ва табиий жараёнлар йўналашини салбий томонга ўзгариши натижасида содир бўлади.

Кейинги бир неча ўн йилликлар мобайнида ерларни (экинларни) меъёрсиз ва назоратсиз суғоришлар табиий муҳитни, тупроқ жараёнларини тубдан ўзгаришига, ўз навбатида суғориладиган ерлар гидрогеологик, гидрологик, геокимёвий ва тупроқ шароитларини бузилишига олиб келди, асосий суғориладиган майдонларда шаклланган гидроморф сув режими тупроқларда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланишнинг жадал тус олишига шарт-шароитлар яратган. Суғориш шунингдек, тупроқ қатламларида содир бўладиган ички кимёвий жараёнларни фаоллаштириб, тупроқ профилининг марфологик тузилиши, генетик белгилари, сув-физикавий, кимёвий ва бошқа хоссаларини ўзгаришига олиб келган. Натижада тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида мутлақо янги тип воҳа тупроқлари шаклланган. Суғориладиган ерларда тупроқ ҳосил бўлишининг ўзгача шароитларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Олимлар ҳамда мутахассислар томонидан воҳа тупроқлари типига киритилган турли даражада шўрланган маданий тупроқлар ўрганилган.

Суғориш шўрланган тупроқларни мелиорациялашда асосий восита ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш усули ҳисобланиб, ҳозирги такомиллашмаган суғориш техникаси ва суғоришлардаги хатоликлар туфайли тупроқда салбий характердаги туб ўзгаришларни келтириб чиқарган, айниқса тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш ҳолатларини шакллантирган. Бу борада энг катта зарарни қишлоқ хўжалиги ер фонди кўрган, суғориладиган ерлар сифати ёмонлашган, тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлиги пасайган.

Иккиламчи шўрланишни ўзига хос характерини шаклланишида суғориш фавқулодда катта роль ўйнайди. Суғориш сувлари билан тупроқ ва грунт сувларига катта миқдордаги тузлар олиб келинади (табиий шароитда тузлар бундай йўл билан олиб келинмайди). Суғориш сувларидаги тузлар оқими (ҳаракати) суғоришда фойдаланадиган нафақат юқори (3-5 г/л) минерализациядаги зовур сувлари, балки

одатдаги минерализациядаги дарё сувлари (0,3-1,0 г/л) билан суғорилганда ҳам экин майдонларига катта миқдордаги тузлар келиб қўшилади. Тупроқ шўрланишининг яна бир бевосита сабабчиси одатда суғоришдан ташқари грунт сувларининг ер юзасига яқин кўтарилиши ҳисобланади. Модомики, грунт сувлари жуда кўп ҳолатларда маълум миқдордаги тузлар ушлаган бўлади ва улар тупроқ юзасидан буғлангандан кейин тузлар тупроқнинг юқориги қатламларида сақланиб қолади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, яъни грунт сувлари ер юзасига қанча яқин жойлашса ва унинг минераллашганлик даражаси қанча юқори бўлиб тупроқдан қанча кўп буғланса тупроқ шўрланиши шунчалик тез ва шиддатли содир бўлади. Грунт сувларининг ўкибуд даражадаги шўрланиганлиги ва уларни буғланишга сарфланиш миқдори кўрсаткичлари тупроқ шўрланиши интенсивлик даражасини ва бу жараён билан курашишнинг ҳажмини оз ёки кўплигини белгилайди.

Тупроқларни зовурларсиз суғоришларда грунт сувларининг сатҳи одатдаги максимал юқори ҳолатдан ташқари, эрта баҳор ва ҳатто ёзнинг (июль-август) жазирама иссиқ пайтларида ҳам вегетацион суғоришлардаги фильтрацияланадиган сувлар ва навбатдаги ҳар бир суғоришлар грунт сувлари сатҳини ер юзасига яқин кўтарилишига олиб келади ва ҳар бир суғоришлардан кейинги интенсив буғланишлар туфайли тупроқларда тўпланаётган тузлар ҳисобига шўрланиш янада кучлироқ тус олади.

Грунт сувларининг ер юзасига яқин кўтарилиши ва унинг минераллашганлик даражаси кўрсаткичлари жойнинг маҳаллий гидрогеологик ва геоморфологик шароитлари, ирригацион каналлар тармоқлари ҳолати ва суғориладиган ҳудудлар (тупроқлар) атрофида қўриқ ва бўз ерларни жойлашиши билан чамбарчас боғлиқ. Умуман олганда грунт сувларининг ер юзасига яқин кўтарилиши ва улар минерализациясининг ортиши, тупроқда иккиламчи шўрланишни аста-секин шакллантира бошлайди. Бунда иккиламчи шўрланиш кўпроқ грунт сувлари ҳали нисбатан чуқурроқ (3,5-4 м) жойлашган шароитда тупроқ шўрланиши ёз ойларида «мавсумий доғлар» шаклида суғориладиган

далаларнинг маданий ўсимликлардан ҳоли, очилиб қолган жойлардаги микрорельефнинг нисбатан баландроқ ва тепачалар шаклидаги жойларида пайдо бўла бошлайди.

Тупроқларнинг иккиламчи шўрланиш жараёнидаги «мавсумий доғли» шўрланишнинг бу тури (шакли) уларнинг ўткинчи ва вақтинчалик пайдо бўлиши боис ҳамма вақт ҳам сезилмайди. Шунга қарамасдан, мавсумий доғли иккиламчи шўрланиш маданий ўсимликларни нормал ўсиши ва ривожланишига токсик (зарарли) таъсир кўрсатади, турли даражада жабрланишига олиб келади, ҳосил ва уни сифатини пасайтиради. Мавсумий доғлар шаклидаги иккиламчи шўрланишнинг яна бир хавфли томони шундан иборатки, бу шўрланиш шакли (тури) аста-секин ривожланиб, прогрессив жадаллашиб, «доимий доғли» шўрланиш шаклига ўтади.

Мавсумий доғли шўрланишни грунт сувлари сатҳини «критик чуқурлик» дан пасайтиришга ва буғланишни камайтиришга олиб келувчи эксплуатацион ва агротехник характердаги тадбирлар ёрдамида нисбатан осон йўқотиш мумкин. Қўлланиладиган чора-тадбирлар ичида тупроқ юзасини текислаш (планировкалаш), вегетацион суғориш, синчковлик билан механик ишлов бериш, маданий ўсимликларни (ғўза, ғалла) мақбул қалинлигини таъминлаш ва айниқса алмашлаб экиш тизимида беда етиштириш тадбирлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ирригацион тизимлар шаҳобчаларининг етишмаслиги ва сувдан тежамкор фойдаланмаслик оқибатида, грунт сувлари сатҳининг янада кўтарилиши ва улар минерализациясининг ортиши натижасида тупроқларда «доимий доғли» иккиламчи шўрланиш ривожланиб боради. Бу хил шўрланиш тури кўпроқ микрорельефларнинг баландлик (тепаликлар) қисмида шаклланади. Мавсумий доғли шўрланишдан доимий доғли шўрланишга ўтиши билан тупроқда туз тўпланиши ҳисобига микрорельефнинг баландлик қисмида шўрланиш янада жадал тус олади. Натижада, доимий доғли шўрланишга учраган тупроқлар тупроқ-грунт сувларидаги тузларнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда қайта тақсимланиши ва тўпланиши ҳисобига, нафақат маданий ўсимликларни жабрлантирувчи, балки уларни униб чиқиш вақтида ёки вегетациянинг

биринчи фазасида нобуд бўлишига олиб келади.

Доимий доғли иккиламчи шўрланиш маданий ўсимликларни бир текисда униб чиқишини чеклаб, экин майдонларида ола-чипорликни содир этади. Тўпланган катта миқдордаги зарарли тузлар ниҳолларни нобуд қилади, натижада олинадиган ҳосил сифат ва миқдорий жиҳатлардан ёмонлашиб, ҳалқ хўжалигига катта зарар етказилади. Тупроқларда доимий доғли шўрланиш содир этган ола-чипорлик даражасини 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Шўрхоқларда (кучли шўрланган тупроқларда) ўтказилган сувли сўрим анализи маълумотларининг кўрсатишича, шўрхоқлардаги сувда осон эрувчи тузларнинг миқдори тупроқ профилининг 0-300 см лик қатламида жуда катта оралиқда тебраниб 1,504-2,536% дан 20,636-52,768% гача миқдорда қайд қилинган. Устки 0-0,5, 0,5-3,5 см қатламдаги тузлар миқдори 13,740-20,636% ни, шундан хлор-иони миқдори 2,064-2,850% ни, сульфатлар 7,040-10,860% ни ташкил этади. Тузларнинг энг максимал миқдори 3,5-5 см лик қатламида кузатилди, сувда осон эрувчи тузлар миқдори қуруқ тупроқ массасига нисбатан 52,768 % ни, хлор-иони 14,253 % , сульфатлар (SO_4) 19,418%, сувда осон эрувчи кальций (Ca) миқдори 0,503% ни ташкил этган ҳолда, магний (Mg) миқдори кальцийдан деярли 5 баробар кўп (2,532 %), сувда эрувчи натрий (Na) миқдори эса 13,984 % га тенг. Шўрланиш типи хлорид-сульфатли (1-жадвал).

Грунт сувлари ўта кучли минераллашган (72,600 г/л), хлор-иони 20,450 г/л, сульфатлар 24,770 г/л кўрсаткичларида қайд қилинган, шўрланиш типи сульфат-хлоридли, умумий ишқорийлик (HCO_3) юқори, 9,67 мг-экв.

Бу типдаги иккиламчи шўрланишни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун энг самарали тадбирлар: суғориладиган ерларда, далаларда мунтазам планировка (текислаш) ишларини ўтказиб туриш, қалин бўлмаган (сийрак) зовурлар ёрдамида грунт сувлари сатҳини «критик чуқурликдан» пасайтириш, суғориш техникасини такомиллаштириш, беда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш, ерларга ишлов бериш сифатини яхшилаш, суғоришлар ва ишлов беришлар оралиғидаги узилишларга йўл қўймаслик ва энг муҳими

шубҳасиз, синчковлик билан суғоришлар ҳисобланади. Бунда энг юқори даражада шўрланган ва шўрҳокли доғлар маҳаллий вегетацион суғоришларни ёки новегетацион локал (маҳаллий) шўр ювишни талаб этади.

Агар ирригацион тизимлар доирасида грунт сувларининг янада (кейинчалик)

кўтарилиши ёки максимал юқори сатҳнинг турғун ҳолати содир бўлса, у ҳолда тупроқнинг барча юзасида доимий доғли шўрланиш ёппасига иккиламчи шўрланиш билан алмашади. Бу жараён кўпроқ шўрланиш тури дренажлашмаган ёки кучсиз дренажлашган майдонларда (массивларда) содир бўлади.

1-жадвал

Бухорони юқори минераллашган грунт сувларида ҳосил бўлган шўрҳокли тупроқларининг сувли сўрим таркиби, % (В.А.Ковда маълумотлари. 2008)

Чуқурлик, см	Куруқ қолдиқ	NO ₃ ⁻	Cl ⁻	SO ₄ ⁻	Ca ⁺²	Mg ⁺²	K ⁺	Na ⁺	CaSO ₄ *2H ₂ O
0-0,5	13,740	0,061	2,064	7,040	0,263	0,190	0,015	4,062	4,6
0,5-3,5	20,636	0,061	2,850	10,860	0,269	0,415	0,036	6,005	5,7
3,5-5	52,768	0,049	14,253	19,418	0,503	2,532	0,179	13,984	5,9
5-15	5,320	0,028	1,509	1,818	0,299	0,266	0,029	0,955	6,0
15-25	3,416	0,023	0,857	1,312	0,261	0,147	0,015	0,605	4,0
35-50	3,008	0,023	0,688	1,197	0,184	0,101	0,014	0,617	3,0
50-70	2,600	0,018	0,574	1,106	0,144	0,095	0,013	0,555	4,1
70-92	1,912	0,023	0,428	0,839	0,088	0,069	0,009	0,451	1,7
92-105	1,664	0,025	0,424	0,633	0,038	0,056	0,010	0,432	1,3
110-130	1,284	0,025	0,334	0,501	0,038	0,051	0,008	0,320	1,9
150-160	0,496	0,038	0,117	0,201	0,015	0,017	0,007	0,132	0,8
170-190	1,504	0,036	0,0381	0,551	0,053	0,030	0,007	0,402	1,0
220-230	2,536	0,023	0,448	1,213	0,230	0,085	0,009	0,449	6,2
240-250	2,668	0,020	0,481	1,230	0,239	0,098	0,009	0,450	8,4
280-300	1,976	0,030	0,489	0,0732	0,085	0,084	0,009	0,417	1,7
Грунт суви, г/л	72,600	0,590	20,450	24,770	0,610	3,960	0,090	17,100	-

У шунингдек катта сув омборлари ҳамда суғориладиган ерлар билан ўраб олинган воҳалар ички қўриқ ва бўз ерларида ҳам пайдо бўлади. Ёппасига иккиламчи шўрланишнинг асосий кўрсаткичи – бу грунт сувларининг барқарор юқори (2,5-3 м) ҳолати ҳисобланади.

Шўрланишнинг келиб чиқиш генезисига кўра, тупроқлар реликт (қадим замонлардан сақланиб қолган) ва ҳозирги (замонавий) туз тўпланиш (шўрланиш) турларига ажратилади. Ҳозирги (замонавий) шўрланиш кўпроқ гидроморф ва яримгидроморф тупроқларда кучсиз минераллашган (10-12 г/л гача) ва

юқори минераллашган (20-40 г/л) грунт сувлари таъсирида содир бўлган ёппасига шўрланган тупроқларга бўлинади.

Кучсиз минераллашган грунт сувларидан ҳосил бўлган ёппасига шўрланишни сийрак таянч ва чуқур (3-4 м) коллектор ва зовурлар фонида чеклар (поллар) га ёппасига сув бостириш йўли билан йўқотиш мумкин. Шўр ювиш самарадорлиги беда алмашлаб экишдаги вегетацион суғоришларда юқори агротехника комплексларини қўллаш ва грунт сувлари сатҳини, тупроқ юзасидан буғланишни

камайтириш ва бошқа эксплуатацион тадбирлар асосига қурилиши керак.

Айрим ҳолларда кучсиз минераллашган грунт сувлари шароитидаги ёппасига иккиламчи шўрланган ерлардан фойдаланишни коллекторлар қурилишисиз ҳам амалга ошириш мумкин. Бунда ҳар йили албатта шўр ювиш ишларини ўтказиб туриш талаб этилади. Жорий шўр ювиш

ишларини ўтказиб турилишига қарамасдан шўрланиш жараёни тўхтамайди, тупроқнинг устки қатламларида туз тўпланиши давом этади, ҳосилдорлик кам ва нобарқарор характерга эга бўлади. Бу типдаги шўрланиш тури Ўрта Осиёнинг арид иқлимли эскидан суғориладиган воҳалари тупроқларида айниқса кўп тарқалган (2-жадвал).

2-жадвал

Бухорони кучсиз минераллашган грунт сувларида ҳосил бўлган типик шўрхокларнинг сувли сурум таркиби (%) (В.А.Ковда маълумотлари. 2008)

Чуқурлик, см	Қуруқ қолдиқ	Умумий ишқорийлик HCO_3^-	Cl	SO_4^{2-}
0-2,0	4,786	0,034	0,041	3,345
0,2-5	14,416	0,030	0,258	9,343
5-12	6,498	0,019	0,425	3,888
15-25	2,870	0,015	0,193	1,796
33-43	2,084	0,015	0,151	1,277
55-65	1,468	0,022	0,284	0,670
82-92	0,284	0,030	0,033	0,142
100-110	0,376	0,027	0,041	0,190
145-155	0,248	0,033	0,038	0,124
175-185	0,528	0,030	0,228	0,075
205-215	1,078	0,030	0,551	0,090
255-265	0,108	0,043	0,018	0,029
Грунт суви, г/л	5,016	0,524	0,154	2,738

Сувда осон эрувчи тузлар тупроқ профилининг устки 0-65 см лик қатламида жойлашган бўлиб, 1,468-14,416 % оралиғида тебраниб, максмал тузли горизонт 0,2-5 см лик қатламида кузатилади. Унинг миқдори 14,416 % ни, шундан хлор-иони миқдори 0,258 % ни, сульфатлар 9,343 % ни ташкил этади. Хлор-ионига кўра, унинг учта максимал юқори миқдори қайд қилинган. Хлор-ионининг максимал юқори миқдори бўйича учта қатлам мавжуд бўлиб, биринчи горизонт (қатлам) 5-12 см лик қатламда (0,425 %), иккинчи горизонт 55-65 см лик қатламда (0,284 %) ва учунчи горизонт 205-215 см лик қатламда (0,551 %) жойлашган ана шу қатламлардаги сульфатлар миқдори мос равишда 3,888, 0,670 ва 0,090 % ни ташкил этади. (2-жадвал)

Грунт сувлари ўртача даражада минераллашган, сувда осон эрувчи тузлар миқдори 5,016 г/л ни, шундан хлор-иони 0,154 г/л, сульфатлар 2,738 г/л ни ташкил этади. Шўрланиш типи сульфатли.

Юқори даражада минераллашган (20-40 г/л) грунт сувларида шаклланган ёппасига шўрланиш энг оғир, йўқотилиши жуда қийин бўлган ва вақт нуқтаи назаридан иккиламчи шўрланишнинг энг сўнгги, охириги шаклларида бири ҳисобланади. У катта-катта табиий дренажлашмаган пастқамлик ва ботиқлик ерларда турли типдаги қадимий дельталарнинг қуйи қисмларида, масалан: Зарафшон ва Амударёнинг қуйи оқимлари ҳудудларидаги катта майдонларда (массивларда) кенг тарқалган. Юқори минераллашган грунт сувларидан ҳосил бўлган ёппасига шўрланиш ташқаридан қараганда ёппасига шўрланган ва шўрхоклашган далаларда кам учрайдиган ўзига хос специфик характердаги галофитлар тарқалган ҳудудларда ҳам содир бўлади. Бу типдаги шўрланган тупроқлардан нафақат уларни шўрсизлантириш, балки грунт сувларини ҳам шўрсизлантиришга йўналтирилган

дастлабки тубдан мелиорациялаш ишларини амалга оширмасдан туриб, бундай шўрланган тупроқлардан фойдаланиб бўлмайди.

Юқори минераллашган грунт сувларидан ҳосил бўлган ёппасига шўрланишни йўқотиш учун доимий чуқур ва самарали ишлаб турувчи коллектор-зовурлар ва капитал текислашлар фонида бир неча йиллар давомида катта ҳажмдаги (25-30 м³/га) сув нормалари билан сифатли шўр ювишни амалга ошириш зарур. Шўр

ювиш самарадорлиги оралиқ экинлар экиш (1-2 йил донли, дуккакли ўсимликлар экиш), ундан кейин эса беда алмашлаб экиш фонида вегетацион ва кузги-қишки шўр ювиш билан мустаҳкамлаб бориш керак. Бу тип иккиламчи шўрланган ерларни тўла ва барқарор ўзлаштириш ва фойдаланишда, эриган тузларни грунт сувлари билан илдиз озикланиш қатламига олиб чиқмаслиги учун, уларни чуқуллаштиришга эришиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-277-сон қарори. 2022 йил 10 июнь.
2. «Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳаси. – LEX.UZ. 10.03.2022. 112-сон.
3. Аралова М.Н. Тупроқ унумдорлигини оширишда дуккакли ўсимликларнинг роли // International scientific-online conference: «Innovation in the modern education system» Part 17. 2022. – 159-162 б.
4. Панкова Е.И., Айдарова И.П., Ямнова И.А., Новикова А.Ф., Благоевлин Н.С. Природное и антропогенное засоление почв бассейна Аральского моря (география, генезис, эволюция). – Москва: 1996.
5. Ковда В.А. Проблемы опустынивания и засоления почв аридных регионов мира – Москва: Наука, 2008.
6. Ахмедов А.У., Бобоев М.Ф. Орол денгизи ҳавзаси суғориладиган ерларида тарқалган деградация жараёнлари. Республика илмий-амалий анжумани маърузалари тўплами / –Тошкент: ТАИТДИ, 2012.

УЎТ 631.4

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИГАН ҚИСМИ ТУПРОҚ-ГУРУНТЛАРИДА ШЎРЛАНИШ ВА ШЎРСИЗЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ, СУВДА ОСОН ЭРУВЧИ ТУЗЛАР МИҚДОРИ ВА ЗАҲИРАЛАРИ

Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич,

б.ф.д., профессор, илмий ишлар ва инновациялар бўйича
директор ўринбосари nodirjon_1976@mail.ru

Эгамбердиев Жобир Анварбек ўғли,

мустақил тадқиқотчи

Мансуров Шерали Сиддиқович,

б.ф.ф.д., (Phd), бўлим бошлиғи,
e-mail: sheralimansurov_1981@gmail.ru

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация: Мақолада Орол денгизи қуриган туби ҳудудларидаги қумли саҳро, гидроморф ва ярим гидроморф қумли саҳро тупроқлар, қолдиқ денгиз бўйи автоморф шўрхоклари, денгиз бўйи ярим автоморф шўрхокларида олиб борилган дала тадқиқотлари ҳамда лаборатория ва камерал шароитларда ўрганилган тупроқ-грунтларининг шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнлари, сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва захиралари тўғрисидаги олинган янги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Орол денгизи қуриган қисми, қумли саҳро тупроқлар, гидроморф, ярим гидроморф қумли саҳро, ярим автоморф, сувли сўрим, шўрланиш, туз захиралари.

Аннотация: В статье рассмотрены песчано-пустынные, гидроморфные и полугидроморфные песчано-пустынные почвы осушенных участков морского дна Аральского моря, проведены полевые исследования в остаточных приморских автоморфных солончаках, приморских полуавтоморфных солончаках, а также процессы засоления и рассоления почвогрунтов изучены в лабораторных и камерных условиях, представлены новые сведения о количестве и запасах легкорастворимых солей.

Ключевые слова: обсохшая часть Аральского моря, песчаные пустынные почвы, гидроморфные, полугидроморфные песчано-пустынные, полуавтоморфные, водная вытяжка, засоление, запасы солей.

Annotation: The article considers sandy-desert, hydromorphic and semi-hydromorphic sandy-desert soils of the dried areas of the seabed of the Aral Sea, field studies were carried out in residual coastal automorphic swamps, semi-automorphic swamps along the sea, as well as the processes of salinization and desalinization of soil-soil were studied in laboratory and chamber conditions, easily soluble salts in water presents new information about the number and stocks.

Key words: dry part of the Aral Sea, sandy desert soils, hydromorphic, semihydromorphic sandy deserts, semiautomorphic, water absorption, salinity, salt reserves.

Кириш. Бугунги кунда «дунё бўйича барча куруқликдаги тупроқларнинг учдан бир қисмидан ортиғи аллақачон деградацияга учраган. Қурғоқчил ҳудудларда бу жараён саҳроланишга айланмоқда. Ер майдонлари тупроқлари озик-овқатнинг 97 фоиздан ортиғини, шунингдек, ичимлик суви билан таъминлайди. Аммо ҳар йили тупроқларнинг унумдорлигини пасайиши ҳамда углеродни ўзлаштириш қобилияти сезиларли даражада камайиши кузатилади, бу эса иқлим ўзгаришини тезлаштиради. Иқлим ўзгариши, қишлоқ хўжалигининг кенгайиши, урбанизация ва инфратузилма объектларини қуриш натижасида ерларнинг деградацияси жиддий экологик ва иқтисодий оқибатларга олиб келади. Бу 3,2 миллиарддан ортиқ кишининг фаровонлигини ёмонлашишига олиб келмоқда» [1]. Сайёрамиздаги қарийб 40% ер деградацияга учраган, бу инсониятнинг ярмига бевосита таъсир кўрсатган ва дунё ялпи ички маҳсулотининг деярли ярмига таҳдид солмоқда. Агар ҳеч нарса ўзгармаса, 2050 йилга келиб, деградация учраган ерлар ҳажми Жанубий Америка майдонига тенг ер майдонини қамраб олиши кутилмоқда» [2]. Шу сабабли дунёнинг барча мамлакатларида глобал иқлим ўзгариши таъсирида тупроқларда юзага келадиган қурғоқланиш, саҳроланиш ва деградация жараёнлари олдини олиш ёки юмшатиш орқали уларнинг унумдорлигини сақлаш ва тиклаш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Орол денгизининг қуриган қисмида шакллланган гидроморф ва яримгидроморф қумли-саҳро

тупроқлари, қолдиқ денгиз бўйи шўрхоклари, ярим автоморф ва ярим гидроморф шўрхоқлар, шунингдек, қумли-саҳро ва қумли шўрхоқлар тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилди.

Дала-кузатув илмий тадқиқот ишлари маршрутли экспедицияга асосланди. Тадқиқот усуллари асосини дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар ташкил этади. Дала шароитида тупроқларнинг морфологик хусусиятлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди.

Дала шароитида олинган тупроқ-грунт намуналарининг тузлар миқдори ва ионлар таркиби сувли сўрим услуги, шўрланиш даражаси ва химизми (типи) - Л.П.Лебедев услуги бўйича амалга оширилди. Шўрланиш типларини ҳисобга олган ҳолда, шўрланиш даражасини аниқлашда Н.И.Базильевич ва Е.И.Панкова [3, 4] классификациясидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Тупроқ шўрланишини содир этувчи кўплаб омиллар ичида грунт сувлари асосий ўринни эгаллайди, грунт сувларининг «критик чуқурлик» ҳамда «критик минерализацияси» атамаларига алоҳида эътибор бериш керак. Куруқ ва жазирама иссиқ иқлимли Орол бўйи ҳудудларининг суғориладиган ерларининг тупроқлари юзасидан катта миқдордаги намликнинг бўғланиши табиий равишда шўрланиш жараёнини тезлаштиради, шу сабабдан асосий мелиоратив тадбирлар ана шу салбий жараённинг олдини олишга, суғориладиган тупроқлар унумдорлиги ва маданий

ўсимликлар ҳаёти фаолиятига кўрсатадиган таъсирини камайтиришга қаратилиши керак. Минераллашган грунт сувлари тупроқ юзасига қанчалик яқин жойлашса, шўрланиш жараёни жадаллик билан тус олади, шўрланиш жараёнининг олдини олиш учун эса гидротехник ва гидромелиоратив тадбирларни тартибга солиш, коллектор-зовур тармоқларини тўла ишчи ҳолатида ушлаб туриш, ер ости сувлари оқимини тўла таъминлаш, суғориш ва шўр ювиш режимлари, меъёрлари ва технологияларига қатъий риоя қилиш талаб этилади [5, 7].

Тадқиқот олиб борилган Орол денгизи қуриган туби қумли саҳро тупроқларининг шўрланиш химизми тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган бўлиб, бунга кўра ҳудуд тупроқлари асосан

ўртача ва кучли шўрланган, айрим кесма тупроқ қатламларида жуда кучли шўрланган тупроқлар учрайди. Шўрланиш типи асосан сульфатли ва хлорид-сульфатлидир. Қуруқ қолдиқнинг миқдори ўртача шўрланган сульфатлишўрлаништипидагитупроқларнинг юқори қатламида 1,680 %, хлор иони 0,126 % ва сульфат иони 0,983% ни ташкил этади. Жуда кучли шўрланган сульфатли шўрланиш типидаги тупроқларнинг устки қатламида қуруқ қолдиқнинг миқдори 3,410 %, хлор иони 0,161 % ва сульфат иони 1,746% ни ташкил этади. Хлорид-сульфатли шўрланиш типидаги кучсиз шўрланган тупроқларнинг устки қатламида қуруқ қолдиқнинг миқдори 0,255-0,275% ни ташкил этиб, хлор иони 0,024-0,024% ва сульфат 0,119-0,127% ни ташкил қилиши кузатилди.

1-жадвал

**Орол денгизи қуриган туби қумли саҳро тупроқларининг сувли сўрим таркиби,
(абс. қуруқ тупроқ вазнига нисбатан% ҳисобида)**

Кесма №	Қатлам чуқурлиги	Қуруқ қолдиқ	HCO ₃ , %	Cl ⁻ %	SO ₄ ²⁻ %	Ca ²⁺ %	Mg ²⁺ %	Na ⁺ %	Шўрланиш	
									типи	даражаси
4	0-18	1,680	0,018	0,126	0,983	0,215	0,084	0,153	с	ўрта шўрланган
	18-42	0,275	0,033	0,021	0,127	0,030	0,006	0,040	х-с	кам шўрланган
	42-85	0,255	0,027	0,024	0,119	0,025	0,015	0,025	х-с	кам шўрланган
	85-136	2,015	0,018	0,168	1,185	0,305	0,081	0,179	с	кучли шўрланган
8	0-12	1,630	0,015	0,119	0,963	0,270	0,046	0,146	с	ўрта шўрланган
	12-23	0,795	0,021	0,031	0,436	0,120	0,027	0,047	с	кам шўрланган
	23-32	0,800	0,021	0,035	0,452	0,100	0,037	0,062	с	кам шўрланган
	32-44	0,565	0,018	0,028	0,278	0,085	0,024	0,015	с	Кам шўрланган
	44-54	0,970	0,021	0,052	0,547	0,135	0,040	0,072	с	кам шўрланган
	54-73	1,170	0,018	0,045	0,730	0,175	0,049	0,091	с	ўрта шўрланган
	73-146	1,200	0,024	0,042	0,726	0,150	0,049	0,118	с	ўрта шўрланган
12	0-21	3,410	0,021	0,161	1,746	0,395	0,192	0,131	с	жуда кучли шўрланган
	21-34	1,940	0,024	0,105	1,076	0,255	0,099	0,112	с	ўрта шўрланган
	34-52	1,400	0,021	0,091	0,757	0,130	0,052	0,181	с	ўрта шўрланган
	52-63	1,035	0,027	0,052	0,580	0,155	0,037	0,073	с	ўрта шўрланган
	63-144	0,910	0,027	0,031	0,514	0,120	0,040	0,062	с	кам шўрланган

Ўрганилган гидроморф ва ярим гидроморф қумли сахро тупроқларининг шўрланиш химизми тўғрисидаги маълумотларга кўра худуд тупроқлари асосан ўртача ва жуда кучли шўрланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади. Шўрланиш типи асосан сульфатли ва хлорид-сульфатлидир. Қуруқ қолдиқнинг миқдори ўртача шўрланган сульфатли шўрланиш типигаги тупроқ

қатламларида 1,380-1,860%, хлор иони 0,070-0,123% ва сульфат иони 0,782-1,043% оралиғида тебранади. Жуда кучли шўрланган хлорид-сульфатли шўрланиш типигаги тупроқларда қуруқ қолдиқнинг миқдори 1,575-2,070%, хлор иони 0,140-0,154% ва сульфат иони 0,771-1,722% оралиғида тебраниши кузатилди (2-жадвалда).

2-жадвал

Орол денгизи қуриган тубидаги гидроморф ва ярим гидроморф қумли сахро тупроқларининг сувли сўрим таркиби, (абс. қуруқ тупроқ вазнига нисбатан % ҳисобида)

Кесма №	Қатлам чуқурлиги	Қуруқ қолдиқ	HCO ₃ , %	Cl ⁻ %	SO ₄ ²⁻ %	Ca ²⁺ %	Mg ²⁺ %	Na ⁺ %	Шўрланиш	
									типи	типи
11	0-21	1,860	0,024	0,123	1,043	0,265	0,043	0,202	с	ўрта шўрланган
	21-44	1,450	0,021	0,063	0,835	0,215	0,024	0,156	с	ўрта шўрланган
	44-63	1,510	0,021	0,080	0,833	0,205	0,033	0,160	с	ўрта шўрланган
	63-80	1,380	0,21	0,070	0,782	0,145	0,052	0,162	с	ўрта шўрланган
	80-130	2,070	0,21	0,154	1,043	0,265	0,024	0,257	х-с	жуذا кучли шўрланган
18	0-48	3,320	0,021	0,175	1,722	0,335	0,183	0,214	с	жуذا кучли шўрланган
	48-69	1,575	0,021	0,140	0,771	0,155	0,058	0,179	х-с	кучли шўрланган
	69-77	1,390	0,021	0,126	0,681	0,145	0,058	0,139	х-с	кучли шўрланган
	77-100	1,255	0,024	0,119	0,615	0,135	0,046	0,140	х-с	ўрта ва кучли шўрланган
	100-150	1,015	0,027	0,038	0,570	0,150	0,033	0,073	с	ўрта шўрланган

Тадқиқот олиб борилган Орол денгизи қуриган тубидаги қолдиқ денгиз бўйи автоморф шўрхоқларининг сувли сўрим таркиби тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган бўлиб, ушбу жадвал маълумотларига кўра шўрхоқлар асосан ўртача ва кучли шўрланган, айрим генетик қатламларда жуذا кучли шўрланган қатламлар ҳам учрайди. Шўрланиш типи асосан хлоридли ва сульфат-хлоридлидир. Қуруқ қолдиқнинг миқдори ўртача шўрланган сульфат-хлоридли шўрланиш типига устки

қатламда 0,520 %, хлор иони 0,133 % ва сульфат иони 0,123% ни ташкил этади. Кучли шўрланган хлоридли шўрланиш типигаги шўрхоқларда қуруқ қолдиқнинг миқдори 0,390 %, хлор иони 0,116 % ва сульфат иони 0,060% ни ташкил этади. Хлоридли шўрланиш типигаги жуذا кучли шўрланган шўрхоқларда қуруқ қолдиқнинг миқдори 0,665-1,110% ни ташкил этиб, хлор иони 0,280-0,515% ва сульфат 0,072-0,119% ни ташкил қилиши кузатилди.

3-жадвал

Орол денгизи қуриган тубидаги қолдиқ денгиз бўйи автоморф шўрхокларининг сувли сўрим таркиби, (абс. қуруқ тупроқ вазнига нисбатан % ҳисобида)

Кесма №	Қатлам чуқурлиги	Қуруқ қолдиқ	HCO ₃ , %	Cl ⁻ %	SO ₄ ²⁻ %	Ca ²⁺ %	Mg ²⁺ %	Na ⁺ %	Шўрланиш	
									типи	типи
36	0-15	0,520	0,043	0,133	0,123	0,065	0,006	0,076	с-х	ўрта шўрланган
	15-32	0,660	0,055	0,137	0,175	0,02	0,003	0,164	с-х	кучли шўрланган
	32-41	0,435	0,055	0,102	0,082	0,02	0,003	0,097	с-х	ўрта шўрланган
	41-64	0,645	0,046	0,259	0,093	0,035	0,006	0,178	х	жуда кучли шўрланган
	64-110	0,540	0,052	0,217	0,062	0,025	0,006	0,15	х	жуда кучли шўрланган
37	0-18	1,110	0,037	0,515	0,144	0,14	0,027	0,205	х	жуда кучли шўрланган
	18-33	0,905	0,043	0,388	0,119	0,06	0,006	0,245	х	жуда кучли шўрланган
	33-54	0,665	0,052	0,280	0,072	0,025	0,003	0,201	х	жуда кучли шўрланган
	54-90	0,390	0,061	0,116	0,060	0,02	смд	0,104	х	кучли шўрланган
	90-110	0,365	0,052	0,118	0,053	0,015	0,003	0,099	х	кучли шўрланган
	110-159	0,395	0,046	0,133	0,062	0,02	смд	0,11	х	кучли шўрланган

Орол денгизи қуриган тубидаги қолдиқ денгиз бўйи ярим автоморф шўрхокларининг сувли сўрим таркиби тўғрисидаги маълумотлар (4-жадвалда) келтирилган бўлиб, таҳлил маълумотларига кўра ушбу ярим автоморф шўрхоклар асосан кучли ва жуда кучли шўрланган қатламлардан иборат бўлиб, шўрланиш типи асосан хлоридли ва сульфат-хлоридлидир. Қуруқ қолдиқнинг миқдори

жуда кучли шўрланган хлоридли шўрланиш типидagi ярим автоморф шўрхокларда 1,405-1,600%, хлор иони 0,724-0,865% ва сульфат иони 0,117-0,091% ни ташкил этади. Кучли шўрланган хлоридли шўрланиш типидagi ярим автоморф шўрхокларнинг қатламларида қуруқ қолдиқнинг миқдори 0,390-0,445 %, хлор иони 0,126-0,182 % ва сульфат иони 0,049-0,080% ни ташкил қилиши кузатилди.

4-жадвал

Орол денгизи қуриган тубидаги денгиз бўйи ярим автоморф шўрхокларининг сувли сўрим таркиби, (абс. қуруқ тупроқ вазнига нисбатан% ҳисобида)


Кесма №	Қатлам чуқурлиги	Қуруқ қолдиқ	HCO ₃ , %	Cl ⁻ %	SO ₄ ²⁻ %	Ca ²⁺ %	Mg ²⁺ %	Na ⁺ %	Шўрланиш	
									типи	типи
39	0-25	1,600	0,043	0,865	0,091	0,065	0,042	0,466	х	жуда кучли шўрланган
	25-57	0,685	0,043	0,297	0,078	0,02	0,009	0,206	х	жуда кучли шўрланган
	57-72	0,585	0,046	0,221	0,099	0,015	0,009	0,173	х	жуда кучли шўрланган
	72-91	0,220	0,046	0,049	0,041	0,015	смд	0,051	с-х	кам ва ўрта шўрланган
	91-135	0,605	0,043	0,234	0,103	0,03	0,015	0,155	х	жуда кучли шўрланган
	135-164	0,485	0,04	0,203	0,062	0,015	0,009	0,142	х	жуда кучли шўрланган
41	0-5	1,405	0,037	0,724	0,117	0,06	0,036	0,4	х	жуда кучли шўрланган
	5-17	1,080	0,03	0,528	0,107	0,08	0,048	0,22	х	жуда кучли шўрланган
	17-39	0,720	0,037	0,315	0,078	0,045	0,024	0,16	х	жуда кучли шўрланган
	39-67	0,650	0,04	0,301	0,062	0,035	0,027	0,15	х	жуда кучли шўрланган
	67-80	0,445	0,037	0,182	0,049	0,025	0,015	0,098	х	кучли шўрланган
	80-150	0,375	0,043	0,108	0,086	0,025	0,018	0,065	с-х	ўрта шўрланган
	150-178	0,390	0,043	0,126	0,080	0,025	0,015	0,079	х	кучли шўрланган

денгизи қуриган тубида туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари, уларнинг йўналиши, интенсивлик даражаси ва географик тарқалиши қонуниятлари ҳудуднинг литологик-геоморфологик тузилиши, гидрогеологик, тупроқ-иқлим ва ирригацион-хўжалик шароитларига боғлиқ ҳолда сувда осон эрувчи ва заҳарли тузлар миқдори ҳамда захиралари ҳудуднинг турли қисмларида турлича кўрсаткичларда ўз аксини топган.

Тадқиқот олиб борилган Орол денгизи қуриган туби тупроқ-гурунтларининг устки 1 метрлик қатламларидаги сувда осон эрувчи тузлар захиралари маълумотларига кўра қумли сахро тупроқларида ялпи тузлар захираси 159,7-221,8 т/га, гидроморф ва ярим гидроморф қумли сахро тупроқларида 248,4-253,9 т/га, қолдиқ денгиз бўйи автоморф шўрхокларида 71,1-92,8 т/га ва қолдиқ

денгиз бўйи ярим автоморф шўрхокларида эса 118,1-119,4 т/га оралиғида тебранади. Олинган таҳлил натижаларига кўра, ялпи тузлар захираси энг юқори кўрсаткичлари гидроморф ва ярим гидроморф қумли сахро тупроқларида кузатилди (1-расм).

Тупроқ қатламларидаги устки 0-1 метрлик қатламидаги тузлар миқдори (%) ва захирасининг (т/га) тебраниш оралиғини аниқлаш орқали, уларнинг мелиоратив ҳолати ва шўрланиш даражасини тузлар захирасининг миқдорий кўрсаткичлари билан баҳолаш имконияти яратилади, уни амалиётда қўллаш осон ва қулай бўлиши билан бирга, бир вақтнинг ўзида тупроқнинг, шу қатламнинг шўрланиш даражаси ҳамда тупроқ-мелиоратив ҳолатини сифат ва миқдорий жиҳатлардан тўғри баҳолаш, мавжуд тузлар захираси бўйича шўр ювиш нормалари ва муддатларини аниқ белгилаш имкони яратилади.



1-расм. Орол денгизи қуриган туби тупроқ-гурунтларининг устки 0-1 м ли қатламидаги ялпи туз захиралари

Хулоса қилиб айтганда Орол денгизи қуриган тубида Оролқумнинг пайдо бўлиши, кейинги йилларда иқлимнинг ўзгариши, айниқса ёғин-сочиннинг ниҳоятда кам бўлиши ҳисобига минтақада туз ва сув мутаносиблигининг бузилишига, ерларнинг шўрланишига, унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, бу каби салбий

оқибатлар таъсирида денгизга яқин ҳудудлар суғорилмайдиган катта майдонлардаги аввалги гидроморф режимдаги тупроқлар ҳозирда автоморф режимга ўтиши ҳамда уларда кучли шўрланиш, деградация, дегумификация жараёнлари, озиқа моддалари миқдорининг кескин камайиши содир бўлаётганлиги аниқланди [6, 8].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.fao.org/global-soil-partnership/resources>.
2. <https://www.unccd.int/sites/default/files/2022-04/Russian>
3. Базилевич Н.И., Панкова Е.И. Методические рекомендации по мелиорации солонцов и учету засоленных почв. – М.: Изд-во «Колос», 1970. – С. 112.
4. Қўзиёв Р., Абдурахмонов Н., Исмонов А. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. – Тошкент, 2013. – 18 б.
5. Аҳмедов А.У., Рузметов М.И., Мирзамбетов А.Б. Оролбўйи ҳудудлари ва денгизнинг қуриган туби мўйноқ қисми тупроқларининг асосий хоссалари ва экологик-мелиоратив ҳолати // «O'zbekiston qishloq xo'jaligi» jurnali, Agro ilm ilovasi. – Toshkent, 2019. – №4-son. – Б. – 102-103.
6. N.Yu.Abduraxmonov, J.A. Egamberdiyev, A.R.Jurayev, B.R. Ramazonov Orolbo'yi hududlari gidromorf tuproqlarining meliorativ holati // O'zbekiston zamini – Toshkent: 2022. №1. – Б. – 19-22.
7. Эгамбердиев Ж.А., Собитов Ў.Т., Абдурахмонов Н.Ю. Орол денгизи қуриган туби қумли саҳро тупроқларининг айрим хосса-хусусиятлари // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. – Тошкент, 2023. №2 (8).
8. Абдурахмонов Н.Ю., Эгамбердиев Ж.А. Орол денгизи қуриган тубидаги қумли саҳро тупроқларининг мелиоратив ҳолати // «Тупроқ унвдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар» мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. – Бухоро, 2021. 19-20 ноябрь, – Б. – 276-277.

УДК: 631.4; 626.87

СЎХ ДАРЁСИ ЁЙИЛМАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТУЗ ЗАХИРАЛАРИ

Мамажанова Ўқтамхон Хасанбаевна,
кичик илмий ходими, мустақил тадқиқотчи
e-mail: mamajanova-1783@mail.ru
Исмонов Абдуваҳоб Жўраевич,
бўлим мудири, катта илмий ходими, б.ф.н.
e-mail: abduvahob60@mail.ru
Қаландаров Назимхон Назирович,
бўлим мудири в.б.б.ф.д.
e-mail: nazimxon-1984@mail.ru

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Фарғона водийсининг жануби-ғарбий қисмидаги тоғ дарёларидан ҳисобланган Сўх дарёси ва унинг ёйилма тупроқлари қадимдан инсонлар томонидан ўзлаштиришга тортилган. Сизот сувларининг ёйилма бўйлаб оқими рельеф тузилишига, тупроқ қатламлари остидаги турли барьерларга ҳамда тупроқнинг механик таркибига боғлиқ бўлиб, бу тупроқларни шўрланишига ҳам олиб келувчи омиллардан ҳисобланади. Суғориладиган қолматалланган тупроқларнинг 0-1 метрлик қатламидаги сувда осон эрувчан тузларни умумий захираси 16,96-17,93 тонна гектарни, суғориладиган ўтлоқи саз тупроқ (кучсиз шўрланган)ларда 42,3 тонна гектардан кучли шўрланганларда 162,9 тонна гектаргачани, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда 55,9 тонна гектардан 215,3 тонна гектар оралиғида тебраниб туради.

Калит сўзлар: Сўх дарёси, қолматалланган тупроқ, ўтлоқи аллювиал тупроқ, сизот сувлари, тузлар миқдори ва захираси

Аннотация. Расположенная в юго-западной части Ферганской долины река Сох, считающаяся одной из горных рек, и почвы ее русла издревле привлекали людей. Поток фильтрата по равнине зависит от строения рельефа, различных барьеров под почвенными

слоями, механического состава почвы, что является одним из факторов, приводящих к засолению почв. Суммарный запас водорастворимых солей в 0-1-метровом слое орошаемых кольматажных почв составляет 16,96-17,93 т/га, от 42,3 т/га в орошаемых лугово-сазовых почвах (слабозасолённых) до 162,9 т/га в сильнозасолённых, на орошаемых аллювиальных луговых почвах колеблется от 55,9 т/га до 215,3 т/га.

Ключевые слова: река Сох, кольматажная почва, лугово-аллювиальная почва, фильтративные воды, количество и запасы солей.

Annotation. Located in the southwestern part of the Ferghana Valley, the Sokh River, considered one of the mountain rivers, and the soil of its channel have attracted people since ancient times. The flow of the leachate over the plain depends on the structure of the relief, various barriers under the soil layers, and the mechanical composition of the soil, which is one of the factors leading to soil salinization. The total reserve of water-soluble salts in a 0-1-meter layer of irrigated colmated soils is 16.96-17.93 t/ha, from 42.3 t/ha in irrigated meadow-saz soils (slightly saline) to 162.9 t/ha in strongly saline, on irrigated alluvial meadow soils ranges from 55.9 t/ha to 215.3 t/ha.

Key words: Sokh river, colmated soil, meadow alluvial soil, seepage water, amount and reserves of salts.

Кириш. Бугунги кунда «бутун дунё тупроқларининг учдан бир қисми эрозия, органик моддаларни ювилиши, ифлосланиш ва бошқа салбий жараёнлар таъсирида деградацияга учраган. Агар ҳозирдан ҳаракат қилинмаса 2050 йилга бориб, планетанинг 90% ер майдонлари эрозияга учрайди» [1]. «Дунё бўйича ҳар беш секундда футбол майдонига тенг майдон эрозияга учрайди, шу ерларнинг 2-3 см. ли қатлам унумдорлигини тиклаш учун минг йилга яқин вақт кетиши кўрсатилган. ФАО томонидан баҳоланишларига кўра, 2050 йилга бориб, эрозия натижасида жаҳон бўйича етиштириладиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳосилини 10% га пасайиши ва 75 млрд тонна тупроқни йўқотилиши мумкин» [2]. Шу сабабли автоморф ва гидроморф тупроқларининг мелиоратив хосса-хусусиятларини яхшилаш, муҳофаза қилиш, унумдорлигини сақлаш ва ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармоннинг 30-мақсадида – «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу боис, Сўх ёйилмасида шаклланган суғориладиган автоморф ва гидроморф тупроқларнинг хосса-хусусиятларини, ўзгаришларини таҳлил этиш, табиий ва антропоген омиллар таъсирида ёйилманинг юқори қисмидан қуйи қисми

томон механик таркибини ўзгариб боришини тупроқ унумдорлигини барқарорлаштиришга, суғориш таъсирида ўзгаришларини аниқлаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Суғориладиган тупроқларнинг генетик, тупроқ-мелиоратив, агрокимёвий, агроимелиоратив хосса ва хусусиятлари, тупроқларда кечаётган деградация жараёнларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар М.А.Панков, Қ.М.Мирзажонов, А.Мақсудов, Ғ.Юлдашев, М.М.Тошқўзиев, М.Т.Исағалиев, А.Ж.Исмонов, Ғ.Т.Сотиболдиева, З.Ж.Исомиддинов, Х.А.Абдухакимова ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Сўх ёйилмаси суғориладиган автоморф ва гидроморф тупроқларининг мелиоратив хусусиятларини аниқлаш, уларнинг механик таркиби, мелиоратив хоссалари, тузлар таркиби ва захираларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва амалга ошириш усуллари. Тадқиқот услублари

республикаимизда нашр этилган «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома» [3], ЎзПИТИнинг «Пахта майдонларида тупроқларнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссаларини ўрганиш услублари» [4], шунингдек қиёсий-геоимёвий, географик-сворлар ўтказиш, лаборатория-аналитик [5] ҳамда маълумотларни математик-статистик таҳлили услублари ташкил этади.

Тадқиқот натижалари ва улар муҳокамаси.

Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив, агрокимёвий, агромелиоратив хосса ва хусусиятлари, шўрланганлик даражаси, эволюцияси, тупроқларнинг хусусиятлари, трансформацияси, деградация жараёнларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар кўплаб [6; 7; 8; 9] олимлар томонидан олиб борилган.

Фарғона водийсида ва хусусан Сўх дарёси ёйилмасида, дарё сувлари орқали қаттиқ оқимларни олиб келиниши, ётқизилиши, турли бирикмаларнинг ҳаракати ва тўпланиши билан изоҳланади. Сўх ёйилмасида тупроқларни шаклланиши, бевосита дарё сувлари келтирган келтирилмалар билан боғлиқ бўлган. Сўх дарёси келтирилмалари унинг бутун ёйилмаси бўйлаб тарқалган. Сўх дарёси ёйилмасида тарқалган суғориладиган кольматажланган, ўтлоқи саз ва ўтлоқи аллювиал тупроқларни деярли 73% турли даражада шўрланган ёки шўрланишга учраган. Шўрланган тупроқларни вужудга келиши жойни рельефига, геоморфологик ва гидрогеологик, литологик тузилишига, тупроқ-иқлимий шароитларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, тупроқларда туз ҳосил бўлиши жараёнлари ва геокимёвий бирикмаларнинг тўпланиши қадимдан давом этиб, мураккаб жараёнларни ҳосиласи ҳисобланиб, узоқ геологик даврлардан буён шаклланиб келган [10]. Тадқиқот ҳудуди автоморф ва гидроморф тупроқларида сувда осон эрувчи тузларни тўпланиши муайян шарт-шароитларда, литологик-геологик даврларда бир неча босқичларда кечган. Тоғлардан бошланган ер ости сизот сувлари, водийни марказий қисми томон ҳаракатланганда, текисликдаги ғарбга томон оқимга эга бўлган сизот сувлари билан учрашади ва кучли босим вужудга келтиради. Кучли босим остида бўлган сизот сувлар юқорига капиляр томирлар орқали доимий буғланишларда бўлади. Натижада тупроқдан буғланган сувларни таркибидаги минерал тузлар, тупроқни қуйи, ўрта ва юқори қатламларида тупроқга бирикиб шўрланишларни вужудга келтиради. Иқлимни қуруқланиб бориши, буғланишларни кучайиб бориши йиллар давомида турлича кечган, оқибатда тузларни тўпланиши узлуксиз давом этган.

Сўх ёйилмасининг ўзига хос регионал хусусияти шундаки, водийнинг жанубий қисми томон ернинг тектоник ва денудацион ҳаракатлари натижасида, ёйилмани жанубий қисми кўтарилган Сариқўрғон қишлоғида 800-1000 м бўлса, Сирдарё яқинида 300-330 м баландликни ташкил этади ва бундай ҳолатда

тоғлардан келаётган сизот сувлар унинг юқори қисмларида 20-40 м чуқурликгача, ўрта қисмларида 3-4 м ва қадимги аллювиал текисликларда 1,5-2,0 м атрофида жойлашганлиги қайд этилди. Ёйилманинг литологик, гипсометрик, гидрогеологик ва геоморфологик жойлашувларига кўра, ҳудуд тупроқ қопламлари ҳамда уларда шўрланишлар шаклланишлари кузатилади. Сизот сувларининг ёйилма бўйлаб оқими рельеф тузилишига, тупроқ қатламлари остидаги турли барьерларга ҳамда тупроқнинг механик таркибига боғлиқ бўлиб, бу тупроқларни шўрланишига ҳам олиб келувчи омиллардан ҳисобланади. Ёйилманинг чекка қисмларига борган сари сизот сувлар ёйилмалараро пастқам, (Олтириқсой-Сўх; Сўх-Исфайрамсой) чўкмаларда учрашади, тўпланади, натижада босим остида бўлган сизот сувлари юқорига ҳаракат қилади. Иқлимнинг қуруқлиги эса буғланишларни кучайтириб шўрланишларни вужудга келтириши билан ажралиб туради [11; 12; 13]. Сўх ёйилмасига паралел жойлашган, Олтириқсой ва Исфайрамсойларнинг пастқам чўкмалари деярли оғир механик таркиблардан ташкил топган грунтлардан иборат бўлиб, сизот сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги билан тавсифланади. Бу ҳудудларни регионал хусусиятларидан яна бири, сизот сувларини ҳаракати ва сувда осон эрувчи тузларни тўпланиши жараёнларида, сизот сувлари учун дренаж вазифасини бажаришда асосий ролни бажариб, умуман олганда ҳудуд грунтини литологик тузилиши хос мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади [14].

Тадқиқотларда ўрганилган Сўх ёйилмаси суғориладиган тупроқлари унинг юқори, ўрта ва қуйи қисмларида ривожланган кольматажланган, ўтлоқи саз ва ўтлоқи аллювиал тупроқлардан ташкил топиб, шўрланмаган, кучсиз шўрланган, ўртача ва кучли шўрланган тупроқлар қайд этилган. Шўрланмаган тупроқлар 16,73% ни, кучсиз шўрланган тупроқлар 41,37% ни, ўртача шўрланган тупроқлар 12,47% ни ва кучли шўрланган тупроқлар 19,25%, бошқа ерлар 10,21% ташкил этади. Шўрланмаган тупроқларда қуруқ қолдиқ миқдори 0,120% дан 0,295% гачани, хлор иони миқдори 0,014-0,017% кўрсаткичларни ташкил этади. Кучсиз шўрланган тупроқларда қуруқ қолдиқ миқдори 0,135% дан 0,945% гачани, хлор иони миқдори 0,014-0,017% кўрсаткичларни ташкил этади. Ўртача шўрланган тупроқларда қуруқ қолдиқ миқдори 1,050% дан 1,850% гачани, хлор иони миқдори 0,119-0,017% кўрсаткичларни

ТУПРОҚ МЕЛИОРАЦИЯСИ

ташкил этади. Кучли шўрланган тупроқларда куруқ қолдиқ миқдори 1,305% дан 3,100% гачани, хлор иони миқдори 0,126-0,248% кўрсаткичлар қайд этилган.

Суғориладиган кольматажланган тупроқларнинг 0-1 метрлик қатламидаги сувда осон эрувчан

тузларни умумий захираси гектарига 16,96-17,93 т/га ни, суғориладиган ўтлоқи саз тупроқ(кучсиз шўрланган)ларда 42,3 т/га дан кучли шўрланганларда 162,9 т/га гачани, суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда 55,9 т/га дан 215,3 т/га оралиғида тебраниб туради (1-жадвал).

1-жадвал

Сўх ёйилмаси суғориладиган тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва захиралари

Кесма №	Чуқурлик, см	Қатлам қалинлиги, см	Ўртача ҳажм оғирлиги, т/га ³	Қуруқ қолдиқ, (%)	Тузлар захираси, т/га	Кесма №	Чуқурлик, см	Қатлам қалинлиги, см	Ўртача ҳажм оғирлиги, т/га ³	Қуруқ қолдиқ, (%)	Тузлар захираси, т/га
Суғориладиган қолматажланган тупроқлар											
32	0-28	28	1,40	0,135	5,29	28	0-28	32	1,40	0,105	5,37
	28-43	15		0,130	2,73		28-49	18		0,115	3,27
	43-76	33		0,110	5,08		49-90	28		0,125	5,29
	76-100	24		0,115	3,86		90-140	22		0,170	4,00
	0-100	100		0,120	16,96		0-100	100		0,128	17,93
Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар											
17Б	0-32	32	1,40	1,305	58,4	2020	0-27	27	1,40	0,295	11,1
	32-48	16		1,255	28,1		27-49	22		0,255	7,8
	48-82	34		1,015	48,3		49-79	30		0,375	15,7
	82-100	18		1,095	27,5		79-100	21		0,280	8,23
	0-100	100		1,163	162,9		0-100	100		0,305	42,83
1804	0-33	33	1,40	0,360	16,6	740	0-27	27	1,40	1,850	69,9
	33-53	20		0,270	7,5		27-51	24		1,550	52,8
	53-90	47		0,220	14,4		51-69	18		1,125	28,3
	90-100	10		0,275	3,8		69-98	29		0,930	37,7
	0-100	100		0,302	42,3		0-100	100		1,347	188,7
Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар											
14	0-33	33	1,40	1,118	51,6	16	0-25	25	1,40	0,770	26,9
	33-54	29		1,020	41,4		25-57	32		0,640	28,6
	54-87	33		0,815	37,6		57-72	15		0,585	12,2
	87-100	13		0,670	12,1		72-100	28		0,350	13,7
	0-100	100		1,019	142,7		0-100	100		0,581	81,4
1690	0-32	32	1,40	0,520	23,2	97	0-32	32	1,40	1,220	54,6
	32-50	18		0,255	6,4		32-70	38		0,965	51,3
	50-71	21		0,450	13,2		70-110	30		1,395	58,5
	71-100	29		0,325	13,1		110-136	26		1,400	50,9
	0-100	100		0,399	55,9		0-100	100		1,537	215,3

Тупроқ мелиоратив ҳолатини ва шўрланиш даражаларни, тузлар захирасини миқдорий кўрсаткичлари билан баҳолаш, тупроқларни 0-1 метрлик қатламдаги тузлар миқдори ва захирасини тебраниш кўрсаткичлари, мавжуд тузлар захираси бўйича шўр ювиш нормалари ва муддатларини белгилаш имкониятини яратади.

Тупроқларнинг сингдириш сиғими (сингдириш комплекси), уларнинг механик ва минералогик таркиби, гумусланганлик даражаси ва бир қатор сув-физикавий хоссалари билан белгиланиб, суғориладиган


тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилияти ва маҳсулдорлиги кўп жиҳатдан унинг сингдириш сиғими ва сингдирилган асослар (катионлар) таркибига боғлиқ.

Тупроқлар сингдириш комплексидаги алмашинувчи таркибига Ca^+ , Mg^{++} , K^+ , Na^+ киради. Ўзбекистон шароитида тарқалган тупроқларда Ca^+ ва Mg^{++} етакчи ўринларни эгаллаб, қолган катионлар кам миқдорда учрайди, улар 100 г. тупроқдаги мг-экв. миқдорий кўрсатилганларда ифодаланади (1-расм). В.Ю.Исоқов ва У.Б.Мирзаевлар маълумотларига кўра, «сингдириш мажмуида магнийни кўп бўлиши тупроқлар шўрланиши

ва тузлар таркибида магнийни кўплиги билан изоҳланади. Магнийнинг тупроқдаги тузлар таркибида ҳам, минераллашган сизот сувларида ҳам, ер усти сувларида ҳам кўп бўлиши, унинг сингдириш сифимига кўп миқдорда киришига сабаб бўлган» [43; 170-174 б]. Тупроқнинг сингдириш комплексидан натрий миқдорининг 5% дан ошиб кетиши, унинг кимёвий ва сув-физикавий хоссаларига салбий таъсир кўрсатиб, тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Сингдириш

комплексида натрийнинг мавжудлиги тупроқда ишқорий муҳитни содир этади ва тупроқ эритмасида ўсимликлар учун ҳавфли ҳисобланган NaOH ва сода (Na_2CO_3) тузларини ҳосил бўлишига олиб келади [15].

Сўх дарёси ёйилмаси ўрта қисмларида тарқалган суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларда шўрланмаган (ювилган), кучсиз, ўртача ва айрим ҳолатларда кучли шўрланган тупроқлар учрайди [16].



1-расм. Суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларни 0-1 метрлик қатламдаги тузлар миқдори ва захираси, т/га ҳисобида

Бу ҳолат жойнинг литологик-геоморфологик, тупроқ-иқлимий ва рельеф шароитлари билан боғланади ҳамда ўтказилаётган агротехник тадбирларни сифатига ҳам узвий боғлиқлиги кузатилади. Хусусан ҳозирги вақтда ёйилманинг юқори қисми геоморфологик районида шаклланган, суғориладиган кольматажланган тупроқлар баъзан кучсиз даражада шўрланганлиги қайд этилди. Ҳудуд суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларни деярли барчаси турли даражада шўрланишга учраган бўлиб, уларни (туз) тўпланиши асосан баҳор, ёз ва куз ойларида тупроқлар транспирация (буғланишлар) жараёнлари ортган фаслларда кучаяди ҳамда шўрланишлар вужудга келган. Ушбу ҳудудларда қиш ва эрта баҳорда

тупрокдаги тузлар (NaCl , Na_2SO_4)ни эриши ва юқоридан қуйиға ҳаракатланаётган сувлар билан сизот сувларигача етиб бориб уларни минераллашганлигини оширади [17;18].

Хулоса. Сизот сувлари таркибида эритмасида сульфат ионлари миқдорини ортиши билан уларни минераллашганлик даражасини ҳам ортиб бориши ва сульфат типиди шўрланишини келтириб чиқарганлиги аниқланган.

Сўх дарёси ёйилмаси суғориладиган тупроқларини шўрланганлик даражаси ва типи, тузларнинг умумий захираси 0-100 см. қатламда қолмаж тупроқларда ўртача 16-17 т/га, ўтлоқи сазларда 62-188 т/га ўтлоқи аллювиалларда 56-215 т/га миқдорда тўпланганлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.google.com/search?q=%D0%94%>.
2. <https://www.fao.org/newsroom/detail/agriculture-soils-degradation-FAO-GFFA-2022/ar>
3. Қўзиёв Р, Абдурахмонов Н, Омонов А, Исмонов А, Менглиқулов Э. 2013. Давлат ер кадастрини юритиш учун

- тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома // Идораъий меъёрий ҳужжат, –Тошкент, – 48 б.
- 4.Суғориладиган ерларда тупроқ агрохимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш ҳамда минерал ўғитларга бўлган илмий талабни ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмалар // 2019. – Тошкент, 36 б.
- 5.Аринушкина Е.В. 1975. Руководство по химическому анализу почв // – Москва, – С. 491
- 6.Панков М.А. 1957. Ёза. II-том. – Тошкент, 183-284 б.
- 7.Мақсудов А. 1993. Почвы Центральной Ферганы и их изменение в связи с орошением. Автореф. Док.дисс. биол. наук. –Ташкент, – С. 40.
- 8.Исоқов В.Ю. 2003. Закономерности галогеохимии почв Ферганской долины. Сб. науч. тр. Кыргызско-узбекского университета. Вып.3. Ош., – С. 206-210
- 9.Юлдашев Г.,Исағалиев М. 2012. Геохимия почв конусов выноса. // – Ташкент, 160 с.
- 10.Исмонов А.Ж., Қаландаров Н.Н., Мамажонова Ў.Х.2011. Фарғона водийси тупроқ қопламлари // ЎзМУ хабарлари, – Тошкент: № 1/1, – 148-151 б.
- 11.Муаллифлар жамоаси. Монография, 2017. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги // –Тошкент, – 328 б.
- 12.Ismonov A.J, Abdurakhmonov N.Y, Kalandarov N.N, Tursunov Sh.T, Mamajanova O.X., Sobitov U.T. 2020.Soil-meliorative state of irrigated soils of the intermountain basins of central Asia (On the example of the Fergana region of the Fergana valley).International Journal of Botany Studies. ISSN: 2455-541X; Impact Factor: RJIF 5.12 .Received: 17-11-2020; Accepted: 26-11-2020; Published: 12-12-2020. Volume 5; Issue 6; 2020; Page No. 781-788. –INDIA. www.botanyjournals.com
- 13.A. Ismonov., U.Mamajanova., N.Kalandarov. 2017. Optimization of irrigated soils of Fergana valley by introducing innovative agro-technologies // Proceedings of the 111 Tashkent international innovation forum. TIIF-2017 From Innovative Ideas to Innovative Economy. Tashkent – 2017. Ilmiy texnika axboroti – press nashriyoti, – p. 224-231.
- 14.Қаландаров Н.Н. 2019. Марказий Фарғона шимолий қисми гидроморф тупроқларининг ҳолати ва уларнинг антропоген омил таъсирида ўзгариши. Биология фанлари бўйича фалсафа. док.дисс. Автореферати. – Тошкент, – 20 б.
- 15.Сотболдиева Г.Т. 2019. Фарғона вилояти қолматалланган тупроқларининг биогеохимёвий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш. Биология фанлари бўйича фалсафа. док. дисс. автореф. – Тошкент, –20 б.
- 16.Мамажонова Ў.Х.2020. Орошаемы почвы Сохского конуса выноса Ферганской долины // Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума. Наука и инновационные современные концепция. – Москва, –С.128-134
- 17.Мамажонова Ў.Х., Исмонов А.Ж.2021. Жанубий Фарғона суғориладиган тупроқларининг сингдириш сифими ва сингдирилган асослар таркиби //Тупроқ унмдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлари мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. – Бухоро, – Б. 80-81
- 18.Mamajanova U.Kh.2023. Irrigated hydromorphic soil of the sokh fine of the Fergana valley // Proceedings of International Educators Conference Hosted online from Rome, – Italy. Date:25th January, 2023. ISSN: 2835-396X. website: econferenceeies.com

УЎТ: 631.582:633.11:633.51:635.655:631.431.1.

АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ ҒАЛЛА:ЎЗА ТИЗИМИДА ТАКРОРИЙ ЭКИН СОЯ ҲАМДА ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР ПАРВАРИШЛАШНИ ТУПРОҚНИНГ ҲАЖМ МАССАСИ ВА ҒОВАКЛИГИГА ТАЪСИРИ

Бозоров Холмурод Махмудович,
қ.х.ф.д., катта илмий ходим,
e-mail: bozorovholmurod78@gmail.com

Халиков Баҳодир Мейликович,
қ.х.ф.д., профессор,
e-mail: xolikovbahodirm1968@gmail.com

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада кузги буғдойдан сўнг такрорий экин соя ва ундан сўнг оралиқ экин сифатида эспарцет ва клевер экинларидан фойдаланишни тупроқнинг ҳажм

массаси ва ғоваклигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Калит сўзлар: алмашлаб экиш, кузги буғдой, ғўза, такрорий экин, оралиқ экин, эспарцет, клевер, тупроқ, ҳажм масса, ғоваклик.

Аннотация. В данной статье описаны результаты исследования по влиянию на объемную массу и порозность почвы при использовании повторной культуры сои и в качестве промежуточной культуры эспарцет и клевера после озимой пшеницы.

Ключевые слова: севооборот, озимая пшеница, хлопчатник, повторная культура, промежуточная культура, эспарцет, клевер, почвы, объемная масса, порозность.

Annotation. This article describes the results of a study of the effect on the bulk density and porosity of the soil of using summer crop soybean and sainfoin and clover as an intermediate crop after winter wheat harvest.

Key words: crop rotation, winter wheat, cotton, summer crop, intermediate crop, sainfoin, clover, soil, bulk density, porosity.

Кириш. Тупроқнинг агрофизикавий хоссаларидан ҳажм массаси, яъни зичлиги ва ғоваклиги унинг унумдорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

Тупроқнинг зичлиги табиий ҳолатда шаклланган тупроқ қатлами ҳажмининг оғирлигини билдиради. У тупроқ заррачаларининг бир-бирига нисбатан жойлашишини, уларнинг катта-кичиклиги ва зичлигини изохлайди. Тупроқ қатламининг зичлиги унинг механик ва минералогик таркибига, дондорлигига ва органик моддалар миқдорига боғлиқ [1].

Тупроқнинг унумдорлик даражасини белгилайдиган муҳим кўрсаткичларидан бири унинг агрофизикавий хусусияти ҳисобланади. Мақбул алмашлаб экиш натижасида тупроқнинг ана шу агрофизикавий хусусияти доимо яхшиланиб боради. Экинлар ҳар қандай формада алмашлаб экилганида ҳам тупроқнинг агрокимёвий ҳамда агрофизикавий хусусиятлари тубдан яхшиланади [2].

Академик М.В.Муҳаммаджанов [3] суғориладиган ерларнинг унумдорлигини тубдан яхшилашнинг янги системада пахта ва бошқа экинларнинг нормал ўсиши учун тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,20-1,30 г/см³ бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Б.М.Халиков, Ф.Б.Намозов [4] ларнинг тадқиқотларида тупроқ ҳажм массаси кузги буғдой ва ундан кейин такрорий экин ҳамда оралиқ экинларни 1:1, 1:2 алмашлаб экиш тизимларида экилиши мақбуллаштирилиб, аксариат ҳолларда камайиши (0,01-0,02 г/см³ га) кузатилган.

Н.Бахромова, Ш.Хазратқуловларнинг [5] тадқиқотларида, ғўза-ғалла қисқа навбатлаб экишнинг 1-йил кузги буғдой+ такрорий экин маккажўхори + оралиқ экин

перко:ғўза; 2-йил кузги буғдой+ такрорий экин маккажўхори + оралиқ экин перко:ғўза тизими ҳамда худди шу тартибда бошқа вариантда оралиқ экин сифатида жавдар парваришланиб, сидератга ҳайдалганда тупроқнинг ғоваклиги дастлабки кўрсаткичдан 1,5-1,9%, ғўза+ғўза экилган назорат вариантга нисбатан эса 3,5-3,9%, кузги буғдой+кузги буғдой экилганда эса 2,2-2,6 %га ортганлиги аниқланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тупроқ унумдорлигини, хусусан тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклигини яхшилаш борасида турли йўналишда изланишлар олиб борилган ҳамда хулосалар қилинган. Бироқ, бугунги кунда алмашлаб экиш тизимларида янги йўналишларда илмий изланишларни давом эттириш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Шундай йўналишлардан бири алмашлаб экишнинг ғўза-ғалла (1:1) тизимида 2019-2022 йилларда Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида парваришланган соя ҳамда ундан сўнг оралиқ экин сифатида эспарцет ва қизил себарга (клевер) экинларини алоҳида ҳамда аралаш ҳолда парваришлашни тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, жумладан тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклигига таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибалар олиб борилди.

Дала тажрибалари замон ва маконда олиб борилди. Тизимга мувофиқ кузги буғдойдан сўнг умумий фонда такрорий экин сифатида соя парваришланиб, ундан сўнг эспарцет ва қизил себарга (клевер) алоҳида ҳамда бирга экилди. Баҳорда ушбу экинлар 15-20 см қолдириб ўриб олинди ва ўрилмасдан тупроққа ҳайдаб юборилган

вариантларда ўрганилди.

Тадқиқотлар ПСУЕАИТИнинг Жиззах илмий тажриба станцияси ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилди. Тажриба даласи тупроғи асосан ўтлоқи бўз тупроқ бўлиб, сизот сувлари жойлашувига кўра ярим гидроморф тупроқларга мансуб, механик таркиби жиҳатидан енгил қумоқ. Тажриба 13 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариант 76 м²ни ташкил этиб, уч такрорланишда жойлаштирилган. Тажриба даласи (0-30 см қатлами) тупроғи гумус билан кам, азот ва фосфор билан жуда кам ва калий билан юқори даражада таъминланган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» [6], «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» [7] каби услубий қўлланмалар асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Таъкидлаш лозимки, тажрибалар ҳар йили янги далада олиб борилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси вариантлар орасида бир биридан фарқ қилган ҳолда, йиллар бўйича бир-бирига яқин бўлди. Олинган маълумотларни 2022 йил мисолида таҳлил қиламиз.

Олиб борилган тадқиқотларга қараганда дуккакли экин сояни такрорий муддатларда парваришлаб, ундан сўнг оралиқ экинларни парваришлаш ва сидерат сифатида фойдаланиш тупроқнинг ҳажм массаси ҳамда ғоваклигига ижобий таъсир этганлиги аниқланди. Такрорий экин экилган ва экилмасдан қора шудгорга қолдирилган вариантлардан сўнг оралиқ экинлар парваришлашнинг тупроқ ҳажм массасига таъсири бўйича олинган маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

Дастлаб кузги буғдой ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг тупроқ ҳажм массаси умумий фонда ўрганилганда тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,314 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, ҳайдов ости 30-50 см қатламида 1,366 г/см³ га тенг бўлганлиги аниқланди.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя экилган ва такрорий экин экилмаган вариантларда такрорий экин соянинг амал даври охирида тупроқ ҳажм массаси ўрганилганда такрорий экин экилмаган вариантларда ўртача тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,262 г/см³ ни, такрорий экин соя экилган вариантларда эса 1,274 г/см³ ни ташкил этди.

Демак, такрорий экин экилиши

натижасида турли агротехник тадбирлар ўтказилиши натижасида такрорий экин экилмаганга нисбатан ҳажм массани ортишига сабаб бўлган. Такрорий экин экилмасдан шудгор қилиб қолдириш эса тупроқда ҳеч қандай физиологик, агротехник омиллар таъсир этмайди ва тупроқ ҳажм массаси ўзгариши сезиларли бўлмайди.

Оралиқ экинлар 15-20 см қолдириб ўриб олинган ва ўрилмасдан ҳайдаб юборилган вариантларда сўнг ғўза амал даври охирида оралиқ экинлардан фойдаланиш турларининг тупроқ ҳажм массасига таъсири ўрганилди. Унга кўра, тупроқнинг 0-30 см қатламида 15-20 см қолдириб ўриб олинганга нисбатан ўрилмасдан ҳайдаб юборилган вариантларда такрорий экин экилган ва экилмаган вариантлардан сўнг парваришланган оралиқ экин турларига боғлиқ ҳолда 0,004-0,009 г/см³ гача яхшилангани аниқланди.

Оралиқ экин сифатида экилган эспарцет ва клевер (қизил себарга) экинларини алоҳида ва аралаш ҳолда парваришлангандан сўнг ғўза парваришланган вариантларда ғўза амал даври охирига бориб турлича натижалар қайд этилди.

Кузги буғдой анғизини қора шудгорга қолдириб, сўнг эспарцет экини парваришланиб 15-20 см қолдириб ўрилгандан сўнг ҳайдалган 2-вариантда тупроқ ҳажм массаси ҳайдов қатламида 1,326 г/см³ ни ташкил қилган бўлса, оралиқ экин ўрилмасдан ҳайдалган вариантда ғўза амал даври охирига бориб тупроқнинг ҳайдов қатламида 1,317 г/см³ га тенг бўлди. Такрорий экин соядан сўнг худди шу экин фонида 15-20 см қолдириб ўрилган ва ўрилмасдан ҳайдалган вариантларда тегишлича 1,295; 1,244 г/см³ га тенг бўлганлиги, такрорий экин экилмасдан қора шудгорга нисбатан таққослаганда эса паралел вариантларда 0,031-0,033 г/см³ га камайганлиги аниқланди.

Энг юқори натижа такрорий экин сифатида экилган соядан сўнг клевер (қизил себарга) парваришланиб ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда қайд этилиб, тегишлича, 1,280 г/см³ га тенг бўлганлиги аниқланди. Кузги буғдойдан сўнг ҳеч қандай такрорий ва оралиқ экин экилмаган назорат вариантга нисбатан таққослаганда 0,055 г/см³ га камроқ бўлганлиги кузатилди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам шунга яқин маълумотлар олинди. Мавсум бошига нисбатан эса тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,034 г/см³ га камроқ зичлашганлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида оралиқ

экин клевер (қизил себарга)ни илдиз-анғиз қолдиқлари билан бирга кўк массаси тўлиқ ўрилмасдан ҳайдалганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда ушбу экинни такрорий экин соядан сўнг 15-20 см қолдириб ҳайдалган вариантда олинган маълумотлар таҳлил қилинганда кўрсаткичлар тупроқ қатламларига тегишлича 1,287; 1,337 г/см³ гани ташкил этиб, ўрилмасдан ҳайдалганга нисбатан 0,007 г/см³ га кўпроқ, мавсум бошига нисбатан эса 0,027-0,029 г/см³ га тупроқ ҳажм массаси камайганлиги аниқланди.

Эспарцет экини ҳам такрорий экин сифатида экилган соядан сўнг оралик экин сифатида 15-20 см қолдириб ҳайдалган ва ўрилмасдан ҳайдаб юборилган вариантларда ғўза амал даври охирида такрорий экин экилмаганга нисбатан 0,031-0,033 г/см³ га, назорат вариантга нисбатан эса 0,040-0,046 г/см³ га тупроқ зичлиги камайганлиги аниқланди. Таъкидлаш лозимки, эспарцет экини кўк масса ҳосили клевер (қизил себарга) экинига нисбатан сезиларли даражада кам бўлмайди. Бироқ, пояси дағал, илдизи асосан ўқ илдиздан иборат бўлиб, ён илдизлари клевер (қизил себарга) экинига нисбатан кучсизроқ бўлиши кузатилади. Шу боис кўрсаткичлар нисбатан камроқ бўлиши мумкин.

Демак, кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида соя парваришланиши бир

йилда икки марта дон ҳосили (кузги бугдой билан бирга) етиштириш имконини беради. Шунингдек, ерни йил давомида ўсимлик қоплами билан қопланиши, натижада маълум миқдорда органик қолдиқлари (илдиз-анғиз, поя, барг, дуккак) билан бойитиб тупроқ ҳажм массаси ортишини олидини олишга хизмат қилади.

Такрорий экин сифатида экилган соядан сўнг оралик экинлар эспарцет ва клевер бирга аралаш ҳолда парваришланганда ҳам такрорий экин экилмаган вариантга нисбатан яхшироқ кўрсаткичлар қайд этилганлиги юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Унга кўра, такрорий экин сифатида экилган соядан сўнг эспарцет ва клевер бирга аралаш ҳолда оралик экин сифатида парваришланиб, ўрилмасдан ҳайдалган 13-вариантда тупроқнинг 0-30 см қатламида ҳажм массаси 1,281 г/см³ га тенг бўлиб, шу тупроқ қатламида 15-20 см қолдириб ўриб олиниб ҳайдалган 12-вариантга нисбатан 0,003 г/см³ га камроқ зичлашганлиги, мавсум бошига нисбатан эса 0,033 г/см³ га яхшиланганлиги кузатилди. Умуман олганда, ушбу вариантлар такрорий экин экилмасдан қора шудгор сифатида қолдирилган фонда параллел равишда тадқиқ қилинган вариантларга нисбатан камроқ (0,012-0,010 г/см³ га) зичлашганлиги аниқланди.

1-жадвал

Кузги бугдой, такрорий экин соя ва оралик экинларнинг тупроқнинг ҳажм массасига таъсири, г/см³

№	Навбатлаб экиш тизимлари	Оралик экинлардан фойдаланиш тури	Кузги бугдойдан сўнг (2021 й, ёз)		Такрорий экин соядан сўнг (2021 й куз)		Ғўза амал даври охирида (2022 й)	
			Тупроқ қатлами, см					
			0-30	30-50	0-30	30-50	0-30	30-50
1	1:1. Кузги бугдой+қора шудгор:ғўза		1,314	1,366	1,262	1,326	1,335	1,366
2	1:1. Кузги бугдой+ қора шудгор+оралик экин (эспарцет)	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,262	1,326	1,326	1,348
3	:ғўза	Ўрилмасдан ҳайдалади					1,317	1,342
4	1:1. Кузги бугдой+такрорий экин соя+оралик экин (эспарцет):ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,274	1,333	1,295	1,336
5		Ўрилмасдан ҳайдалади					1,284	1,333
6	1:1. Кузги бугдой+ қора шудгор+оралик экин (клевер)	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,262	1,326	1,320	1,342
7	:ғўза	Ўрилмасдан ҳайдалади					1,313	1,335
8	1:1. Кузги бугдой+ такрорий экин соя+оралик экин (клевер) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,274	1,333	1,287	1,337
9		Ўрилмасдан ҳайдалади					1,280	1,330
10	1:1. Кузги бугдой+ қора шудгор+оралик экин	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,262	1,326	1,296	1,336
11	(Эспарцет+клевер) :ғўза	Ўрилмасдан ҳайдалади					1,291	1,332
12	1:1. Кузги бугдой+ такрорий экин соя+оралик экин	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	1,314	1,366	1,274	1,333	1,284	1,338
13	(Эспарцет+клевер) :ғўза	Ўрилмасдан ҳайдалади					1,279	1,331

Тупроқнинг ҳажм массаси билан бирга унинг ғоваклиги ҳам ўрганилди. Маълумки, тупроқ ҳажм массасининг ортиши билан тупроқда ғоваклик камаяди. Бунга асосий сабаблардан бири тупроқ қатламларида ғоваклик тупроқ заррачалари ва эритмаси ҳисобига бўлади ҳамда зичлигининг ортишига сабаб бўлади. Тупроқ ғоваклиги ўз навбатида тупроқ ҳажм массаси билан боғлиқ бўлиб, ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади ва фойдаларида ифодаланади. Шундай экан,

тупроқ ғоваклиги ҳам мақбул вариантларда юқори бўлганлиги кузатилди.

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, кузги буғдойдан сўнг такрорий экин соя ва ундан сўнг оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) ни алоҳида ёки эспарцет экини билан аралаш ҳолда парваришлаб, уни 15-20 см қолдириб ўриб олиш ёки ўрмасдан ҳайдаб юбориш тупроқ ҳажм массасини муайян даражада ортишининг олдини олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рамазонов О., Юсупбеков О. Тупроқшунослик ва деҳқончилик. Олий ўқув юртлари учун дарслик. «Шарқ» нашриёти –матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, – Тошкент, 2003. – Б. 51.
2. Халиков Б.М., Негматова С.Т. Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида оралиқ экинларнинг аҳамияти. Монография. «Наврўз» нашриёти. – Тошкент 2020. – 168 б.
3. Муҳаммаджанов М.В., Зокиров А.З. Ёўза агротехникаси. –Т.: Мехнат, 2000. – 179 б.
4. Халиков Б.М., Намозов Ф.Б. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Монография. «Ноширлик ёғдуси» нашриёти. – Тошкент, 2016. – Б. 73-75.
5. Бахромова Н., Хазратқулова Ш. Ёўза-ғалла алмашлаб экиш тизимида такрорий экин маккажўхори ва оралиқ экинларнинг тупроқ ғоваклигига таъсири. // Ж: Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. –Тошкент, – №5 2021. – Б. 25-26.
6. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. – Ташкент, 1963. – С. 265–341.
7. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент, ЎзПТИ 2007.– 148 б.

SURXONDARYO VILOYATI DENOV TUMANI TUPROQLARINING SIFAT INDIKATORLARI TAVSIFI

Mirxaydarova Gulmira Sultanovna,*

dotsent., b.f.n.

Ruzmetov Maqsud Ismoilovich,**

ilm-fan va ilmiy faoliyat bo'yicha maslahatchi, k.i.x., b.f.d.,

Baxodirov Zafar Abduvalievich,**

bo'lim mudiri, k.i.x., b.f.f.d

*Тошкент Давлат аграр университети

**Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Annotatsiya. Maqolada O'zbekiston Respublikasining Surxondaryo viloyatining Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlarining ekologik holati bayon qilingan. Xususan, tuproqlarning xossaxususiyatlari: mexanik tarkibi, agrokimyoviy xossalari, gumus va oziqa elementlarining yalpi va xarakatchan shakllari bilan ta'minlanganlik holati berilgan. Shuningdek, og'ir metallar bilan ifloslanish holati yoritilgan bo'lib, tuproqning yuqori qatlamlarida ruxsat etilgan me'yorlaridan ortib borishi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: tuproq, mexanik tarkib, gumus, xarakatchan fosfor, almashinuvchan kaliy, og'ir metallar, element, ruxsat etilgan me'yor.

Annotatsiya. В статье описано экологическое состояние почв Охунбобоевского массива Деновского района Сурхандарьинской области Республики Узбекистан. В частности, приведены свойства почв: механический состав, агрохимические свойства, валовые и подвижные формы гумуса и элементы питания. Также освещена ситуация загрязнения тяжелыми металлами и показано, что оно превышает допустимые нормы в верхних слоях почвы.

Ключевые слова: почва, механический состав, гумус, подвижный фосфор, обменный калий, тяжелые металлы, элемент, допустимая норма.

Annotation. The article describes the ecological condition of the soils of the Okhunboboev massif, Denov district, Surkhondarya region of the Republic of Uzbekistan. In particular, the properties of soils: mechanical composition, agrochemical properties, gross and mobile forms of humus and nutrients are given. Also, the situation of pollution with heavy metals is highlighted, and it is shown that it exceeds the permissible standards in the upper layers of the soil.

Key words: soil, mechanical composition, humus, mobile phosphorus, exchangeable potassium, heavy metals, element, allowable rate.

Mavzuning dolzarbligi. Oziq-ovqat ishlab chiqarishni va eksport geografiyasini kengaytirish, oziq-ovqat ratsioni ozuqa qiymatini oshirish, insonlar salomatligini muhofaza qilish, atrof-muhit ifloslanishi va iqlim o'zgarishi ta'sirini yumshatishda tuproq sog'lomligi muhim ahamiyatga ega.

Ekspertlar fikriga ko'ra, insonlar salomatligini ta'minlashda 90 foiz iste'mol qilinayotgan oziq-ovqat mahsulotlariga va 10 foiz sog'liqni saqlash tizimiga bog'liq ekan. O'simliklar, hayvonlar va odamlarning biologik jarayonlar ishlashi uchun ko'plab temir, mis,

sink, molibden kabi og'ir metallar va ma'lum miqdorda mikroelementlar zarur. Boshqa bir tomondan, og'ir metallar va ularning birikmalari inson organizmida, to'qimalarda to'planib zararli ta'sir ko'rsatishi, bir qator kasalliklarni keltirib chiqarishi mumkin.

Bugungi kunda, milliy, hatto hududlar kesimida tuproq bioxilma-xilligi va sog'lomligi holati to'g'risidagi batafsil ma'lumotlarning yetishmasligi respublikamizda atrof-muhit muhofazasini, insonlar salomatligini ta'minlash, organik (ekologik toza) va eksportbop mahsulotlar yetishtirish bo'yicha siyosiy va

amaliy chora-tadbirlarini to'g'ri belgilashga va ushbu yo'nalishda amalga oshirilayotgan tadbirlar natijadorligiga salbiy ta'sir ko'rsatib, katta miqdorda sarflanayotgan mablag'lar samaradoriligini pasaytirmoqda.

Shuning uchun ham tuproq sog'lomligi va bioxilma-xilligi holati natijasida yuzaga keladigan xavfni chuqur anglab yetish hamda ushbu yo'nalishdagi siyosiy va amaliy tadbirlarni to'g'ri belgilash uchun respublika miq'yosida tuproq sog'lomligini baholash ishlarini o'tkazish zarur. Busiz agrosanoat majmui, shu jumladan insonlar salomatligini ta'minlashga va tuproqdan oqilona foydalanishga xizmat qiladigan innovatsion texnologiyalarni joriy etish samaradorligiga erishishning imkoni yo'q.

Yuqoridagi holatlar, tuproq ekologik holatini baholash va tahlil qilish, zamonaviy GIS texnologiyalar asosida tuproq-ekologik xaritalarini tuzish, tuproqlar takbidagi zararli moddalar miqdorining qishloq xo'jaligi ekinlari rivojlanishi va mahsulotlar sifatiga ta'siri darajasini o'rganish, tuproq sog'lomligi darajasidan kelib chiqib, qishloq xo'jaligi ekinlarini to'g'ri tanlash va oqilona joylashtirish, organik (ekologik toza) mahsulotlar yetishtiriladigan hududlarni belgilashga doir amaliy tadqiqotlarni bajarish bugungi kunning dolzarb vazifalardan biri ekanligini ko'rsatadi.

Tadqiqot ob'ekti va uslublari. Surxondaryo viloyatining Denov tumani viloyatning Sho'rchi, Sariosiyo, Uzun, Oltinsoy tumanlari bilan

chegaradosh. Maydoni 0,75 ming km².

Tadqiqotlar dala va laboratoriya sharoitida olib borildi. Bunda «Metodi agrohimicheskix analizov pochv i rasteniy», «Metodi agrofizicheskix issledovaniy», «Dala tajribalarini o'tkazish uslublari» kabi uslubiy qo'llanmalar asosida olib borildi. Gumus Tyurin usulida, azot Keldal usulida, umumiy shakldagi fosfor Ginzburg usulida, kaliy Smitt usulida, harakatchan shakllardagi nitrat azoti ionoselektiv usulida, ammoniy azot Nessler reaktivi bilan, fosfor Machigin usulida, kaliy olovli fotometrik xromatografiya usulida, og'ir metallar atom-absorbsion usuli bilan AAS lampali apparatida aniqlangan.

Tadqiqot natijalari. Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi asosiy kesmasi tuproqlarining mexanik tarkibi.

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlari mexanik tarkibiga oid tahlillar 1-jadvalda va 22-tayanch kesma misolida keltirilgan. Jadval ma'lumotlaridan shuni ko'rish mumkinki, ushbu kesma tuproqlarining ustki haydalma (0-34 sm) qatlamlari o'rta qumoq mexanik tarkibdan iborat bo'lib, fizik loy zarrachalarining (<0,01 mm) 37% ni tashkil etadi. Ushbu kesma mexanik tarkibi keyingi qatlam – haydov osti qatlamida o'rta qumoq o'zgarib, fizik loy miqdori 32,9 ni tashkil etadi. Tuproqning uchunchi qatlami yengil mexanik tarkibdan tashkil topib, fizik loy miqdorlari 27,4 ekanligini ko'rishimiz mumkin.

1-jadval

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tayanch kesma tuproqlari mexanik tarkibi

Kesma №	Qatlam chuqurligi, sm	Tuproq zarrachalari miqdori% da, o'lchami mm da							fizik loy (<0,01 mm)	Mexanik tarkibi
		>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001		
22	0-34	18,8	4,7	16,8	22,7	16,9	11,9	8,2	37	O'rta qumoq
	34-52	16,4	4,1	24,7	21,9	11,2	13,2	8,5	32,9	O'rta qumoq
	52-69	20,8	5,2	25,4	21,2	10,9	13,6	2,9	27,4	Yengil qumoq

Gumus va oziqa moddalar. Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi hududidagi tayanch kesma haydalma qatlamidagi gumus miqdori 0,393% bo'lib, gumus bilan kam (0,5-1,0%) ta'minlangan guruhni tashkil etadi (2-jadval).

Haydov osti gorizontida gumus miqdori kamayib, 0,378% ko'rsatkichida qayd etiladi, pastki qatlamlarga qarab yanada kamayib

boradi. Keyingi qatlamlarda gumus miqdorlari 0,324 bo'lib, gumus bilan ta'minlanganlik holatiga ko'ra juda kam va kam ta'minlangan guruhlarga mansub.

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivida o'rganilgan tuproqlarning haydov qatlamidagi yalpi azot miqdori 0,028% bo'lib, tuproq kesmasi bo'ylab bir tekis

tarqalgan. Yalpi azotning eng ko'p miqdori 0,032%. Surxondaryo viloyati Oxunboboev massividan tanlangan hudud tuproqlari haydov qatlamidagi yalpi kaliy miqdori 0,41% bo'lib, bu ushbu tuproqlarda yalpi kaliy kam ekanligini ko'rsatadi. Yalpi kaliy turli qatlamlarda 0,33-0,27 oraliqda taqsimlangan. Oxunboboev massivi

tuproqlarining haydalma qatlamida umumiy fosfor miqdori ko'p emas (1,368%). Keyingi qatlamlarda umumiy kaliy miqdori kamayib borib, eng quyi qatlamda 1,104% ni tashkil etadi (2-jadval).

2-jadval

**Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlari
agrokimyoviy xossalari**

Kesma №	Chuqurligi, sm	Gumus, %	K ₂ O mg/kg	R ₂ O ₅ mg/kg	Azot, %	Fosfor, %	Kaliy, %
22	0-34	0,393	180	49,6	0,028	1,368	0,41
	34-52	0,378	72	10,24	0,028	1,224	0,33
	52-69	0,324	79	11,2	0,032	1,104	0,27

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlari haydalma qatlami harakatchan fosfor bilan juda ko'p ta'minlangan guruhni tashkil etadi. Bu tuproqlarning haydov qatlamidagi harakatchan fosforning miqdori 49,6 mg/kg ni tashkil etadi. Keyingi qatlamlarda xarakatchan fosfor miqdori kamayib borib, 10,24-11,2 oraliqda uchraydi. Ushbu qatlamlar xarakatchan fosfor bilan o'rta va kam hamda juda kam ta'minlangan guruhlarni tashkil etadi (2- jadval).

Bu tuproqlar o'simliklar o'zlashtira oladigan kaliy miqdoriga ko'ra juda kam (0-100 mg/kg) va kam (100-200 mg/kg) ta'minlangan guruhlarni tashkil etadi. Ushbu tuproqlar haydalma qatlamida almashinuvchan kaliy miqdori 180 mg/kg ni tashkil etib keyingi qatlamlarga pasayib boradi. Eng quyi qatlamda almashinuvchan kaliy

miqdori 79 mg/kg ni tashkil etadi (2-jadval).

Tuproq sho'rlanishi. Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tayanch kesmasi tuproqlari tahliliga ko'ra kam sho'rlangan tiplardan iborat bo'lib, tuproq profilidagi suvda oson eruvchi tuzlarning umumiy miqdori haydalma qatlam tuproqlarda 0,069% ni tashkil etadi. Haydalma qatlamda umumiy ishqoriylik (NSO₃ miqdori) 0,024%, xlor ioni miqdori 0,007% va sulfat ioni miqdori 0,027% ko'rsatkichlarini tashkil etgan. Sho'rlanish ximizmiga ko'ra xlorid-sulfatli sho'rlanish tiplaridan iborat. Keyingi qatlamlarda suvda oson eruvchi tuzlarning umumiy miqdori 0,065-0,085%, umumiy ishqoriylik (NSO₃ miqdori) 0,024%, xlor ioni miqdori 0,004% va sulfat ioni miqdori 0,016-0,023% ko'rsatkichlarini tashkil etgan (3-jadval).

3-jadval

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlari sho'rlanish holati

Kesma	Chuqurlik sm	Ishqoriylik		Cl		SO ₄		Ca		Mg		Anion	Kation	Na farq bo'yicha mg/ekv	Na farq bo'yicha, %	Quruq qoldiq	Tuzlar yig'in dis	SO ₄ Cl	Sho'rlanish tipi	Sho'rlanish darajasi
		umumiy NSO ₃ , %	umumiy NSO ₃ , m.e.	%	mg/ekv	%	mg/ekv	%	mg/ekv	%	mg/ekv									
22	0-34	0,024	0,40	0,007	0,20	0,027	0,56	0,01	0,50	0,003	0,25	1,16	0,75	0,41	0,010	0,080	0,069	2,85	Xs	Sho'rlanmagan
	34-52	0,024	0,40	0,004	0,10	0,016	0,33	0,01	0,50	0,003	0,25	0,83	0,75	0,09	0,002	0,065	0,047	3,38	Xs	Sho'rlanmagan
	52-63	0,024	0,40	0,004	0,10	0,023	0,48	0,01	0,50	0,003	0,25	0,98	0,75	0,23	0,005	0,085	0,057	4,85	Xs	Sho'rlanmagan

Surxondaryo viloyati Denov tumanidan «Oxunboboev» massivlarida tarqalgan tuproqlar tarkibidagi kimyoviy elementlar miqdori o'rganildi. Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida berilliy elementi 2,04 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan tuproqlardan ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunalarda 2,20 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 1,90 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan namunada 2,40 mg/kg ni, kartoshka ekilgan maydonda 1,90 mg/kg ni va paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 2,50 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproqlarda berilliy elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganli aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida vanadiy elementini 91,8 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 110,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 120 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 120 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 100 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproqlarda vanadiy elementi ruxsat etilgan miqdori 2 barobardan ham yuqori ko'rsatkichlari aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni xaydov qatlamida xrom elementi 74,7 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 85,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 87,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 91,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 76,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproqlarda xrom elementi ruxsat etilgan miqdoridan 3 barobargacha yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida marganes elementi 773 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 630 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 670 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq

namunasida 450 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 630 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproqlarda marganes elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganligi aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida kobalt elementi 13,9 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 12,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 12,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 12,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 13,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproqlarda kobalt elementi ruxsat etilgan miqdoridan 3 barobargacha yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida bor elementi 31,7 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 25,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 24,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 27,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 21,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda bor elementi asosiy kesmalardan olingan tuproq namunalari va Oxunboboev massivining paxta ekilgan maydonlarda ruxsat etilgan miqdoridan yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi. Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida molibden elementi 19,3 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 6,60 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 7,20 mg/kg ni, paxta ekilgan maydonlan olingan tuproq namunasida 8,00 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 7,40 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda molibden elementi asosiy kesmalardan olingan tuproq namunalari 4 barobargacha va boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan olingan tuproq namunalari ruxsat etilgan miqdoridan yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida surma elementi 1,16 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik

(bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 1,00 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 1,00 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 0,960 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 1,10 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida surma elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganligi aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida qo'rg'oshin elementi 26,4 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 24,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 24,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydonlan olingan tuproq namunasida 23,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 22,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida qo'rg'oshin elementi ruxsat etilgan miqdoridan 3-5 barobardan yuqori ko'rsatkichlar aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida kadmiy elementi 0,360 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 0,066 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 0,036 mg/kg ni, paxta ekilgan maydonlan olingan tuproq namunasida 0,066 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 0,066 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida kadmiy elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganligi aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida nikel elementi 53,9 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 44,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 69,0 mg/kg ni, paxta

ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 74,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 56,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida nikel elementi ruxsat etilgan miqdoridan (REM 25,0 mg/kg) 3 barobargacha ekanligi aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida rux elementi 86,5 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 83,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 100,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 84,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 86,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida rux elementi ruxsat etilgan miqdoridan yuqori ko'rsatkichlari paxta va g'alla ekilgan maydonlarda aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida mis elementi 44,8 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 41,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 55,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 44,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 75,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida mis elementi ruxsat etilgan miqdoridan (REM 100 mg/kg) oshmaganligi aniqlandi. Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida selen elementi 2,23 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 3,40 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 4,40 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan

4-jadval

Surxondaryo viloyati Denov tumani Oxunboboev massivi tuproqlarida tarqalgan kimyoviy elementlar miqdori

t/r	Kesma №	O'simlik turi	Be	V	Cr	Mn	Co	B	Mo	Sb	Pb	Cd	Ni	Zn	Cu	Se	As	Sn
Denov tumani Oxunboboev massivi asosiy kesmasi																		
23	22	Paxta	2,04	91,8	74,7	773	13,9	31,7	19,3	1,16	26,4	0,360	53,9	86,5	44,8	2,23	19,1	3,17
Denov tumani Oxunboboev massivi																		
24	20	Bog'	2,20	110	85,0	630	12,0	25,0	6,60	1,00	24,0	0,066	44,0	83,0	41,0	3,40	25,0	3,90
25	21	G'alla	1,90	120	87,0	670	12,0	24,0	7,20	1,00	24,0	0,036	69,0	100	55,0	4,40	32,0	3,50
26	22	Paxta	2,40	120	91,0	450	12,0	27,0	8,00	0,960	23,0	0,066	74,0	84,0	44,0	3,90	26,0	3,50
27	23	Kartoshka	1,90	100	76,0	630	13,0	21,0	7,40	1,10	22,0	0,066	56,0	86,0	75,0	4,80	38,0	2,70

olingan tuproq namunasida 3,90 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 4,80 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida selen elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganligi aniqlandi.

Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida margumush elementi 19,1 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 25,0 mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 32,0 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 26,0 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 38,0 mg/kg ekanligi aniqlandi. Ushbu massivlardan tarqalgan tuproq namunalarida margumush elementi ruxsat etilgan miqdoridan (REM 2 mg/kg) yuqori ko'rsatkichlar barcha olingan tuproq namunalarida aniqlandi va eng yuqori ko'rsatkich tok ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 14 barobargacha ifloslantirayotganligi kuzatildi. Oxunboboev massivi tuproqlarni haydov qatlamida qalay elementi 3,17 mg/kg ni tashkil etib, boshqa ekin turlari ekilgan maydonlardan tuproq namunalari olingan bo'lib, ko'p yillik (bog') daraxt ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 3,90

mg/kg ni, g'alla maydondan olingan tuproq namunasida 3,50 mg/kg ni, paxta ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 3,50 mg/kg ni va kartoshka ekilgan maydondan olingan tuproq namunasida 2,70 mg/kg ekanligi aniqlandi (4-jadval). Ushbu massivlarda tarqalgan tuproq namunalarida qalay elementi ruxsat etilgan miqdoridan oshmaganligi aniqlandi.

Xulosa qilib aytganda Denov tumani Oxunboboev massivi hududidagi tuproqlarning haydalma qatlamida gumus bilan kam ta'minlangan, xarakatchan fosfor bilan juda yuqori va almashinuvchan kaliy bilan kam ta'minlangan guruhni tashkil etadi. Tuproqlarining ustki haydalma (0-34 sm) qatlamlari o'rta qumoq mexanik tarkibdan iborat.

Denov tumanidan Oxunboboev massivlarida tarqalgan tuproqlardagi kimyoviy elementlar bilan ifloslanish darajasiga ko'ra Cd, V elementlari ruxsat etilgan miqdordan ikki va Cr, Ni, Pb, Co elementlari uch barobarga oshgan bo'lib, eng yuqori darajadi tuproqlarni ifloslantiruchi kimyoviy elementlar molibden 4 barobar va margamush 14 barobargacha yuqori miqdorlarda aniqlangan. Bu esa sanoat korxonalarining ishlab chiqarish ko'lamining ortishi bilan birgalikda atrof muhitning toksik elementlar bilan jadal suratlarda ifloslanishidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Suldina T.I. // Soderjanie tyajeliox metallov v produktax pitaniya i ix vliyanie na organizm // Jurnal: ratsionalnoe pitanie, piševie dobavki i biostimulyatori № 1, 2016. – S. 136-140 (<https://s.journal-nutrition.ru/pdf/2016/1/35727.pdf>)
2. Karimov X.N., Mirsadiqov M.M., Nizamov S.A., Risqieva X.T. // Muborak tumani sug'oriladigan tuproqlarining ekologik holati // «O'zbekiston zamini» ilmiy-amaliy va innovatsion jurnal 3/2021, – 17-20 betlar (<https://slib.uz/uz/article/view?id=15711>)
3. https://uz.wikipedia.org/wiki/Denov_tumani

**ҚОРАКЎЛ ВОҲАСИ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ
МЕХАНИК ВА МИКРОАГРЕГАТ ТАРКИБИНИ АНТРОПОГЕН
ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЎЗГАРИШИ**

Курвантаев Рахмонтой,*

қ.х.ф.д., профессор E-mail: kurvantoev@mail.ru

Назарова Севара Мустақимовна,**

қ.х.ф.д., (PhD), доцент,

sevara_nazarova1984@mail.ru

Солиева Нигора Абилжановна,*

кичик илмий ходим,

Истамова Мўтабар,

мустақил тадқиқотчи

*Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

**Бухоро давлат университети

Аннотация. Мақолада Қоракўл воҳасининг суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг антропоген омиллар таъсирида механик ва микроагрегат таркибини ўзгариши кўрсатилган. Тупроқларнинг генетик қатламларидаги морфологик ўзгаришлар, хусусан, механик ва микроагрегат таркиби, тупроқшуносликда қабул қилинган усуллар орқали ифодаланган.

Калит сўзлар: антропоген омил, тупроқ механик ва микроагрегат таркиби, ўрта, майда ва йирик қум, майда чанг, ил заррачалар.

Аннотация. В статье излагается влияние антропогенных факторов на механический и микроагрегатный состав орошаемых луговых почв Каракульского оазиса. Изменения морфологии в генетических горизонтах почв, в частности, механические и микроагрегатные составы исследованы методами принятыми в почвоведении.

Ключевые слова: антропогенный фактор, механический и микроагрегатный состав, средне-, мелко и крупнопесчаные, крупно-, средне и мелко пылеватые и илистые фракции.

Annotation. The article describes the influence of anthropogenic factors of the mechanical and micro-aggregate composition of the irrigated meadow soils of the Karakul oasis. Changes in morphology in the genetic horizons of soils, in particular, mechanical and microaggregate compositions studied by methods of soil science.

Key words: anthropogenic factor, mechanical and micro-aggregate composition, medium, fine and coarse sand, coarse, medium and fine salty fractions.

Кириш. Хориж давлатларида ва республикамізда тупроқ унумдорлиги, уни бошқариш ва бошқа хоссалари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари бажарилган. Қоракўл воҳасида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ўзларининг хосса-хусусиятларига кўра нафақат тупроқ минтақалари балки, тупроқ-иқлим шароитлари бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Қоракўл воҳаси ва бошқа ҳудуд тупроқларининг морфогенетик тузилиши, географик жиҳатдан жойлашиши ҳамда мелиоратив ҳолати, агрофизикавий

ва агрохимёвий хоссалари бўйича бир қатор Ўзбекистон олимлари Р.Қ.Қўзиев, Ш.М.Бобомуродов [2] Р.Курвантаев, С.М.Назарова [3, 4, 5], Х.Т.Артикова [1], Н.Х.Ҳакимовалар [6] томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Қоракўл воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг ҳозирги даврдаги агрофизикавий хоссалари бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Тадқиқот объекти ва усуллари сифатида Зарафшон дарёси қуйи оқими ҳудудида жойлашган Қоракўл воҳасида тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқлар танлаб

олинган.

Изланишлар тупроқ-дала ва лаборатория шароитларда олиб борилган, бунда «Теории и методы физики почв», «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель», «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» каби қўлланмалардан ҳамда олинган маълумотларнинг ишончилиги Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари. Тупроқларнинг механик таркиби уларнинг қуйидаги хоссаларига сезиларли таъсир қилади: физикавий, сув, кимёвий, физик-механик, биологик, иссиқлик ва ҳоказолар. Тупроқларнинг намни сақлаш ва кўтариш қобилияти, иссиқлик тартиботи, физик-механик хоссалари, тупроқга ишлов берилганда унинг солиштирма қаршилиги, етилиш муддатлари, ёпишқоқлиги, бўкиши, чўкиши ва бошқалар механик таркибга тўғридан-тўғри боғлиқ. Илмий изланишлар олиб борилган ўтлоқи тупроқларнинг механик таркиби хилма-хил бўлиб, уни асосан тупроқ ҳосил қилувчи аллювиал ётқизиқлар, она жинсларнинг таркиби ва инсон фаолияти белгилайди.

Тупроқ механик таркиби асосий морфологик кўрсаткич бўлиб, барча типдаги тупроқлар, бинобарин уни ташкил қилувчи барча генетик қатламлар учун ўзига хос механик таркиб мавжуд. Масалан қум, қумли, қумлоқ, қумоқ, (енгил, ўрта, оғир) ва лой (енгил, оғир) механик таркиблар у ёки бу генетик қатлам ва қатламчалар учун хос бўлади.

Қорақўл воҳасида кенг тарқалган ва суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг механик таркиби бўйича хариталарини тузиш катта амалий аҳамиятга эга. Ўтлоқи аллювиал тупроқлар кесмаси бўйича қумли, қумлоқ, қумоқ ва лой бўлибгина қолмасдан, балки қават-қаватли тузилишдаги ўта мураккаб механик таркиблидир. Кесманинг устки қатлампидан пастга томон оғирлашиб ёки енгиллашиб бориши ҳамда, қатламларнинг тез алмашинуви кузатилади. Бундай мураккаб литологик шароитда, албатта ўзига хос озиқа, сув, ҳаво ва иссиқлик тартиботи вужудга келади. Шу нуқтаи назардан, воҳада суғориладиган ерларни

фақатгина тупроқ хариталарини тузиш билан чегараланмасдан, балки ҳар бир фермер ер майдон учун тупроқларнинг механик таркиби бўйича ҳам хариталарини тузиш тавсия қилинади. Бу эса ўз навбатида суғориладиган тупроқларнинг унумдорлигини, айниқса уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдек муаммони илмий асосда ҳал қилиш имконини беради. Шунини таъкидлаш керакки, тупроқнинг кимёвий, макро-, микроэлементлар таркиби, айниқса, унинг сингдириш сиғими, чиринди, озиқа моддалар миқдори ва бошқалар албатта, механик таркибга жуда боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Тупроқлар механик таркибининг кесмаси бўйича ўзгариши унинг сув-физикавий хоссаларига ва туз тартиботига кучли таъсир кўрсатади.

Тупроқларнинг механик таркиби бўйича маъмурий туманлар ва геоморфологик районлар ўзига хослиги билан ажралади. Қорақўл воҳаси тупроқлари Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида ҳосил бўлган тупроқлар ҳисобланиб, механик таркиби бўйича қумли, қумлоқ, енгил, ўрта, оғир қумоқларни ўз ичига олади.

Қуйи Зарафшон ҳудудида жойлашган Қорақўл воҳасида тарқалган суғориладиган тупроқлар механик таркиби жиҳатидан турли-туманлиги билан фарқланади. Қорақўл воҳаси тупроқлари кесмалари механик таркиби бўйича 5 та асосий гуруҳга: бир хил енгил; бир хил оғир; қаватли, пастдан юқорига енгиллашувчи; пастдан юқорига оғирлашувчи турли механик таркибли тупроқларга ажратиш мумкин.

Олинган маълумотлар таҳлили шунини кўрсатадики, ўрта ва енгил қумоқли тупроқлар энг кўп ер майдонларини (10509 га), эгаллаши билан бирга қумлоқ ва қумли механик таркибли тупроқлар 1177 ва 1830 га ер майдонларни эгаллайди.

Тупроқдаги турли катталиқдаги заррачалар кесмаси бўйича кенг миқёсда ўзгаради. Қорақўл воҳасида кенг тарқалган суғориладиган ўтлоқи тупроқларни механик таркибини (жадвал) асосан қуйидаги заррачалар ташкил этади: йирик қум (1-0,25 мм) 0,4-3,6 % гача, ўрта қум (0,25-0,1 мм) 0,1-0,9 %, майда қум (0,1-0,05 мм) 34,4-51,1 %. Бу тупроқлар таркиб топган ётқизиқлари майда қум заррачаларини кўплиги билан ҳам фарқ қилади, айрим кесмаларда уларнинг миқдори 46,2-51,1 % ни ташкил қилади. Энг

кўп йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 34,6-69,2 % гача бўлиб, кўп йиллар давомида суғориб деҳқончилик қилиниб келинаётган хўжаликларда тарқалган, кўп миқдори лойли механик таркибли қатламларда, энг кам миқдори энгил таркибли тупроқларда ҳосил бўлган. Йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари ҳамма кесма бўйича ўрта ва майда чангга нисбатан юқори 32,2-35,6 % гача миқдорни ташкил қилади. Ил заррачалари (0,001 мм дан кичик) 2,7-9,6 % гача бўлиб, ҳаттоки, оғир механик таркибли қатламларда ҳам кам миқдорни ташкил қилади. 2010 йилга нисбатан 2020 йилга келиб майда қум заррачаларини ошганлиги ва йирик чанг заррачаларини камайиш қонуниятлари кузатилади. Бунинг сабаби, чанг заррачаларини суғориш таъсирида ювилиши содир бўлганлигини кўрсатади.

Тупроқлар механик таркиби учун қуйидагилар тавсифлидир:

а) дағал скелетли (тошли) 1 мм дан йирик заррачаларнинг тўлиқ бўлмаслиги;

б) 0,1-0,01 мм заррачалар миқдорини кўплиги;

в) кўпчилик тупроқларда йирик чанг (0,05-0,01мм) заррачаларнинг жуда кўп бўлиши, улар миқдорининг айрим ҳолатларда 35-69 % гача етиши;

г) қумоқ тупроқларда ил заррачаларнинг жуда кам (0,1-3,6 %) бўлиши.

Юқоридаги маълумотлар шундан далолат берадики, эскидан суғориладиган тупроқларнинг механик таркиби бирмунча оғирлигини кўриш мумкин. Бу албатта тупроқ юза қатламларига антропоген омилларнинг таъсири натижасида юзага келган. Қумли чўл ҳудудига чегарадош бўлган туман хўжаликларида тарқалган тупроқларнинг аксарияти қумлоқли ва қумли механик таркибга мансуб бўлиб, уларнинг

маданийлашганлик ҳолати бирмунча паст.

Қорақўл тумани Дарғали массивида тарқалган тупроқларнинг юқори ҳайдов қатлами механик таркиби 2010 йилда энгил қумоқли бўлиб, физик лойнинг миқдори 22,9 % бўлса, 2020 йилга келиб Амударёнинг лойқаланган сувидан суғорилиши ва антропоген омиллар таъсирида физик лойнинг миқдорини ошганлигини (37,0 %) кўриш мумкин, шу билан бирга йиллар давомида суғорилиши, шўр ювилиши таъсирида пастки қатламларда майда заррачаларни тўпланиши намаён бўлганлигини кўриш мумкин (расм).

Майда қум заррачалари (0,1-0,05 мм) миқдори, Қорақўл тумани Дарғали массивида юқорида кўрсатилган заррачаларнинг миқдори кесма бўйича бир текисда тақсимланмаган. Унинг миқдори 2010 йилда 7,8 дан 41,1% гача бўлса, 2020 йилга келиб 34,4-51,1 % атрофида тебранади. Шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган тупроқлардаги заррачаларнинг миқдори турли даражада тақсимланган. Масалан, йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 34-69 % ни ташкил қилади.

Қорақўл воҳаси хўжаликларида суғориладиган тупроқлар механик таркиби жиҳатидан хилма-хил бўлганлиги сабабли, ўтказиладиган агротехник (ҳайдаш, суғориш, ишлов бериш, ўғитлаш, ва ҳоказо), мелиоратив (шўр ювиш, коллектор зовурлар тизимини барпо қилиш, сизот сувлари чуқурлигини қайд қилиш ва ҳоказо) тадбирлар механик таркибига қараб табақалаштирилиши зарур.

Зарафшон дарёси қуйи оқими тупроқларининг табиий унумдорлик сабаблари миқдорда 0,01 мм дан йирик катталиқдаги чидамли микроструктура элементлари миқдорини кўплиги энг яхши капилляр ғоваклик ҳосил бўлишини, юқори нам сиғимини ва сув бериш қобилиятини юқори бўлишини таъминлайди.

1 жадвал

Қорақўл воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг механик ва микроагрегат таркиби

Кесма №	Қатлам	Заррачалар катталиги ммда, миқдори % ларда										
		катталиги, см										
		>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	Физик лой (<0,01мм)	Ҳақиқий агрегатлар сони	Дисперслик коэффициенти	
2010 йил												

Қоракўл воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг механик ва микроагрегат таркиби

Кесма №	Қатлам чўққилиги см	Заррачалар катталиги ммда, миқдори % ларда									
		>0,25	0,25-0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01-0,005	0,005-0,001	<0,001	Физик лой (<0,01мм)	Ҳақиқий агрегатлар сони	Дисперслик коэффициенти
2010 йил											
8	0-46	0,8	0,2	36,7	39,4	7,8	7,9	7,2	22,9	6,7	41,6
		1,2	0,3	41,3	41,0	6,8	6,4	3,0			
		-0,4	-0,1	-4,6	-1,6	1,0	1,5	4,2			
	46-66	0,4	0,1	43,7	26,2	10,6	9,4	9,6	29,6	11,4	43,7
		0,4	0,1	42,3	37,6	6,8	8,6	4,2			
		0	0	-1,4	11,4	-3,8	-0,8	-5,4			
	66-85	0,4	0,1	41,1	34,6	3,6	13,1	7,1	23,8	9,3	40,8
		1,0	0,3	38,9	43,1	3,6	10,2	2,9			
		-0,6	-0,2	2,2	-8,5	0	2,9	4,2			
	85-106	0,8	0,2	17,7	69,2	5,1	4,3	2,7	12,1	7,8	66,6
		0,4	0,1	12,5	77,0	5,1	3,1	1,8			
		0,4	0,1	5,2	-7,8	0	1,2	0,9			
	106-137	0,4	0,1	7,8	60,0	8,0	18,0	5,7	31,7	22,9	14,0
		0,8	0,2	6,6	76,4	14,0	1,2	0,8			
		-0,4	-0,1	1,2	-16,4	-6,0	16,8	4,9			
НСП- 613,8 Р, %-0,01											
2020 йил											
9	0-35	3,6	0,9	46,2	12,3	18,1	13,7	5,2	37,0	12,5	76,9
		0,8	0,2	48,4	22,6	12,4	11,6	4,0			
		2,8	0,7	-2,2	-10,3	5,7	2,1	1,2			
	35-62	0,7	0,3	13,9	41,8	14,8	20,7	7,8	43,3	23,8	15,3
		1,2	0,3	26,2	48,8	18,8	3,5	1,2			
		-0,5	0	-12,3	-7,0	-4,0	17,2	6,6			
62-90	62-90	0,8	0,2	37,5	32,2	6,9	18,0	4,4	29,3	10,6	63,6
		0,5	0,1	42,4	37,9	6,7	9,6	2,8			
		0,3	0,1	-4,9	-5,7	0,2	8,4	1,6			
	90-115	0,8	0,2	34,4	25,9	9,1	23,9	5,7	38,7	22,5	59,6
		1,2	0,3	44,9	37,4	8,2	4,6	3,4			
		-0,4	-0,1	-10,5	-11,5	0,9	19,3	2,3			
	115-147	0,8	0,2	43,0	35,6	6,3	11,0	3,1	20,4	11,7	70,9
		0,4	0,1	54,7	31,2	5,3	6,1	2,2			
		0,4	0,1	-11,7	4,4	1,0	4,9	0,9			
147-186	0,8	0,2	51,0	29,7	8,3	6,6	3,4	18,3	16,5	70,5	
	1,2	0,3	40,6	39,1	5,2	11,2	2,4				
	-0,4	-0,1	10,4	-9,4	3,1	-4,6	1,0				
НСП- 423,9 Р, %-0,01											

**Илова: жадвалнинг сураида тупроқларнинг механик таркиби, махражиди микроагрегат таркиби ифодаланган.*

Ўтлоқи тупроқлар микроагрегат заррачалари асосан, майда қум (0,1-0,05) ва йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалардан ташкил топган бўлиб, яъни микроструктурали ҳисобланади, бу тупроқга яхши капилляр ғоваклик, юқори миқдорда нам билан таъминловчи юқори нам сиғимли ва озиқа моддаларни ҳаракатчанлигига хос бўлиб, бу ҳолатлар тупроқларнинг юқори унумдорлигини белгилайди.

Агрономик нуқтаи назардан баҳолашда нафақат тупроқларнинг механик элементлари катталигини билиш кифоя қилади, балки бирмунча механик элементлардан ҳосил бўлган тупроқдаги микроагрегатлар мавжудлиги тавсифлидир. Шу билан бирга бу механик элементларнинг сув таъсирида ювилишига қаршилиқ қилувчи қобилятини ўрганиш муҳимдир. Тупроқ структурасини, айниқса сув ўтказувчанлигини баҳолашда қумлоқли ва лойли тупроқларнинг тавсифи муҳим томонлардан ҳисобланади. Қорақўл воҳаси тупроқларининг микроагрегат таркиби турли-туман бўлиб, бу уларнинг генезиси, морфологияси, тупроқ ҳосил қилувчи она-жинслар ва инсонларнинг маданий ирригация фаолияти билан боғлиқ. [2, 1, 4].

Бизнинг олган маълумотларимиз юқорида қайд қилинган олимлар фикрларини тўлиқ тасдиқлаши билан биргаликда суғориш ҳамда ишлов бериш натижасида айрим агрегатларни маълум даражада парчалангани кузатилди. Йирик қум (1-0,25 мм) 0,4-1,2 %, ўрта қум (0,25-0,1 мм) 0,1-0,3 %, майда қум (0,1-0,05 мм) 2010 йилда 6,6-41,3 % ни 2020 йилда эса унинг миқдори 40,6-54,7 % гача ошган. Бу тупроқлар таркиб топган ётқизиқлари майда қум заррачаларини кўплиги билан ҳам фарқ қилади. Энг кўп йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари 2010 йилда 41,0-76,4 % гача бўлиб, 2020 йилга келиб уларнинг миқдори 22,6-39,1 % гача камайганлиги кузатилди. Тупроқларда майда чанг ва ил заррачалар миқдорини 2020 йилга келиб ошганлигини кўриш мумкин. Масалан, Қорақўл тумани "Дарғали" массиви тупроқларида 2010 йилда майда чанг 1,2-10,2 ва ил 0,8-3,0 % ни 2020 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 2,2-4,2 % ни ташкил қилган. Ушбу натижаларни кўрсатишича Қорақўл туманларида ҳақиқий

агрегатларнинг миқдорини ошганлигини яъни тупроқда структураланиш жараёнини кузатиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Қорақўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг механик таркиби бирмунча енгил бўлиб, микроагрегатлар миқдори эса бирмунча кам ҳамда парчаланаш коэффиценти юқори.

Суғориладиган тупроқларнинг юза қатламини ўзгариши, биринчи навбатда, ирригация ётқизиқларга ва бу ётқизиқларнинг таркибига боғлиқ бўлиб, улар Зарафшон дарёси ва Аму-Қорақўл каналлари орқали суғориш натижасида ҳосил бўлган.

Лойқа сувлар билан суғориш ва инсон фаолиятининг бошқа омиллари натижасида қисқа вақт ичида агроирригацион қатлам ҳосил бўлган. Бу пастки қатламлардан нафақат кимёвий хоссалари билан балки, физикавий хоссалари билан ҳам фарқ қилади.

Механик ва микроагрегат таркиб Қорақўл воҳаси тупроқлардаги бутун жараёнларни бошқаришда асосий омил бўлиб, ўз навбатида тупроқлардан самарали фойдаланиш борасида зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқишда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Тупроқларга ишлов беришда, суғоришда, ўғитлашда ва турли экинларни жойлаштиришда уларнинг механик таркиби ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилиши зарур. Ушбу натижалардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Хулоса. Тупроқ механик ва микроагрегат таркиби морфологик, мелиоратив, сув-физик ва физик-механик ҳамда тупроқ бонитировкасининг асосий кўрсаткичи бўлиб, турли тип ва типча тупроқларининг барча генетик қатламлари учун ўзига хосликни ифода этади. Тупроқларнинг механик ва микроагрегат таркиби бўйича геоморфологик районлар ўзига хослиги билан ажралади. Бу тупроқлар механик таркибига кўра қумлоқлардан, енгил, ўрта, оғир қумоқлардан иборатдир.

Суғориладиган ўтлоқи тупроқларни механик ва микроагрегат таркибини асосан қуйидаги механик элементлар: майда қум (0,1-0,05 мм), йирик чанг (0,05-0,01 мм) заррачалари ҳамма кесма ва геоморфологик районларда йирик, ўрта қумга ва ўрта, майда чангга нисбатан юқори миқдорни ташкил

қилади. Эскидан суғорилиб деҳқончилик қилиниб келинаётган туман хўжаликларида тарқалган тупроқларнинг механик таркиби бирмунча оғирлигини кўриш мумкин. Бу албатта тупроқ юза қатламларига антропоген омилларнинг таъсири натижасида юзага келган. Қумли чўл ҳудудига чегарадош бўлган туман хўжаликларида тарқалган тупроқларнинг аксарияти қумоқли ва қумли механик таркибга мансуб бўлиб, уларнинг маданийлашганлик ҳолати бирмунча паст.

Тупроқлар механик ва микроагрегат таркиби қуйидагича: дағал скелетли (тошли) 1 мм дан йирик заррачаларнинг тўлиқ бўлмаслиги; 0,1-0,01 мм заррачалар миқдорини кўплиги; кўпчилик тупроқларда йирик чанг (0,05-0,01) заррачаларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши, уларнинг миқдори айрим ҳолатларда 35-50% гача бориши, ил заррачаларнинг жуда кам (2,7-6,6%) бўлиши характерлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Артикова Х.Т. Бухоро воҳаси суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларининг умумий физик ва айрим сув-физик хоссалари, уларнинг аҳамияти. / Журнал «ЎзМУ хабарлари» – №3/1. – 2018. – Б. 47-51.
2. Қўзиев Р.Қ., Бобомуродов Ш.М. Зарафшон қуйи оқими суғориладиган тупроқлари ва уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари. – Тошкент: «Фан», – 2004. – 120 б.
3. Курвантаев Р., Назарова С.М. Агрофизическая характеристика орошаемых луговых почв Бухарского оазиса / Современные тенденции в научном обеспечении агропромышленного комплекса: Коллективная монография. [редкол.: Л.И. Ильин и др.; отв. за вып. В.В.Огорков]. – Иваново, – 2019. – С. 91-95.
4. Курвантаев Р., Назарова С.М.. Зарафшон воҳаси қуйи оқими суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг агрофизикавий ҳолати. – Бухоро, – 2021. – 126 б.
5. Назарова С.М. Бухоро воҳаси суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг ҳозирги давр агрофизикавий ҳолати. Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати. – Тошкент, – 2019. – 44 б.
6. Ҳакимова Н.Х. Зарафшон дарёси қуйи ва ўрта оқими тупроқларининг агрофизикавий хоссалари ва биологик фаоллиги. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) докторлик диссертацияси автореферати. – Фарғона, – 2022. – 44 б.

УЎТ: 631.431:417.2

МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРИ МЕХАНИК ТАРКИБИ, УНИ ГУМУС МИҚДОРИГА КОРРЕЛЯЦИОН БОҒЛИҚЛИГИ

Карабеков Отабек Гулмуротович,
кичик илмий ходим, otash.zn@inbox.ru
Тошқўзиев Маруф Мансурович,
б.ф.д., профессор, maruf41@rambler.com

Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларининг тип, типчаларида гумус миқдори ва механик таркибига доир таҳлиллар ҳамда улар асосида механик таркиби билан гумус миқдори орасидаги корреляцион боғлиқликлар кўрсатиб берилган. Олинган натижаларга кўра, юқори корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари гумус билан физик лой орасида бўлиб, ил фракцияси билан гумус орасидаги боғлиқлик даражалари тупроқларни суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда ошиб бориши кузатилади.

Калит сўзлар: лёсс, лёссимон, аллювиал, пролювиал-аллювиал, кўл-аллювиал ётқизиқлар, гумус, ил, физик лой, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, корреляция.

Аннотация. В статье приведены результаты анализа по содержанию гумуса и механического состава в различных типах, подтипах гидроморфных почв Мирзачульского

оазиса и на его основе показаны корреляционные связи между механическим составом и количеством гумуса. По полученным данным, сильная корреляционная связь отмечена между гумусом и физической глиной, показатели связи между илистой фракцией и гумусом увеличивается по мере длительности орошения почвы.

Ключевые слова: лёсс, лёссовые, аллювиальные, пролювиально-аллювиальные, озерно-аллювиальные отложения, гумус, илстые, физические глины, луговые, лугово-болотные почвы, корреляция.

Annotation. The article presents the results of the analysis of the content of humus and mechanical composition in various types, subtypes of hydromorphic soils of the Mirzachul oasis and, on its basis, correlations between the mechanical composition and the amount of humus are shown. According to the data obtained, a strong correlation was noted between humus and physical clay, the relationship between the clay fraction and humus increases with the duration of soil irrigation.

Key words: loess, loess, alluvial, proluvial-alluvial, lacustrine-alluvial, humus, silt, physical clay, meadow, meadow-swamp soils, correlation.

Кириш. Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқлари механик таркибига кўра турличадир. Бу асосан тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар ва маданий-ирригацион инсон фаолияти билан боғлиқдир. Тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар турли хил аллювиал, пролювиал-аллювиал, кўл-аллювиал лёсс, лёссимон, аллювиал-пролювиал, делювиал-пролювиал ётқиқиқлардан ташкил топган. Шу сабабли ушбу ётқиқиқларда ҳосил бўлган тупроқлар механик таркибига кўра, оғир қумоқдан қумлоқгача бўлган таркибли тупроқлардир.

Мирзачўл воҳаси тупроқларининг механик, микро- ва макроагрегат таркиблари, уларни ҳосил қилувчи она жинслари ва шу билан бирга антропоген омиллар таъсирида суғориш тизимини ташкил қилиниши билан ҳамбарчас боғлиқдир [1; 142-146-б.].

Тадқиқотлар кўра, Мирзачўл воҳасининг суғориладиган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқларининг дала нам сифими катталиги тупроқ ва замин механик таркибига, гумус миқдорига, зичлигига, микро- ва макроструктура, ғоваклик тавсифига ва бошқа хоссаларига боғлиқлиги, тупроқларнинг сув-физик хоссаларининг қийматлари уларнинг механик таркиби, зичлиги, минералогик таркиби ва шўрланиш даражасидаги фарқига қараб бир хил эмаслиги аниқланилган [2; 171-176-б.].

Маълумки, тупроқ механик таркиби билан унинг барча хосса-хусусиятлари, унумдорлиги узвий боғлиқ бўлади. Механик таркиб, тупроқда айниқса гумус ва озиқа моддаларини тўпланишида муҳим роль ўйнайди [3; 10-25-б.].

Демак, тупроқларни барча хосса-хусусиятлари бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқдир, бунда органик моддалар ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бизни тадқиқотларимиз вазифаларидан бири гумус миқдорига боғлиқ бўлган тупроқнинг хосса-хусусиятларини аниқлашдан иборат эди, шундан келиб чиққан ҳолда, биз гумус ва механик таркиби ва унинг фракциялари орасидаги боғлиқликлар тупроқни физик-механик, кимёвий таҳлиллари асосида ўрганилди ва етарли даражада ижобий натижалар олинди.

Тадқиқот объекти ва услублари.

Тадқиқот объекти бўлиб, қадимги конус ёйилмаларига туташган Мирзачўл текисликларида тарқалган гидроморф режимдаги асосий суғориладиган тупроқлардир. Булар Зафаробод туманида оч тусли бўз тупроқлар минтақаси Қлисой ва Тақирсойларнинг I-II қайир усти террасалари аллювиал ётқиқиқларида шаклланган янгидан суғориладиган ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ ва ўтлоқи ҳамда Пахтакор туманида қадимги конус ёйилмаларига туташган ўрта Мирзачўл текислигида шаклланган лёссимон, аллювиал-пролювиал ётқиқиқларда шаклланган ва Сирдарёнинг қуйи II-террасаси, пролювиал-лёссимон, аллювиал ётқиқиқлардан ташкил топган, Сайхунобод туманининг янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ҳисобланади [4; 20-22-б.].

Тадқиқотларда тупроқшуносликда кенг фойдаланиладиган генетик-географик, профил-геохимёвий, кимёвий-аналитик усуллардан фойдаланилди. Тупроқда умумий гумус миқдори И.В.Тюрин усулида [5; -487-б.],

гумусни тупроқ профилида тақсимланиши кўрсаткичлари М.М.Тошқўзиев услубий кўрсатмаси асосида [6; -47-б], тупроқнинг механик таркиби – Н.А.Качинский бўйича пипетка усулида [7; -357-б], тадқиқот натижаларни дисперсион-статистик таҳлиллари “Microsoft Excel» дастурида бажарилди.

Тадқиқот натижалари

Янгидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар. Ушбу тупроқлар Қлисой ва Тақирсойларнинг I-II қайир усти террасалари, аллювиал ётқиқиқларда шаклланган Зафаробод тумани тупроқларининг механик таркиби енгил қумоқдан қумли таркибгача бўлиб, бунда тупроқ профили бўйлаб физик қум фракциялари улуши устунлик қилиб, йирик қум фракцияси улуши 8,8-33,0 % оралигида, майда қум фракцияси 21,9-35,7 %, йирик чанг фракцияси 25,6-37,1 %, физик лой миқдори 11,1-29,5 % ни ташкил қилади. Бунга кўра тупроқлар юқори қатламлари асосан қумлоқли, қуйи қатламлари қумгача бўлиб, аксинча енгил қумлоқгача ўзгаради [8; 194-199-б].

Ушбу тупроқлар озиқа элементлар миқдорларини пастлиги билан фарқланган ҳолда, гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида 0,636-1,220 % ва 0,480-0,800 % бўлиб, тасниф кўрсаткичи бўйича ўртача ва кам даржада, ўрта қатламларида 0,211-0,630 % ва она жинсда 0,151-0,510 % бўлгани ҳолда, кам ва жуда кам даража кўртсагичларига тўғри келади [6; -47-б], (1-жадвал).

Янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар – бу тупроқлар изланиш олиб борган воҳани икки хил геоморфологик ва турли хил ётқиқиқларида тарқалган ҳамда шаклланган тупроқлар ҳисобланади.


Булар Қлисой ва Тақирсойларнинг I-II қайир усти террасалари, аллювиал ётқиқиқларда шаклланган Зафаробод тумани Беруний массиви тупроқлари енгил қумоқли механик таркибли бўлиб, айрим ўрта қатлами (52-66 см) қумлоқлидир. Бу тупроқларда механик заррачалардан майда қум (0,1-0,05 мм) фракцияси 24,9-29,3 %, йирик чанг (0,05-0,01 мм) фракцияси 29,0-41,4 % гача ўзгариб, физик лой миқдори 23,6-29,3 % ни ташкил этади [8; 194-199-б].

Сирдарёнинг қуйи II-террасаси, пролювиал-лэссимон, аллювиал ётқиқиқлардан ташкил топган, Сайхунобод тумани ва конус ёйилмалари (Зоминсой, Сангзор, Равотсой) га тутушган тоғ олди қия ва тўлқинсимон нишабли текисликлари, аллювиал-пролювиал ётқиқиқлардан ташкил топган, Пахтакор туманида тарқалган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларни механик таркиби профил бўйлаб ўрта ва енгил қумоқли тупроқлар эканлиги аниқланди. Бунда иккинчи район тупроқларида профил бўйлаб механик заррачаларидан майда қум фракцияси 8,6-23,2 %, йирик чанг фракцияси 28,0-47,3 %, физик лой миқдори 33,6-42,8 %, учинчи район тупроқларида бу кўрсаткичлар майда қум 6,0-14,8 %, 39,3-47,1 %, физик лой миқдори 29,8-42,1 % ни ташкил этади.

Ушбу тупроқларни механик таркиб фракциялари миқдорини ўзгаришлари учала районларнинг она жинсга боғлиқлиги яққол фарқланди. Яъни аллювиал ётқиқиқларда шаклланган тупроқларда қум фракциялари устунлик қилган бўлса, пролювиал-аллювиал, пролювиал-лэссимон ётқиқиқлардаги тупроқларда чанг фракциялари юқори бўлиб, буни ил (<0,001 мм) миқдори ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

Бу тупроқлар ўзида сақлаган озиқа моддалари бироз юқори бўлиб, гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида 1,153-1,763 % ва 0,702-0,891 % бўлиб, тасниф кўрсаткичи бўйича ўртача, ўртачадан юқори ва кам даржада, ўрта қатламларида 0,390-1,229 % ва она жинсда 0,136-0,152 % бўлгани ҳолда, кам ва жуда кам даража кўрсаткичида.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар. Пахтакор тумани қадимги конус ёйилмаларига туташган марказий Мирзачўл текислиги лэссимон, аллювиал-пролювиал ётқиқиқларда шаклланган тупроқларни механик таркиби асосан ўрта ва енгил қумоқли. Бу тупроқларни механик-фракциявий таркибига кўра, майда қум (0,1-0,05 мм) фракцияси 12,9-37,1 %; 21,2-30,5 %, йирик чанг (0,05-0,01 мм) фракцияси 33,8-50,4 %; 40,7-49,5 %, физик лой миқдори 21,0-29,9 %; 26,3-38,8 % ни ташкил этади. (1-расм.).




1-расм. Янгидан сугориладиган ўтлоқи тупроқларни механик таркиби, %

Ушбу тупроқларда гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларда 1,136-1,414 % ва 0,872-1,394 %, пастки қатламларида 0,211-0,704 %, она жинсда 0,210-0,329 % ни ташкил этади. Ушбу ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламлари ўртача, ҳайдов остки қатламлари кам, пастки қатламлари кам ҳамда она жинси жуда кам тасниф кўрсаткичига тўғри келади.

Мирзачўл воҳасидаги бошқа геоморфологик районларда тарқалган янгидан сугориладиган ўтлоқи тупроқларда ҳам юқоридаги таҳлиллар натижалари такрорланиб, юқори қатламлари ўрта ва пастки қатламлари енгил қумоқли тупроқлар эканлиги, баъзи тупроқ кесмаларини қуйи

қатламлари қумлоқли эканлиги кузатилди.

Эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқлар ҳам юқоридаги геоморфологик районларда тарқалган тупроқлар ҳисобланиб, қадимги конус ёйилмаларига туташган марказий Мирзачўл текислиги, аллювиал-пролювиал лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган. Зафаробод тумани С.Синдоров номли ва Пахтакор тумани А.Икромов номли массивлар тупроқлари механик фракциявий таркибига кўра, майда қум фракцияси 21,3-30,5 % ва 16,9-27,2 %, йирик чанг фракцияси 40,4-45,4 % ва 30,0-48,7 %, физик лой миқдори 23,1-32,9 % ва 30,0-40,3 % ни ташкил этади (2-расм).



2-расм. Эскидан сугориладиган ўтлоқи тупроқларнинг механик таркиби, %

Бу миқдорларга кўра тупроқлар юқори қатламлари ўрта ва пастки қатламлари енгил қумоқли, А.Икромов номли массив тупроқлари профил бўйлаб ўрта қумоқли, баъзи ўрта қатламлари ўрта ва енгил қумоқ бўлгани ҳолда буни физик лой фракциялар миқдорини ўзгариши билан изоҳлаш мумкин.

Қадимги дарёларни конус

ёйилмаларига туташган Марказий Мирзачўл текислиги, пролювиал-лёссимон ётқизиқлардан ташкил топган, Сайхунобод тумани тупроқларида механик фракциявий таркибига кўра, майда қум фракцияси 10,9-23,2 %, йирик чанг фракцияси 39,2-50,2 %, физик лой миқдори 22,9-35,8 % ни ташкил этади. Бу тупроқларни механик таркиби

юқори қатламлари ўрта ва пастки қатламлари энгил қумоқли таркибдир.

Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар профил бўйлаб генетик қатламларида турли таркибга эга бўлган қатламлар алмашилиб келиши, ўтувчи қатламларгача механик таркибни бир хилда (ўрта қумоқли) ўзгармаганлиги кузатилди. Бунинг ил миқдорларини ўзгариши ва йиллар мобайнида суғориш сувларини лойқалик даражаси, тупроқ фракцияларини ўзида ушлаб қолиш қобилияти билан изоҳлаш мумкин.

Ушбу тупроқлар ўзининг тадрижий ривожланишига боғлиқ ҳолда, маданийлашган ва суғорма деҳқончилиқда ривожланиб бораётган бу тупроқлар ўзида органик моддаларини юқорилиги билан ажралиб туради, уларнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларда гумус миқдори 1,107-1,328 % ва 0,943-1,198 %, ўрта қатламлари 0,500-0,820 %, она жинсда 0,208-0,350 % ни ташкил қилиб, тасниф бўйича юқори қатламлари ўртача, ўрта қатламлари кам ва она жинсда жуда кам

ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларда ҳам гумус миқдорида механик таркиби фракциялари орасидаги боғлиқликга доир таҳлиллар олиб борилди, унга кўра, воҳа тупроқлари гумус миқдори кўрсаткичи пастроқ бўлгани туфайли механик фракциялар орасидаги боғланиш ҳам шунга мос ҳолда кузатилди.

Янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда гумус миқдорида ил ва физик лой миқдорлари орасидаги корреляция коэффиценти кўрсаткичлари $r=0,608$ ўртача ва $r=0,826$ кучли бўлиб, янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда бу кўрсаткичлар $r=0,311$ кучсиз ва $r=0,733$ кучли; $r=0,510$ ўртача ва $0,737$ кучли боғланишга эга эканлиги аниқланди. Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ушбу кўрсаткичлар бироз гумус миқдорида мос ҳолда юқори бўлиб, $r=0,708$ кучли ва $r=0,380$ кучсиз; $r=0,665$ ўртача ва $r=0,583$ ўртача даражада боғланиш мавжуд (1-жадвал).

1-Жадвал

Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқлари гумус миқдорида механик фракцияларни (ил, физик лой) корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари

Кесма №	Чуқурлик, см	Гумус, %	Ил (<0,001 мм), %	Физик лой (<0,01 мм), %	Корреляция коэффициенти, г			
					Ил	Физик лой		
Янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар								
56.	0-27	0,938	4,9	29,3	0,608 Ўртача	0,826 Кучли		
	27-52	0,702	2,1	28,1				
	52-66	0,390	4,1	23,6				
	66-105	0,332	4,1	25,3				
	105-130	0,252	7,8	28,9				
68.	0-31	1,763	9,5	38,9				
	31-52	1,557	10,5	42,1				
	52-95	1,229	7,5	29,8				
	95-120	0,809	6,5	31,5				
	Янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар							
64.	0-21	1,414	8,9	31,1	0,311 Кучсиз	0,733 Кучли		
	21-32	1,394	9,3	34,9				
	32-58	0,690	11,7	35,9				
	58-105	0,458	7,0	24,0				
	105-134	0,211	7,3	24,8				
	134-167	0,210	9,5	26,4				
67.	0-30	1,260	8,0	32,8				
	30-48	0,872	7,1	28,8				
	48-66	0,698	6,5	25,4				
	66-107	0,348	6,3	24,5				
	107-156	0,210	6,7	26,3				
34А.	0-31	0,901	2,3	34,2			0,510 Ўртача	0,737 Кучли
	31-57	0,622	6,5	41,1				
	57-94	0,347	1,6	27,9				
	94-140	0,174	1,5	27,3				
35.	0-33	1,077	4,3	44,2				
	33-46	0,934	2,1	31,1				
	46-76	0,520	1,2	21,0				
	76-118	0,347	0,6	16,3				
	118-150	0,174	0,9	16,9				

Эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар					
58.	0-24	1,119	9,7	30,8	0,708 Кучли
	24-36	0,943	9,9	31,0	
	36-65	0,755	6,4	25,5	
	65-102	0,602	7,8	32,9	
	102-116	0,395	6,4	29,1	
	116-178	0,350	6,1	23,1	
61.	0-31	1,180	9,4	40,3	0,380 Кучсиз
	31-47	1,159	8,7	30,9	
	47-62	0,610	7,8	30,0	
	62-103	0,500	4,3	31,9	
	103-152	0,208	7,6	33,7	
30	0-33	1,328	4,6	34,6	0,665 Ўртача
	33-52	1,198	4,8	35,8	
	52-83	1,135	4,3	24,8	0,583 Ўртача
	83-118	0,767	4,9	22,9	
	118-150	0,311	4,2	23,4	
	150-195	0,238	3,8	28,2	


Корреляция коэффицентларини гидроморф тупроқлар фарқлари бўйича таҳлил қилсак, физик лой билан боғлиқлик коэффицентлари суғориш даврига боғлиқ ҳолда, янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ > ўтлоқи > эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон биров камайиб боради.

Буни тупроқларни суғориш даврийлиги-вақт ўтиши билан тупроқларни генетик қатламларида ил фракцияларини йиғилиши ва уни таркибида гумин кислоталари миқдорини ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин.

Хулосалар: Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларининг гумус миқдори билан механик таркибидаги физик лой орасидаги боғлиқлик кўрсаткичлари суғориш даврига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши кузатилади: янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ > янгидан суғориладиган ўтлоқи > эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон камайиб бориши, аксинча гумус билан ил фракцияси миқдорлари орасидаги боғлиқлик кўрсаткичлари тескари, яъни

орасидаги кўрсаткичлари тескари, янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ < янгидан суғориладиган ўтлоқи < эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон ошиб бориши кузатилди (3-расм).

3-расм. Гидроморф тупроқларда гумус миқдори ва механик таркиби фракцияларини гумус миқдорига коррелятив боғлиқлигини тупроқ типчалари бўйича ўзгариши, г



янгидан суғориладиган ўтлоқи-ботқоқ < янгидан суғориладиган ўтлоқи < эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон ошиб боради.

Тупроқларни механик таркибини гумус моддаси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, органик моддалар миқдори ошган сари механик таркиби фракциялари миқдорлари ўзгариши Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларда олиб борилган изланиш натижаларида ўз исботини топди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Парпиев Ф.Т. Мирзачўл воҳаси тупроқлари механик, микро- ва макроагрегат таркибларининг суғориш таъсирида ўзгариши // «Тупроқшунослик – мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида» Республика илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами, –Тошкент, – 2017. – Б. – 142-146.
2. Турғунов М.М., Арабов С.А. Мирзачўл воҳаси суғориладиган тупроқларининг умумий физик ва сув хоссалари / НамДУ илмий ахборотномаси – Научный вестник НамГУ. 2021. – № 12-сон. – Б. – 171-176.
3. Ташкузиев М.М. – Химический и минералогический состав фракций механических элементов целинного и орошаемого типичного серозема. Автореф. канд. дисс., –Ташкент, – 1973. – С. 10-25.
4. Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари Атласи. –Тошкент, – 2010. – Б. – 20-22
5. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. – М.: МГУ, – 1970. – С. – 487.
6. Тошқўзиев М.М. Тупроқда умумий гумус ва ҳаракатчан гумус моддалари миқдоридан унинг унумдорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланишга доир услубий кўрсатмалар. – Тошкент, – 2006. – 47 б.
7. Качинский Н.А. Физика почв. – М.: «Высшая школа» – 1970, ч. II. – С. – 357.
8. Қорабеков О.Г. Мирзачўл текисликларида шаклланган гидроморф тупроқларнинг механик таркиби // «Инновационные подходы в современной науке» Сборник статей по материалам международной научно-практической конференции. – № 1(61), –Москва, –2020 – С. –194-199.

Кўзиев Жаҳонгир Мадаминвич,
 бўлим бошлиғи, e-mail: mmjahongir81@gmail.com
Каримбердиева Амина Азимовна,
 етакчи илмий ходим
Низамов Собиржон Аълаевич,
 катта илмий ходим
Жумаев Шавкат Хасанович,
 III-курс таянч докторанти

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятида шаклланган эскидан суғориладиган типик бўз тупроқ шароитида ўтказилган дала тажрибаси натижалари таҳлилий маълумотлар келтирилган. Бунда, ўрганилган тупроқнинг механик таркиби, агрокимёвий кўрсаткичлари ва азотнинг вегетация давридаги динамикаси ҳамда комплекс ғит қўллашнинг аҳамияти таҳлилий маълумот қайд қилинган. Ўрганилган суғориладиган типик бўз тупроқлар ўрта ва оғир қумоқли, механик фракцияси бўйича йирик ва майда чанг заррачалари устунлик қилиши, тупроқларнинг ҳайдов қатламларида гумус 1,23%, умумий азот 0,097%, умумий фосфор 0,157% ва умумий калий 1,15%. Таъминланганлик даражасига кўра ҳайдов қатламлари кам таъминланган, ҳайдов ости ва қуйи қатламлар жуда кам таъминланган гуруҳларга мансуб эканлиги ҳамда турли миқдор ва нисбатларда минерал ғитлар қўлланилган вариантларда ҳаракатчан азот экиш олдида то шоналашгача ортиб бориши, шоналашдан пишиб етилгунча камайиб бориши таҳлилий маълумотлар қилтирилган.

Калит сўзлар: суғориладиган типик бўз тупроқ, механик таркиб, агрокимёвий кўрсаткичлар, азот динамикаси, таъминланган даражаси, комплекс ғит, дала тажрибаси.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований проведенного полевого опыта в условиях староорошаемых типичных сероземов, сформированных в Ташкентской области. Освещены данные механического состава изученных почв, их агрохимические показатели, динамика азота в период вегетации хлопчатника, а также установлено влияние применения комплексных удобрений. Изученные орошаемые типичные сероземы средне- и тяжело суглинистые. В механических фракциях почв преобладают частицы крупной и мелкой пыли, содержание гумуса в пахотном горизонте почв составляет 1,23%, общего азота 0,097%, общего фосфора 1,157%, общего калия 1,15%. Установлено, что по степени обеспеченности пахотного слоя почв этими элементами, они относятся к группе низкообеспеченных и, далее вниз по профилю почв, к группе очень низкообеспеченных. На вариантах с выносом различных норм и соотношений минеральных удобрений, количество подвижного азота увеличатся предпосевного внесения до фазы бутанизации и снижается далее от бутонизации до фазы созревания.

Ключевые слова: орошаемые типичные сероземы, механический состав, агрохимические показатели, динамика азота, степень обеспеченности, комплексные удобрения, полевой опыт.

Annotation. The article presents the result of researches of the provided field experience in the conditions of the old irrigated gray soils formed in the Tashkent region. The data on the mechanical composition of the studied soils, their agrochemical indicators, the dynamics of nitrogen during the growing season of cotton, and also the influence of the use of complex fertilizers have been highlighted. The studied irrigated typical gray soils are medium and heavy loamy. Particles of coarse and fine dust predominate in the mechanical fractions of soils, the content of humus in the plow horizon of soils is 1.23%, total nitrogen 0.097%, total phosphorus 1.157%, total potassium 1.15%. It has been established that according to the level of provision of the arable layer of soils with these elements, they belong to the group of low-availability and further down the soil profile to the group of very low-availability. On variants with the application of various norms and ratios of mineral fertilizers,

the amount of mobile nitrogen will increase in pre-sowing application to the bitumization phase and decrease further from bitumization to the maturation phase.

Key words: irrigated typical serozems, mechanical composition, agrochemical indicators, nitrogen dynamics, degree of supply, complex fertilizers, field experience.

Табиатда, кимёда бўлгани каби, асосий кимёвий қонун - моддаларнинг сақланиш қонунини эсдан чиқармаслик лозим. Модда фақат турли хил физикавий ва кимёвий ўзгаришларга учрайди, жой ва шаклини ўзгартиради, лекин яратилмайди ва йўқолмайди. Масалан, ўсимликнинг ўсиб-ривожланишида у ўз-ўзидан массасини кўпайтирмайди, у фақат ҳаводаги газларни ва илдиэлари билан тупроқдан сувни, у орқали эриган озикча моддаларни ўзлаштиргани учун ўсади. Ўсимликка ҳаводан етказиб бериладиган озикча моддалар ҳар доим бир хил бўлади ва ҳеч қачон тугамайди. Уларнинг тупроқдаги миқдори бутунлай бошқача. Агар уларни тўлдириб турилмаса, ҳосил билан тупроқдан қайтмас тарзда чиқиб кетиши, тупроқларнинг озикча моддаларини камайишига ёки қашшоқланишига олиб келади.

Ю.Либих

